

**САЙФИДДИН ЖАЛИЛОВ**

# **БОБУР ҲАҚИДА ЎЙЛАР**

(Бобур номидаги Андикон Давлат  
университетининг 75 йиллигига бағишланади)

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2006**

**Жалилов, Сайфиддин.**

Бобур ҳақида ўйлар: Бобур номидаги Андижон Давлат университетининг 75 йиллигига бағишилана-ди. — Т.: «Шарқ», 2006. — 112 б.

Президент Ислом Каримов Андижон вилоятига Амир Темур орденини топшириши маросимида Андижонда фаолият юритаётган кўплаб зиёлилар — маданият, адабиёт ва санъат намояндалари қато-рида таникли олим, профессор Сайфиддин Жалиловнинг ҳам ком-ларини тилга олган эдилар. Дарҳақиқат, С. Жалилов ярим асрлик фаолияти давомида 300 га яқин илмий-оммабоп асарлар яратди. Ай-ниқса, шоҳ ва шоир Бобур ҳаёти билан боғлиқ рисолалари ватани-мизда ҳам, чет элларда ҳам машҳурдир. Кўлингиздаги ушбу асар Бобур Мирзо ҳақидаги энг сунгти, энг янги маълумотларни беради. Ўқинг, шоҳ ва шоир сиймосини яна бир бор қайта кашф этинг.

**ББК.83.3(0)5**

«Шарқ» нашриёт-матбаса акциядорлик компанияси 2006.

## МУҚАДДИМА

Бобур... Заҳириддин Мұхаммад... Бу буюк инсоннинг номи ардоқланадиган мустақиллик замонасига етиб келгунга қадар у ҳақда не-не гаплар бўлмади, дейсиз. Ҳукмрон партия ва шўро тузумининг «Ўтмишни идеаллаштирмаслик» ҳақидаги сиёсий кўрсатмасига амал қилган ҳолда иш тутишга мажбур бўлдик. Не-не даҳоларимиз ҳақида қалбларимизда туғён ураётган ҳақиқатни тўла айтмолмадик, гапларимизни ўша машиъум кўрсатмага асосан ясалган сохта андоза — қолипга солиб гапирдик, ичимизда эса бор ҳақиқатни шивирлаб юрдик. Булар ҳақида ўйласак, худди туш кўрганга ўхшаймиз. Ва ўз-ўзимиздан, имонимизнинг сустлигидан андек бўлса-да, уяламиш. Қардош ҳалқларнинг ватан ва миллат қайғусидаги саъй-ҳаракатлари натижаларини кўриб ҳавас қиласиз.

«Қонхўр, босқинчи» — деб таърифланган улуф соҳибқирон Амир Темур авлоди бўлмиш Бобур Мирзо номини камоли шоир ва серқирра олим бўлгани учунгина ёдга олдик, унинг подшоҳлигини эса тан олмадик. Ҳинд элида 300 йилдан ортиқ ҳукм сурган буюк бобурийлар сулоласининг ҳаётбахш фаолиятини ерга уриб гапирдик. Ҳиндистоннинг улуф фарзанди, XX асрнинг буюк алломаларидан бири Жавоҳарлаъл Неру «Бобур — дилбар шахс» деб таърифлаб, Ҳиндистоннинг янги бир цивилизациясини бошлаб берганини эътироф қилгани ҳолда, биз уни «БОСҚИНЧИ»га чиқардик. Ваҳоланки, Бобурнинг ўзи Ҳиндистонга тақдир тақозоси билан бориб қолганини, «ўз юртини қўйиб ҳинд сори» кетгани «юз қаролиқ» бўлганини мардонавор тан олиб ёзган эди, бизлар эса...

Бу улуф инсон таваллудининг 400 йиллиги чоризм мустамлакачилиги даврига (1883 йил) тўғри келди, юбилей ҳақида гап бўлмади, бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

450 йиллиги эса, «Жаҳондаги энг илғор тузум» деб жар солинган социализм қуриш даврига (1933 йил) тўғри келиб, Бобур номи тилта ҳам олинмади. Ноҳақликни қарангки, чекка ўлка халқларининг буюк тарихий шахсларига, улуғ алломаларига нописандлик билан қаралди. Сталин бошлиқ зўравонликка асосланган ҳукмрон тузум бунга асло йўл қўймади.

Ниҳоят, «халқлар доҳийси»нинг ўлимидан сўнг сиёсий муҳит бир оз илиқлашгандек бўлди ва Фанлар Академиясининг вице президенти, ажойиб ташкилотчи олим Иброҳим Мўминовнинг (Аллоҳ раҳмат қиласин) шахсан ташабуси билан маънавиятда хайрли ишлар бошланди. Жумладан, 1958 йили Бобур таваллудининг 475 йиллиги унинг ватани — Андижонда кенг нишонланди. Пойтахт Тошкентдан ўз даврининг машҳур олимлари — бир неча академиклар, профессорлар ташриф буюрдилар. Ажойиб учрашувлар ўтказилди. (Ўша йили Бухорода Ибн Синонинг ҳижрий сана бўйича 1000 йиллиги ҳам тантана қилинди.)

Орадан чорак аср ўтгач, Бобур таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш вақти етиб келди. Бу даврда улуғ бобомиз Мирзо Бобур ҳаёти ва ижоди бутун дунё олимларининг диққат марказига кўтарилиди. Унинг бетакрор таъби назми, ибратли хулқатвори, жасорат ва ҳимматга йўғрилган шахси жуда кўп — хоссатан Оврупо зиёлиларини ҳам қизиқтириб қўйди.

Бироқ, «Ривожланган социализм» деб аталмис фоя суворийлари чекка республика халқларининг «талтайиб» кетмасликлари учун янги-янги тўсиқлар шодасини ишга солиб юбордилар. Аслида эса бундай ихоталаш найрангларнинг уюштирилишини ҳам табиий ҳол деб қараш лозим эди. Чунки ҳар бир мустамлака мамлакат ҳукмдор давлатнинг чизган чизигидан чиқмаслиги аниқ. Шу боис, бу борадаги яъниким Заҳириддин Муҳаммад Бобур (500 йиллик) юбилейининг ўтказилмаганлиги учун барча айбни ўша пайтдаги СССР раҳбарларидан қидиришимиз адолатдан бўлмайди. Ахир улуғ саркарданинг 475 йиллигини кенг миқёсла байрам қилинишига изн берган собиқ иттифоқ бошлиқлари нечун бирдани-

га «тўнларини тескари кийиб» олишлари мумкин?! Бунда шубҳасиз, уларнинг тақиқларидан кўра ўзимиздан чиқсан «хушёр ватанпарварлар»нинг «зукколиги» муҳим роль ўйнаган бўлса не ажаб?! Яна шуни ҳам айтиш жоизки, давр ўтган сари феъл атвормиздаги событлик янада заифлашган эди. Ўз қадр-қимматингни ўзинг кўтармасанг, ўзингни ўзинг ҳимоя қилолмасанг сен учун бирор қалқон бўлармиди? Кавказорти ёки Болтиқбўйи халқларидай биз ҳам ўз ҳақ-хуқуқимизни талаб қилолмаганимиз учун шундай ҳолга тушгандирмиз, шахслик мартабамиз уларнига қараганда пастдир, деб тан оладиган одам йўқ. Биз бошимизга тушган ўша кулфатларнинг дояси ўзимиз эканлигимизни англаб етайлик.

Минг бора шукр қилайлик, мустақилликка эришдик, истиқлол қуёши чиқди. Президентимиз Ислом Каримов ўтган улуғларимиз ҳақида жуда ҳам ҳаққоний таплар айтди: «Асррий орзуларга эришган халқимиз жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, И мом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк сиймаларни берган».

Юртбошимизнинг одилона ички сиёсати туфайли, мана, Ватанимиз, халқимизнинг бой тарихи тикланяпти, бошқа буюк даҳоларимиз қатори Бобур ҳам ўз юртига қайтди, номи покланди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилиёқ Президентимиз Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Шу муносабат билан Андижонда катта ишларга кўл урилди: ажойиб ташкилотчи, тиниб-тинчимас инсон Зокирjon Mashrabov ташаббуси билан Бобур номидаги Халқаро хайрия жамғармаси тузилди. Халқаро илмий экспедиция аъзолари Бобур изидан юриб, Шарқ мамлакатларида бўлиб, ҳамюртимиз ҳақида кўп маълумотлар тўплади ва улар ҳозир Андижондаги Бобур боргида ташкил қилинган янги музейда намойиш қилинмоқда. Бобурнинг Кобулдаги хоки туробидан олиб келиб қурилган рамзий қабри эса халқимиз ва шаҳримиз меҳмонларининг зиёратгоҳига айланди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. •Тарихий хотирасиз келажак йўқ•. Тошкент, 1998, 9-бет.

Қўлингиздаги ушбу тўплам Бобур ҳақида турли йилларда ёзилган мақолаларнинг энг сараланганларидан ташкил топган. Юртдошимизнинг 1993 йили нишонланган 510 йиллик юбилейигача ёзилган мақолаларда ўша давр руҳи сақланган бўлса ҳам, юқорида айтилганидек, ҳар қандай сиёсий қолипга қарамай, Бобур ҳақида йўлини топиб айтилган қимматли фикрлар ўз аксини топган. Тўпламнинг асосий қисми эса мустақиллик даврида қилинган ишлар ҳақидаги мақолалардан иборат.

---

---

## ФАРГОНА ДАВЛАТИ

Бобур Ўзбекистон ва бизнинг буюк қўшнимиз Ҳиндистон халқлари ўртасидаги тарихий ва маданий алоқаларни, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдек муҳим халқаро ишларда сезиларли роль ўйнаган инсондир. Калькутта университети профессорлари Синча ва Банержийларнинг таъкидлашларича, Бобур Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамай, шу чоққача Бобурнинг кўп қиррали фаолияти ва илмий-адабий мероси бизда тўла ўрганилмади, ҳаёти ва ижодининг айрим томонларини баҳолашда чалкашликларга, ҳатто хатоликларга йўл қўйиб келинди.

Шарқшуносларнинг бўлиб ўтган биринчи Бутуниттифоқ конференцияси Шарқ тарихининг муайян давларини, фан ва маданиятнинг буюк намояндаларини, шу жумладан, Бобурнинг ҳам ҳаёти ва фаолиятини чуқурроқ ўрганишга маълум туртки берган эди.

Темурнинг ўлимидан сўнг унинг ворислари даврида ўғил ва набираларига маҳаллий «суюргол» деб аталадиган ва деярли мустақил бошқариладиган феодал ер-мулклар бериш кенг тус олди. Бу парчаланиш Мовароуннаҳр ҳудудида кичик-кичик феодал давлатларнинг ташкил топишига, марказнинг эса кучсизланиб кетишига олиб келди.

Мовароуннаҳр давлатининг ҳукмдори Абу Сайд ўз ўғли, бўлғуси Бобурнинг отаси бўлмиш Умаршайхномига Фарғонани суюргол қилди ва шу муносабат билан мустақил Фарғона мулки юзага келди. Бу — машҳур Чингизхон авлодлари бўлмиш кўчманчи мўгулларнинг Фарғона ерларига қилаётган ҳужумлари даврига тўғри келади. Тянь-Шань орти ва тоғолди бўйларига тарқалган Мўгулистон давлати жанубда Фарғона водийси билан чегарадош эди. Мўгуллар кўпинча Андижонга ҳозирги Кирғизистоннинг Жалолобод вилоятига қарашли, шимолда Олабуқа тумани ва

Кетмантепа (Тошкўмир) томонлардан ҳужум қилишарди. Айрим ҳукмдорлар ўртасидаги доимий урушлар, феодал жанжаллар ҳам ўлканнинг иқтисодиётига ўзининг оғир таъсирини кўрсатарди. Мана шундай бир оғир шароитда 12 ёшли Бобур отасининг тасодифий фожиали ўлимидан сўнг қонуний ворис сифатида Фарғона таҳтига ўлтиради.

Фарғона мулкига кирган 8 та шаҳар: Андижон, Ахси, Косон, Ўш, Конибодом, Исфара, Марғилон, Хўжанд Бобур ихтиёрига ўтади. Фарғона ҳукмдорининг ёзги қароргоҳи бўлмиш Ахси шаҳри (Наманганд вилояти Тўракўргон туманига қарашли ҳозирги Ахси вайроналари) Сирдарёning ўнг қирғозида эди. Фарғонанинг пойтахти Андижон ўша пайтда водийнинг асосий шаҳри, Мовароуннаҳрдаги Самарқанд ва Кеш (Шаҳрисабз)дан сўнг учинчи йирик шаҳар бўлиб, мустаҳкам қалъя деворлари билан ўралган эди. Бобур таърифида шаҳарнинг учта дарвозаси бўлиб, асосий дарвозаси жанубдаги Ҳокан дарвозаси эди.

Шаҳар қалъя деворларининг орти чуқур хандақлар билан ўралган бўлиб, сув оқиб турган, фақат дарвозаларида кўпrik бўлган холос. Бобурнинг ёзишича, шаҳарнинг жанубий қисмидан катта Ҳокан ариғи қалъани ўраб ўтган. Бобурномадан маълум бўлишича, Андижон атрофида бир қатор давлат амалдорларининг чорбоғлари мавжуд эди. Бобур шаҳарнинг шимолий томонида жойлашган «Қўши Тегирмон» мавзеидаги катта онаси Эсон Давлат Бегим чорбоғини ва яна бир қанча йирик чорбоғларни тилга олиб ўтади. Фарғона водийсининг ҳар бир шаҳри ўзининг табиий бойлиги, меваси билан машҳур бўлган. Бобур Андижоннинг нашвати-нокини айниқса мақтайди.

Бобур ўша даврдаги Андижон ҳақида шундай ёзади: «Ошлиғи воғир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас» («Бобурнома», Тошкент, «Шарқ», 2002, 34-бет) Бобур, шунингдек, Конибодомнинг бодомлари, Марғилоннинг «Донаи калон» анорларини эҳтирос билан таърифлайди. Ўш шаҳри ўша пайтларда ҳам ажойиб ҳавоси ва баҳори билан машҳур бўлганлигини ёзади.

Бобур таҳтга ўлтирган дастлабки пайтларданоқ бир қатор сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келали. Тарихий шарт-шароит туфайли Темур авлодлари ҳукмдорлик қилган барча жойларда, шу жумладан Фарғонада ҳам феодал тарқоқликнинг ҳукм суриши мамлакат иқтисодиётини издан чиқарган ва марказий ҳокимиятни бўшаштириб юборган. Подшоҳнинг ёшлигидан фойдаланган йирик бойлар ўз ерларини кенгайтириш ва бирон сиёсий мавқега эга бўлиш учун ўзаро душманликни авж олдирадилар. Уларнинг ҳар бири мамлакат ҳукмронлигини ўз қўлига олишга ҳаракат қиласарди. Та什қаридан бўлаётган мўғул ва кўчманчи ўзбекларнинг хуружлари ҳам Фарғонанинг аҳволини анча оғирлашиб қолишига сабаб бўлади.

Бунинг устига Андижон амири Ҳасан Ёқуб, шунингдек Хўжанд, Ўра Тепа амирлари ҳам Бобурга қарши бош кўтаришади. Ёш Бобур ва унинг томонидагилар (тоғалари) Ҳасан Ёқуб ва Хўжанд амирининг қўзғолонларини бостириш ҳамда барча кучни ташқи душмандан мамлакатни ҳимоя этишга қаратиш учун курашадилар. Аммо бу иш осон кечмади. Ниҳоят Бобур тарафдорларининг астойдил ҳаракатлари натижасида Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад ва кўчманчи мўғуллар ҳам Фарғона ҳукуматини тан олишга мажбур бўлдилар.

Бироқ урушлар ва сиёсий парокандаликлар вилоят иқтисодиёти ва молиявий ҳолатини барбод этган эди. Ҳусусан, деҳқонларнинг қисмати оғир эди. «Тарихи Рашидий» деб номланган муҳим манбада ёзилишича, Андижон, Ўш, Ахсидаги деҳқончилик ерларига уруғ экилмай қолиб кетган. Бобурнинг ёзишича, Фарғона кирими атига 4 минг жангчидан иборат бўлган қўшинни таъминлашга ҳам етмас эди.

Амирлар ва беклар деҳқонлардан катта солиқлар ундириб олишарди-ю, аммо ҳукмдорнинг хазинаси учун ҳаммасини бермас эди. Натижада Бобурнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан имкониятлари чегараланиб қолган эди. Бу ҳақда у «Бобурнома» асарида алам билан ёзади.

Бундай шароитда, табиийки, ташқи душман ҳам вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Темурийларнинг азалий душмани, Орол денгизи томонидан кел-

ган Шайбонийхон Фарғона мулкини батамом барбод этиш билан ҳавф солар, вақт ўтган сари Бобурни сиқиб борарди. Бобур Самарқандни ҳам кўлга киритиш хаёлида 1500 йилга қадар Андижон ва Самарқанд ўртасида шахмат таҳтасидаги шоҳдек бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрди.

1501 йили эндиғина эгалланган Самарқанд ҳам Шайбонийхон томонидан кўлга олинди. Аммо Бобурни Андижонда ҳам оғир зарба кутарди — Фарғона мулкининг кўпчилик вилоятлари унга қарши бош кўтарган бебош феодаллар кўлига ўтганди. Бобур ўртада кўп саргардонликларни бошдан ўтказди.

Тоғаси — Тошкент ҳокими ёрдамида ота мулкини қайтариб олиш учун қилган уринишлари ҳам натижа бермади. 1504 йили Бобур Фарғонадан, умуман Мовароуннаҳрдан батамом кетишига мажбур бўлди ва оз бўлса ҳам ўзига содиқ қўшини билан Кобулда қарор топди. Аммо у афғон ерида турса ҳам, она юртига қайтиш умидида яшади.

Фарғонани, бутун Мовароуннаҳрни шайбонийлар ҳамда маҳаллий феодаллар зулмидан озод этиш, ота мерос Ватанда ўз хукмронлигини қайтариб олиш ҳақида Бобурнинг кенг қамровли режалар тузганлиги «Бобурнома» сатрлари орасидан қизил ип бўлиб ўтади. У темурийларнинг ўша даврдаги кучли вакилларидан бири Ҳурсон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқародан ёрдам ва маслаҳатлар кутганди. Шу мақсадда Бобур Ҳурсон пойтахти Ҳирот билан доим алоқа боғлаб турди. Бироқ Султон Ҳусайн Шайбонийхонга қарши курашда Бобур кутганидек етарли жасорат кўрсата олмади. Бу ҳақда Бобур ачиниб шундай ёзади:

«Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек ўринига ўлтурғон улуғ подшоҳ ғанимнинг устига йифноқ қилиб, атроф ва жавонибдин ўғлонларини ва бекларни тилашиб, Шайбонийхондек озим бўлғонда, эл аёқ била борғонда биз бош била борғайбиз, эл таёқ била борғонда — биз тош била борғайбиз»

(«Бобурнома», янги нашри, 127-бет) Бобурнинг бу сатрларида бағридан отилиб чиққан афсус на надоматлар сезилиб турибди.

1506 ва 1510 йиллари Бобурнинг ўз мулкини қайтишига бўлган уринишлари барибир натижа бермади. (1510 йили Самарқандни Эрон шоҳи ёрдамида эгалла-

ди-ю, лекин сақлаб қололмади.) Шайбоний ворисла-рининг қўшинларидан Фиждувонда мағлубиятга учра-гач, Ватандан батамом умидини узди ва ноилож Ҳин-дистон сари юзланди. Ўн йиллар давомида шу азим ўлкага қараб интилди. Аммо тақдир уни бошқа йўлга бошлади: Ҳайбар довонидан ўтиб, 1526 йили қаттиқ феодал тарқоқлик ва сиёсий тангликтни бошдан кечи-раётган Деҳли Султони Иброҳим Лудийнинг 100 минг кишилик лашкарини тарихий Панипат жангига тор-мор қилишга эришди.

Бу тарихий ғалаба Ҳиндистон тамаддунида бури-лиш бўлди: мамлакатни феодал тарқоқлик ботқо-ғидан чиқиб, Бобур асос солган, хорижда «Буюк мўғуллар империяси» (аслида Бобурийлар салтанати) деб номланган янги марказлашган давлатга бирла-шишининг бошланиши эди. Бу империя 300 йилдан ортиқ, яъни Ҳиндистонни инглиз мустамлакачилари босиб олгунга қадар яшади. Бутун Ҳиндистон тари-хининг энг ажойиб саҳифалари ҳам айнан Бобур асос солган мазкур империя давридан иборатdir. Айниқса, Бобурнинг дастлабки ворислари — Ҳумо-юн, Акбар ва Жаҳонгирлар ҳукмронлик қилган йил-лар ушбу мамлакат тарихий тараққиётининг ёрқин саҳифаларини ташкил қилади.

Бобурнинг Мовароуннаҳри ташлаб кетиши би-лан мамлакатимизда темурийлар сулоласининг ҳукм-дорлиги ҳам тугади.

Темурийлар сулоласининг инқирозга учраши ва жумладан, Фарғонада Бобур ҳукмдорлиги тикланма-ганининг сабаби бир бошга қўшилолмай узоқ давом этган феодал тарқоқлик бўлди. XV аср охири ва XVI аср бошидаги Фарғона тарихи феодал ер-мulk эгаларининг дам у, дам бу жойда ўт олган ўзаро тинимсиз урушлари, у ёки бу лашкарбоши амир-нинг ҳокимият учун, афсуски, бойлик учун, юртда ўз сиёсий мавқенини ошириш учун олиб борган ку-рашлари тарихидан иборатdir. Бироқ, Фарғона мул-кининг ҳукмдори бўлмиш ёш Бобур душманларга кескин зарба бериш, мамлакатда кучли ҳокимият ўрнатиш учун етарли куч-кудратга эга эмас эди. Бобур сепаратизмга, яъни бирлашишдан қочишга интилаётган худбин, ғаламис кучларга зарба бериш, темурий, амир ва амирзодаларнинг мулк, бойлик

талашиб ўзаро олиб бораётган урушларини тўхта-тишга, ўлкада тинчлик ўрнатишга кўп уринди. Аммо бу улкан тарихий вазифани бажаришида ёлғизлик қилиб қолди. Бунинг учун унда моддий қувват ҳам, ҳарбий-сиёсий қудрат ҳам етарли эмас эди. Биргина фидойиликнинг ўзи билан бу улуғ вазифани ҳал қилиб бўлмас эди. Булар устида ўйлар эканмиз, шундай хulosага келиш мумкин:

Биринчидан, Бобур доимий қўшинга эга эмас эди. Тант ҳолатларда у фақат ўзининг оз сонли шахсий навкарларига сұянар ва ёлланма тарзда хизмат қилаётган мўғул қўшинларига мурожаат этарди. Бироқ мўғуллар ишончли эмас эди, улар кўлга киритган туман ва шаҳарларни талашиб мойил эдилар. Бобур эса бунга йўл қўймасди.

Иккинчидан, Бобур икки йўналишда: ҳам маҳаллий феодалларга, ҳам шайбонийларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлган пайтларда Фарғонанинг иқтисодий ҳолати ёмон аҳволда эди. Ўзаро бўлиб турган ички ғалаёнлар қишлоқ хўжалигига меҳнат қилаётгандар сонини камайиб кетишига олиб келди. Қишлоқларда озиқ-овқат етишимас, қўпинча очлик ҳукмроилик қиласади. Маҳаллий феодаллар, ўзбошимча ҳокимлар томонидан жорий этилган катта-катта солик тизими оғирлигидан деҳқончилик қилаётгандарнинг экин ерларини ташлаб кетиб қолишларига сабаб бўлди. Деҳқонлардан асосий солик «хирож», ҳарбий солик «оворизот», маъмурий солик «зобита», сув учун «миробана» ва шу каби ўнлаб турли хил соликлар қишлоқ аҳдининг тинкасини қуритди. Бундай ҳолат XV асрнинг иккинчи ярмида Андижон, Ўш, Марғилон ва бошқа бир қатор жойларда қашшоқлик ва адолатсизликка қарши ҳалқ қўзғолонлари кўтарилишига ҳам сабаб бўлди.

Умуман олганда, Бобурнинг Фарғонадаги даври Амир Темур томонидан татар-мўғул истилосининг аянчли оқибатлари бартараф этилгач бошланган иқтисодий ва маданий юксалиш даври туталланиб, сўнгра бошланган феодал бўлинишларнинг ўсиши ва ривожланиши билан характерлидир. Шайбонийлар истилоси бу бўлинишларни вақтинча тўхтатди. Бироқ, бирлашиш ўзоқ давом этмади ва Ўрта Осиёда ягона давлат ўрнига учта мустақил феодал давлати, жумладан

Фарғона водийсида бўлажак Қўқон хонлигининг ташкил топиши учун иқтисодий ва сиёсий мухит юзага келдики, бунинг тарихий оқибати яхшиликка олиб келмади. Бўлинганни бўри еди. Ўлкани Русия ўз домига торта бошлади.

Бобур даврида Фарғона давлатининг муҳтасар баёни ва унинг оқибатлари ана шундан иборат.

## УМАР ШАЙХ МИРЗО...

Амир Темур вафотидан сўнг унинг хонадонида ҳокимият меросхўрлиги ҳуқуқига эга бўлган 4 фарзанд ва 16 набира қолган эди. Темурийзодалар ўз мерос мулкида ўзлари ҳукмон әдилар, марказий ҳокимиятга эса факат номигагина бўйсунардилар, холос. Бутун XV аср давомида бугунги Ўрта Осиёning асосий сугорилалигидан ўлкалари ўзбошимча темурийзодалар ўртасида тақсимланган эди. Бу амирзодалар ўз мулкида тинчтотувлик билан яшаб, вилоятларнинг иқтисодий тараққиёти йўлида қайғуриш, ўз меҳнати билан моддий бойлик яратиб, бутун жамиятни боқаётган ҳалқ оммасининг осойишталиги устида ўйлаш ўрнига бойлик орттиришу ўзаро уруш-жанжаллар билан банд әдилар. Натижада вилоятлар, қишлоқлар, хонавайрон бўларди, ноҳақдан ҳалқ қони тўклиларди, экинлар қаровсиз қоларди. Шаҳарларда ҳунармандчилик корхоналари ўз-ўэидан барҳам топиб, ички-ташқи савдога путур етар, карвон йўллари хавфли бўлиб қоларди. Бу ҳолат ўз наебатида ўлка иқтисодий ва маданий тараққиётiga ҳам катта зарар етказар эди.

Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг набираси бўлмиш Абу Сайд Мирзо ўз ҳукмонлиги даврида (1451—1469) Мовароуннаҳрда қаттиққўл катта бобоси давлатини тикламоқчи бўлди. Ҳатто у 1459 йили Хурсонни ҳам бирлаштириди. Бироқ Абу Сайд Мирзо ҳам ўз фарзандларига ер-мulk улашади. Кўл ўтмай яна сиёсий парокандалик авж олиб Мовароуннаҳр давлатига яна путур етади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо Абу Сайднинг тўртинчи ўғли бўлиб, у 1462 йили 7 ёшида Фарғона вилоятига ҳоким қилиб тайинланди.

Абу Саид Мирзо Фарғона юртини ўғли Умаршайхга берганидан сўнг вилоятни тинчтиш учун баъзи дипломатик тадбирлар кўради. Мўғул хони Эсон Буғанинг катта акаси, таҳт учун курашда енгилиб, дарбадар юрган Юнусхонни Эроннинг Шероз вилоятидан олдириб келиб катта сийловлар ва ҳарбий ёрдам бериб укасига қарши қўяди. Абу Саид Мирзо ёрдами билан, шунингдек, айрим мўғул амирларининг мададига сұяниб Юнусхон ўз укаси ўрнига Мўгулистон хони қилиб кўтарилади ва Абу Саид Мирзога маънавий жиҳатдан миннатдор бўлиб қолади. Абу Саиднинг қилган бу донолиги билан мўғуллар тинчигандек бўлади, Фарғона мулкида нисбатан тинчлик ўрнатилади.

Аммо Юнусхон ҳам анойилардан эмас эди. Абу Саид Мирзо вафотидан сўнг (1469) у ҳам дипломатия ишлатади: уч қизидан ўртанчиси — Кутлуғ Нигорхонимни Умаршайхга никоҳлаб, уни ўзига куёв қилиб олади. (Катта қизини унинг акаси — Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзога берган эди.) Ва шу йўл билан Фарғона мулкини ўзига тобеъ қилмоқчи бўлади. Шу мақсадда Юнусхон кўп марталаб ўз куёвининг мулки — Фарғонага келиб, гоҳ Аҳсида, гоҳ Андижонда Умаршайхга меҳмон бўлиб юради. Юнусхонга куёви, куёвга эса Юнусхон тортиқлар қиласи.

Шаҳарларнинг энг йириги Андижон бўлиб, Фарғона мулкининг пойтахти эди. Шунинг учун унинг қалъа девори анча мустаҳкам эди.

Шаҳар арки шаҳарнинг жануби-ғарб томонида — тепаликда жойлашган бўлиб, унинг атрофи ҳам мустаҳкам девор билан ўралган эди. Аркда ҳукумат, сарой амалдорлари ва уларнинг оиласлари жойлашган эди. Сарой амалдорлари устидан асосий назорат Умаршайх Мирзобек аткаси (яъни тарбия қилувчиси) Худойберди Темиртош қўлида эди. (Худойберди вафотидан кейин ўрнига Ҳофиз Муҳаммад Дўлдай деган шахс тайинланди.) Арк кутволи (бошлиғи) Қосимбек Қовчин ҳарбий қоровуллик қўшинларига қўмондан эди. Булардан ташқари, аркда яна хон мироҳўри (отхоналар бошлиғи), миршикори (овчилик ишлари бошлиғи) ва бошқа қатор лавозим эгалари ўз оиласлари билан истиқомат қилишар, буларнинг барчаси подшо саройи маҳкамасини ташкил қиласи.

Шимолда Андижондан сўнг йирик шаҳар — Сир-

дарёning ўнг соҳилида жойлашган қадими Аҳси бўлиб, у ҳам қалъа девор билан ўралган мустаҳкам шаҳар — қадими пойтахт эди. Аҳси дарё бўйида жойлашгани учун ҳавоси яхши, дараҳтзор, салқин шаҳар эди. Шунинг учун, Умаршайх Мирзо даврида пойтахт аввал Аҳсида эди. Бироқ мӯгуллар ҳаффи бу ерда кучли бўлгани сабабли (1464—1465 йиллари мӯгуллар вақтинча босиб ҳам олдилар) пойтахт янга Андижонга кўчиб, Аҳси ёзги қароргоҳ бўлиб қолади. Подшоҳ ва унинг хонадони бутун ёз ойларини Аҳсида ўтказарди. Умуман Фарғона мулкининг ҳар бир шаҳри нимаси биландир машҳур ва ўзига хос эътиборли эди. (Бу ҳақда «Бобурнома»да қисқа аммо аниқ маълумотлар берилган.)

Умаршайх Мирзо ҳокимлик қилган даврда (1462—1499) Фарғона мулки эски мавқеига нисбатан иқтисодий жиҳатдан Зарафшон водийсига нисбатан камбағалроқ бўлиб қолган эди. Амир Темур даврида Зарафшон водийсининг қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик ишларига катта эътибор берилиб, ишлаб чиқариш кучлари сезиларли даражада ривожланган эди. Фарғонага эса, юқорида айтилганидек, мӯғул хонлари тез-тез ҳужум қиласар, бундан ўлка катта иқтисодий зарар кўради. Аммо иқтисодий ва хўжалик тараққиёти учун Фарғона мулкининг кattагина табиий имконияти бор эди. Афсуски, тарихий манбаларда бу ажойиб ўлканинг хўжалик ҳаёти, меҳнаткаш ҳалқ аҳволи ҳақида маълумотлар жуда оз учрайди.

Бобур Мирзо Фарғонани «ошлиқ ва меваси фаронон» деб ёзганида, афтидан, унинг осойишталиқ даврини ва табиий имкониятларини ҳисобга олган. Чунки, ўз мулки ҳақидаги холосасида «Фарғона вилоятининг ҳосили билан, агар адл қилсалар уч-тўрт минг киши сақласа бўлади» деб ёзади. Умуман олганда эса, Бобур Фарғонани завқ билан, кўтаринки руҳда, жозибали қилиб таърифлайди.

Энди мана бундай савол туғилади: Хўш, Умаршайх Мирзо кўп табиий бойликка эга ва ишлаб чиқариш имконияти катта бўлган Фарғона мулкини ўғли айтган шарт билан, яъни «одиллик билан» идора қилолдими? Бу саволга холисона жавобни унинг давлат фаолияти ва шахсий фазилатидан қидирмоқ лозим бўлади. «Бобурнома» муаллифи ўз отасига таъриф берар экан, ун-

да анчагина киноя ва ҳатто афсус аломати ҳам сезилиб туради. Тарихий манбалар муаллифлари эса бу ҳақда етарли маълумот бермайдилар.

«Бобурнома»нинг Умаршайх Мирзо таърифи ва фаолияти ҳақидаги саҳифаларидан отанинг қўйидаги ижобий фазилатларини сезиш мумкин: Умаршайх — мардона киши, оқкўнгил, шоирликка ҳам майли бор, жисмонан кучли, қўли очиқ, ҳиммати баланд шахс ва ҳоказо.

Бироқ ўғил таърифида отанинг салбий хислатлари «тарози палласини» босиб кетади: чунончи, Умаршайх Мирзо танбал (дангаса, эринчоқ), ичкилиkbоз, бад-феъл, урушқоқ, дўстликни душманликка алмаштиришга мойил феъли бор ва ҳоказо. Умаршайх Мирзо кўп ичар экан. Бироқ, кейинча ичкилиқдан маъжун (хушбўй доривор гиёҳлардан аралаштириб тууб асал ва бир оз афюн қўшиб тайёрланган, киши кайфиятини кўтариади) истеъмол қилишга ўтган. Умаршайх қиморбоз ва калтарбоз эди. Бобур Мирзо киноясига қараганда, урушқоқ бўлса ҳам жангларда кўпинча мағлубиятга учарди.

Бобур Мирзо маълумотларидан якуний хулоса қилинса, Умаршайх Мирзо никоҳида 4 та хотин бўлган. Улардан 3 ўғил ва 5 қиз кўрган.

Умуман, тарихда ўтган шахсларга баҳо беришда, улар ҳозирги замон талаб даражасида қандай иш қилганикликларига қараб эмас, балки ўзидан илгариги даврга ва ўз замонасига нисбатан қандай ижобий иш қилганига қараб ёндашилади. Агар мана шу холисона илмий ўлчов билан қаралса, Умаршайх Мирзо ҳалқимиз тарихида дурустгина фаолият кўрсатмаган тарихий шахслардан бўлиб чиқади. Бизнингча, факат ўғли туфайли — буюк Бобур Мирзога ота бўлгани учунгина тарихда номи сақланиб қолган.

Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад ўз укаси Умаршайхнинг қайнотаси билан бирга қилаётган ва унга «ёвуз» кўринган ҳаракатларига қарши 1476—1480 йиллари Андиконга кўп марталаб қўшин тортиб келади ва ҳар гал шаҳарни ва атрофни талаб, асиirlар олиб қайтиб кетади. Сўнгги марта акасининг ҳужумига қарши Умаршайх Мирзо Юнусхон қўшинларини ёрдамга чақирганида, қайнотасига Ахсини инъом қиласди.

Юнусхон ҳар сафар келганида бирон шаҳарни эгал-

лаб олиши куёвининг ҳам жонига теккан эди. Ниҳоят, қайнота-куёв ўртасида ҳам жанжал чиқади. Норин дарёсининг юқори қисмидаги «Така сакраган» деган жойда ўзаро жанг бўлиб, Юнусхон Умаршайх қўшинини тор-мор келтиради ва ўзини асир олади. Аммо қайнота куёвига шафқат қилиб, эртасига уни асирикдан бўшатади, бир-бирларидан узр сўрашиб, яна Андиконга бирга келишади.

1483 йили Умаршайх Мирзо Самарқанд ҳокими-нинг (ўз акасининг) Андиконга ҳужум қилмоқчи эканини эшитиб, яна Юнусхон қўшинларини ёрдамга чақиритириб келади ва хизмати эвазига бу сафар унга Ўшни беради. (Ўша йили феврал ойида Умаршайх ўғил фарзанд кўриб ўзаро душманлик хурсандчиликка айланиб кетган эди.)

Кўриниб турибдики, Умаршайх Мирзо ташқи сиёсатда мустақил ҳаракат қилолмас, унда қатъийлик, барқарор фикр йўқ, ўз мулкини ўзи ҳимоя қилишга қодир эмас эди.

1486 йили қайнота Юнусхон фалаж бўлиб. ётиб қолади. Бундай қулай фурсатдан Умаршайх Мирзо ҳам фойдаланмоқчи бўлиб, ундан кўрган заарларини қоплаш учун Юнусхон мулки — Тошкентга дарҳол қўшин тортиб боради. Бироқ, Тошкент ҳокими, Юнусхон-нинг ёшгина ўғли Султон Маҳмудхон бундан хабар топиб, унинг йўлини тўсиб чиқади ва дашт қаъласи ёнидаги жангда Умаршайх қўшинини тор-мор келтиради. Мана шу кучли зарбадан сўнг Умаршайх Мирзо ҳокимияти кучсизланади. Бунинг устига баъзи беклар унинг бадфеъллигидан ранжиб, бошқа темурийзодалар хизматига кетиб ҳам қолишади.

Шу тарзда Фарғонада XV аср охирида бесаранжомлик, бетўхтов урушлар содир бўлаётганди, бунга Умаршайхнинг урушқоқлик феъли ҳам кўп жиҳатдан сабабчи эди. Умаршайх Мирзо умрининг сўнгги йилларида ҳарбий юришлар қилмади ва тинч ҳаёт тарзини маъқул кўрди. Лекин бу тинчлик йиллари ўз мулкида бирон курилиш қилгани, ёки вилоят хўжалигини тартибга келтиргани ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ.

1494 йил ёзида Самарқанд ва Тошкент ҳокимлари (яъни акаси ва қайноғаси) Умаршайхга қарши ўзаро иттифоқ тузишиб, Фарғона томон ҳужум бошлашади. Умаршайх Исфара томонга — ғаним қозинишига имир.

ларидан Ҳасан Ёқуб ва Қосим Қовчин бошлиқ кўшин юбориб, ўзи ёзги қароргоҳи — Ахсида қолди. Аммо ношудлиги ва беғамлиги учун ҳаёт уни қаттиқ жазолади: капитар учирин учун томга чиққанида, авжи ёзда дарё суви кўпайиб жарликлар ўпирилганда капитархона томи ҳам йиқилиб, подшо Сирдарёга қулаб тушади ва ҳалок бўлади. (Мурдани дарёдан олиб чиқилгани ҳақида ҳам маълумот йўқ).

Шундай қилиб, ушбу темурийзоданинг ҳаёти тасодиф билан фожиавий ҳолда тугади. Умуман, Фарғона тарихининг Умаршайх Мирзо ҳукмронлигига ўтган 30 йилдан ортиқ даврига манбаларда ўрин берилмаган. Бобур Мирзонинг холаваччаси бўлмиш (ундан олти ёш кичик) тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» номли асарида ҳам унинг ҳақида йўл-йўлакай гап кетади, холос.

Бундай ур-йиқитлар оқибатида, табиийки, мамлакат иқтисодиёти издан чиқали, меҳнаткаш ҳалқ оммасининг шундай ҳам кечаетган оғир аҳволи яна мушкуллашади.

Маълумки, Шарқ мамлакатлари иқтисодий тараққиётида экин ерларини сунъий суфоришга асосланган деҳқончилик ҳаётий аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам дарёларга тўғон солиш, канал-ариқлар чиқариб сув келтириш каби муҳим ишлар билан — умуман деҳқончилик ва ирригация билан доимо марказий ҳокимият шуғуллангани узоқ тарихдан маълум. Мамлакат бошлиғи ўзаро ҳарбий урушлар билан банд бўлиб, бу муҳим ҳаётий ишлар билан шуғулланмаса ва уни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, фақат шахсий осойиштаги-ю фароғатини ўйлаб юрт иқтисодиёти ва меҳнаткаш ҳалқ аҳволи ҳақида қайғурмаса, ундан ўлканинг ғариб бўлиб қолиши, маҳаллий ҳокимлар, ҳарбий саркардалар қўлида хароб бўлиши табиий эди. Шарқ тарихидан бунга мисоллар кўп учрайди.

Умаршайх Мирзо ўз фаолияти ва айрим салбий характеристи билан Фарғона шаҳарлари ва қишлоқларининг қўлдан-қўлга ўтиб туришига, тўхтамай давом этган маҳаллий урушларга бевосита сабабчи бўлди. Умаршайх ўлиши билан бу ўзаро урушлар, ноҳақ қон тўкишлар яна авжига чиқди. Ана шундай оғир ва мушкул тарихий шароитда 12 ёшли Бобур Мирзонинг подшоҳлик фаолияти бошланди.

## РЎШНОЛИК КЎРМАГАН ЁШЛИК

Ҳижрий 880 (мелодий 1475—1476) йили мўғул хон Юнусхон иккинчи қизи Қутлуғ Нигорхонимни 19—20 ёшли Умаршайх Мирзога никоҳлаб берди. Гарчи манбаларда кўрсатилмаган бўлса ҳам ушбу шоҳона тўй, албатта, Андижонда ўтган дейиш мумкин. Чунки Умаршайх Мирзо тўйдан сўнг қайнонаси Эсон Давлат Бегимни Андижонга кўчириб келтирган ва унга катта чорбоғ қуриб берган. Кампир икки минг мўғул навкари билан кўчиб келиб, ушбу чорбоғда муқим туриб қолади. («Бобурнома»да ушбу чорбоғ шаҳар шимолидаги «Икки сув ораси» мавзеида жойлашган.

Мана шундай оиласда Заҳириддин Муҳаммад дунёга келади. Биринчи ўғил набиранинг туғилиши ҳақидаги хушхабарни Мўгулистанга — катта ота Юнусхонга етказиши учун Андижондан чолади. Умаршайх Мирзо ўз пири устози Эшон Хожа Ахрордан болага исм қўйиб беришни сўрайди ва Эшон чақалоққа «Заҳириддин Муҳаммад» деб ном қўйиб беради. Мўгулистандан уч ой йўл юриб келган катта ота Юнусхон эса, мўғуллар тили дағал бўлганидан бу номга унча тили келмай, бола тетиккина кўрингани учун уни «Бобур» деб атайди. (Йўлбарс маъносида.) «Тарихи Рашидий» муаллифнинг ёзишича, «Бола ёшлигиданоқ сон-саноқсиз яхши фазилатларга эга эди, довюрак ва одамийликда ҳаммадан ажralиб турарди».

Эсон Давлат бегимнинг узатган уч қизидан биринчи ўғил набира Бобур бўлгани учун катта она-нинг энг севимли ва ардоқли фарзанди бўлиб қолади. Шунинг учун бола унинг қўлида ва бевосита катта она ҳузурида тарбияланади. Умаршайх Мирзонинг фожиали ўлими ҳақидаги шум хабар ҳам Эсон Давлат Бегим чорбоғига келади. Бобур она бағрида болаларча ўйнаб-ўқиб юрган эди. 1494 йил 5 июн куни 12 ёшли Заҳириддин — ташвиш нималигини билмай ўйнаб юрган бола, ўзи ёзганидек, Фарғона мулкининг қонуний подшоҳи бўлиб қолади. Воне — отанинг ҳалокати ҳеч кутилмаганда, тўсатдан рўй берган эди. Қонуний тахтни эталлаш учун Бобур Мирзо катта она чорбоғидан зудлик билан

шаҳарга — аркка томон йўл олади. Мана шу ондан Бобур Мирзо умрининг энг машаққатли даври бошланади.

Агарда «Бобурнома» синчилаб мутолаа қилинса, марҳум Умаршайх Мирзо беклари ва йирик амалдорларининг кўпчилиги унинг ҳокимиятига, демакки, ёш Бобурнинг бўлгуси давлатига ҳам мутлақо қарши экани, уни назар-писанд қилмаётгани ва Фарғона мулкини Самарқанд ҳокими, Бобурнинг амакиси Султон Аҳмад Мирзога топширмоқчи эканлиги равшан бўлади. Бундай махфий фитна Бобур Мирзога она авлодидан бўлмиш содиқ беклардан Шерим тоғойи орқали маълум бўлади. Фарғона ҳокимияти ва унинг қонуний меросхўрига қарши бундай қаршиликка сабаб, бизнингча, олдин айттанимиздек, марҳум Умаршайх Мирзо ва унинг тутган сиёсати эди. Жуда кўп йирик феодал-амалдорлар ва беклар ундан безиб қолган эдилар.

Аммо бир гуруҳ андижонлик доно сиёсатдонлар Бобурга яқинлашиб, Фарғона мулкини Самарқандга топширишга қарши чиқишида ва шубҳасиз, ўз ҳаётий манфаатларига мос келадиган тактика қўллашади. Улар 12 ёшли Бобурни 1494 йили 10 июн куни беклар фитнасидан вақтинча яшириниб турган Номозгоҳ номли жойдан Андижон аркига олиб келишади ва таҳтга ўтқазишади.

Лекин Умаршайх Мирзо ўлими гўё тутаб турган гулханни аланга олдириб юборган эди: Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо Ўратепадан ва сўнгра Куба томондан, мўгул хони Султон Маҳмуд (Бобурнинг тоғаси) шимолда Косон томондан. Кошғар ҳокими Абу Бакр Дуғлат эса Ўзган томондан Андижонга ҳужум бошлашади. Улардан ҳар бири «ўз илвасинини» қизғанган йиртқичлардек ёпирилиб, бири Кувани, иккинчиси Аҳсини, учинчиси Ўзганни эгаллашади. Бобур Мирзонинг масалани тинч йўл билан ҳал қилиш учун амакисига элчи юборишига қарамай, Султон Аҳмад Кувадан Андижон томон ҳужумни тўхтатмади. Бироқ Куванинг ҳозирги Толмозор қишлоғидан ўтадиган катта Қорасув кўприги кулақ тушиб, ғанимнинг кўп аскарлари ва отлари ҳалок бўлади ва Султон Аҳмад Самарқандга қайтиб кетишга мажбур бўлади. Катта ҳоким чекингач, Бо-

бурнинг тоғаси ҳам, Кошғар ҳокими ҳам эгаллаб турган жойларини ташлашиб кетишади. Бу — ёш Бобур Мирзонинг Фарғона ҳукмрони сифатидаги биринчи йирик ғалабаси эди.

Шундан сўнг Бобур давлати ҳаётида вақтинча тинчлик кунлари ҳукм сурди. Шу фурсатдан фойдаланиб андижонликлар ёш Бобур Мирзо ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун баъзи чораларни кўришга ёрдамлашиди. Чунончи, давлат лавозимларига янги кишилар тайинланади: йирик амирлардан Ҳасан Ёқуб Андижон ҳокими ва эшик оғаси қилиб, Қосим қовчин Ўш ҳокими, Узун Ҳасан Аҳси ва Али Дўст тоғойи Марғилон ҳокими қилиб тайинланади. Бошқа бек ва лашкарбошиларга ҳам содиқлиги ва хизматига қараб турли лавозим ва ер-мулклар берилади. Аммо Бобур Мирзо ҳокимияти ҳалихозир мустаҳкам эмас эди. Марҳум Умаршайх Мирзонинг собиқ амир ва беклари подшоҳнинг ёшлигидан фойдаланиб қандай қилиб бўлмасин, ҳокимликка ва мансаб олиб давлат орттиришга интилишларди. Улар шу мақсадда Бобур Мирзонинг укаси Жаҳонгир Мирзони акасига қарши қўйишади. Ҳатто Бобурни заҳарламоқчи ҳам бўлишади.

Бу орада Самарқанд таҳти учун ҳам қариндошлар ўртасида жанглар бошланиб, Андижонда Бобур Мирзога қарши турган амирлар уни ҳам атайлаб Самарқанд томон юришга унди шади. Бобур ҳам, дунёи умид деганларидек, Самарқандга қарши отланиб уни эгаллади. Аммо уч ой ўтар-ўтмас Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбал бошлиқ бир гуруҳ амалдорлар Андижонда фитна уюштиришиб пойтахтда ҳокимиятни қўлга олишади ва Бобур Мирзо тарафлорларидан қаттиқ ўч олишади. Бобур Мирзо қанча ҳаракат қилмасин, аста-секин Фарғона мулкидан маҳрум бўла бошлайди. Ниҳоят куч тўплаб, 1499 йил июн ойида у Андижонни қайта эгаллади. Аммо оқ кўнгиллик билан ғаламисларга ишониб ички сиёсатда катта хатога йўл қўяди, яна таҳтдан маҳрум бўлали.

Гап шундаки, гарчи Бобур ўз даврининг илғор фикрли кишиси бўлса ҳам, унинг ҳукмрон сифатидаги синфий дунёқараши меҳнаткаш халқ манфаатларига унча мос тушмаётган эди. У, айтилганидек, Андижон таҳтини қайта эгаллади, бироқ қўшинла-

рига шаҳарни ташлаб, уйларига кетишга рухсат берди. Бу эса, ўзига қарши қаттиқ норозилик келтириб чиқаради. Ҳолбуки, Бобурга ўша кунларда ҳокимиётни мустаҳкамлаш учун лашкарнинг ҳам, меҳнаткаш ҳалқ оммасининг ҳам ёрдами керак эди. Бу ҳақда кейинча «Бобурнома»да ўзи жуда афсусланиб ёзади: **«АХИР АНДИЖОНДАН ИККИНЧИ НАВБАТ ЧИҚҒОНИМИЗГА САБАБ УШБУ БЕТААММУЛ (БЕМУЛОҲАЗА) ҲУКМ ҚИЛҒОНИМИЗ БЎЛДИ».**

Ниҳоят, бир неча муддат тўс-тўполон жанглардан сўнг Фарона мулкини иккига бўлиш ҳақида сулҳ тузилди: Сирдарёning шимол томони Аҳси билан укаси Жаҳонгир Мирзога, жануб томони Андижон билан Бобур Мирзога тегадиган бўлди.

Аммо Бобур Мирзонинг бундан кейинги ҳукмронлиги уч ойга чўзилди, холос. Чунки бутун Мовароуннаҳр учун бошқа кучли ҳоким — Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар ҳужуми аллақачон теварак-атрофга тарқалган эди. 1500 йил охирида Шайбоний қўшинлари Самарқандни эгалладилар. Бобур Мирзо Андижон — Самарқанд ўртасида икки-уч йил саргардон бўлиб юрди, вақтинча ғалаба ҳам қилди. Лекин оқибат, ота мулки — Фарона тахти масаласида унга баҳт қулиб боқмади.

1504 йил май ойида Шайбоний қўшинлари, ниҳоят, Андижонта ҳам етиб келиб, уни қамал қиласиди. Май—июнь ойлари андижонликлар учун жуда қийин — очарчилик ва сувга танқис ойлари бўлди. Экинлар суғорилмай, етилган эса қаровсиз қолиб кетди. Ниҳоят, 1504 йил июнь ойи бошларида Шайбоний қўшинлари шаҳарга ёриб кириб ҳаммаёқни вайрон қилди. «Нусратнома» номли манбада ёзилишича, Андижонда шунчалик вайронгарчилик, шунчалик қирғин бўлганки, ўлганлар сонини аниқ айтиш ҳам мушкулдир (Биз Арк деворининг жанубий қисмидан ковлаб очганимизда одамларнинг кўплаб калла суюкларига дуч келганмиз.) Шайбонийхон Андижон ҳокимини дорга осиб, ўз ўғли Жонибек Султонни Андижонга ҳоким этиб тайинлаб сўнг ўзи яна Самарқандга кетади.

Шу қиргинга мана, деярли 500 йил тўляпти. Шаҳар Арки тамоман вайрон қилиниб, шундан

кейин Арк девори қайта тикланмади. Шайбоний ҳокимлари шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида ўзларига янгидан ўрда қуришди. (Шаҳардаги собиқ «Ўрда» маҳалласи.) Беклар ва амалдорларнинг оиласи Ўрданинг шарқ томонига кўчиб келишиб махсус маҳаллада туришган (собиқ «Қондиқ», яъни «Онлик» маҳалласи).

1981 йилдан бошлаб «Арк ичи»нинг жанубий деворидан сақланиб қолган қисми археологик текширишлардан ўтказилди. Девор атрофи ковланганда, тупроқ остидан бир-бирига қалашиб кетган одам суюклари топилди. Бу — ўша 1504 йили июнь ойидаги шайбонийлар қирғинидан нишона эди.

Манбалардаги маълумотлар шуни кўрсатади, Андижон XV аср иккинчи ярмида ҳам Умаршайх ва Бобур Мирзолар давлатининг пойтахти сифатида сиёсий марказлиқдан ташқари маданий марказ ҳам эди. Йирик шарқшунос олим А.Ю.Якубовскийнинг ёзишича, бу ерда адабиёт, шеърият, тарих, мусиқа, хаттотлик билан шуғулланган юқори маълумотли кишилар тўпланган эди. Гарчи Бобур Мирзо хотираларида уларнинг номи сиёсий ва ҳарбий воқеалар тафсилоти соясида қолиб кетган бўлса ҳам, лекин пойтахт Андижонда адабиёт ва мусиқага эътибор кучли экани ҳақида кўп эслайди. Кечган воқеалар муносабати билан Ҳофиз Ҳожа Ҳусан, хаттот Дарвиш бек, ажойиб кенг маълумотли ва маданиятли амир Ҳожа Мулла Садр ва бошقا ўз даври зиёлиларининг номларини келтиради.

Ёш Бобур Мирзо ана шундай маълумотли кишилар жамиятида ўсади, унда шеърият ва адабиётга жуда эрта ҳавас уйғонди.

## БОБУР ДАВРИДА АНДИЖОННИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ

XV асрдан бошлаб татар-мўғуллар истилоси оқибатида вужудга келган турғунликдан сўнг улуғ Соҳибқирон Амир Темур фаолияти билан бошланган иқтисодий ва маданий тараққиёт юз берди. Айниқса, шаҳарларда ҳаёт анча жонланди.

Фарғонанинг пойтахти Андижонда иқтисодий ва маданий силжиш XIV аср охиридан, яъни шаҳар

мўғул ҳокимлари томонидан Фарғона мулкига пойтакт қилиб олингани вақтиданоқ бошланган эди. Андижон шаҳри шундай қулай географик сарҳадда жойлашганки, унинг шимолий этаги Қорадарё қирғоқларигача чўзилган серунум дехқончилик қишлоқларига туташарди. Шаҳарни шарқ томондан Ўшдан оқиб келаётган Оқбура дарёси, жанубдан эса адирликлар тизмаси ўраб турарди. Хитой, Афғонистон томонидан келадиган қадимий карвон савдо йўли ҳам, яъни «Буюк ипак йўли»нинг тармоғи Хитойнинг Қошғар шаҳридан Эргаштом—Ўзган орқали Кулунчук мавзенига ва ундан Қорасув массиви орқали Андижонга тушиб, сўнг Кува орқали ғарбга йўналарди. Қадимда ва Ўрта асрларда шаҳар ва унинг атрофи Ўшни оралаб оқиб келган Оқбура дарёсининг суви билан таъминланган эди. (Тарихий манбаларда, жумладан «Бобурнома»да бу дарё «Андижон руди» деб аталади. «Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи бирла ўтиб Андижонга борур» дейилади «Бобурнома»да. Махсус ўтказган текширишлар вақтида бу дарёning Андижон шарқи-жанубида қуриб қолган қадимий ўзани топилган. Ушбу ўзан ҳозирги Жалолқудук туманига қарашли «Пахтакор» ширкат хўжалиги ҳудудида сақланган, ҳалқ оғзида «Қолгандарё» деб юритилади. Андижон ва унинг атрофларида қайта текширишлар ўтказилиб, дарёning қадимий ўзани бошдан оёқ ўрганиб чиқилди.

«Қолгандарё» деб аталмиш бу эски ўзан «Пахтакор» ширкат хўжалигининг идораси олдида Андижон—Қорасув йўлини кесиб ўтади — тўғрироғи, йўл «дарё»ни кесиб ўтган. Хўжалик идорасидан пастга — ҳозирги Андижонсой томон 2 километрча юрилса, собиқ колхоз участкасида «Қолгандарё» этаги «Жалолобод—Андижон» темир йўли остидан ўтиб, ҳозирги Андижонсой ўзанига қўшилиб кетади. Унинг чап соҳилидаги жарлик қирғоғида сув излари, дарё чўқиндилари Оқбурунинг ўрта аср фаолиятидан ёлгорликдек ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Оқбура қадимда шу ўзандан оқиб Андижонни шарқдан ўраб ўтган ва ҳозирги Оқёр қишлоғи бўйлаб Қорадарё билан қўшилиб кетган. Ҳозирги Андижонсой қачон пайдо бўлган? — детан савол

туғилади. Ўлкада Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатылганнан сўнг кўчманчиларнинг ўгроқлашиш жараёни тезлашиб, улар деҳқончиликка қулай бўлган Оқбуранинг юқори ҳудудларига, шунингдек Андижон шаҳри атрофларига ҳам келиб ўрнашганлар. Жумладан, Андижон билан Ўш ўртасида ҳам қатор янги қишлоқлар пайдо бўлиб, деҳқончилик жадал ривожлана бошлаган (ва кейинчалик Кўқон хонлигининг пайдо бўлишига қўшимча иқтисодий замин тайёрлаган).

Натижада, XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб Оқбура суви Андижонни таъминлай олмай қолган. Бу ҳолат шаҳар ва унинг атрофидаги деҳқончилик қишлоқларига сувни ҳозирги Кампирравотда тўғон қуриб Қорадарёдан олиб келиш муаммосини туғдиради. Шу тарзда XVIII асрнинг 70-йилларидан ҳозирги Андижонсой ўзанига асос солинган ва 15—20 йил ичida Андижоннинг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилган. Шунинг учун Кўқон хони Норбутабий 1790 йилда Оқбура сувидан бутунлай ўшликлар фойдаланиши ҳақида вилоят бошлиғига маҳсус ёрлиқ берган. Оқбуранинг ташламаси 1814—1822 йиллари чиқарилган иккинчи катта канал — Шаҳрихонсойга қўшилиб кетган. (Шаҳрихонсой Оқбура ўзанини шарқдан ғарбга кесиб ўтади).

Шундай қилиб, «Бобурнома»да зикр қилинган «Андижон руди»нинг фаолияти XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб тўхтайди. Демак, Бобур даврида ва ундан илгари ҳам Андижон шаҳри ва атроф қишлоқларининг сувга эҳтиёжи Оқбура дарёсидан таъминланган.

XV—XVI асрларда Андижон атрофига суворма деҳқончилик анча ривожланганини кўрамиз. Бунинг натижасида Андижоннинг иқтисодий қурдати мустаҳкамланган. Бобурнинг ёзишича, «Андижоннинг ошлиғи воғир (донга сероб — С. Ж.), меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур». (Бобурнома, янги нашри, 34-бет). Шаҳарга сув ўша «Андижон руди», яъни Оқбура дарёсидан чиқарилган ариқлардан келган. «Бобурнома»да бу ҳақда шундай дейилади: Андижонга «тўққиз тарнов (ариқ — С. Ж.) сув кирад». Бироқ Бобур ушбу ариқ номларини санаб ўтмаган. Айтидан ариқ номлари барчага аён бўлга-

ни сабабли Бобурга оддий ҳақиқатдек туюлган ва бунга эътибор бермаган. Фақат ўзаро урушлар мұносабати билан жанубдаги бош Ҳокан ариғи тилга олинади, холос. Махсус текширишлар вақтида ариқлар номи ва уларнинг ўрнини аниқлаш билан ҳам шуғулланилди. Аниқланишича, «Бобурнома»да тилга олинган тўққизта ариқниг «Ҳокан» ариғидан бошқаси қўйидагилардир: Бурҳоншайх ариғи, Ҳўтан, Жўйибозор, Бўғра, Далварзин, Оқработ, Тўқмоқ ва Бобставаккал ариқлари (Тўққизинчиси — «Қўшариқ» деган илгариги тахминимиз нотўғри бўлиб чиқди).

Улардан энг каттаси — Ҳокан ариғига Бобур шундай таъриф беради: «Ҳокан ариғи улуғ шоҳжўйдир ва чуқур оқар, ҳар еридан кечиб бўлмас». Ушбу ариқ шаҳарнинг энг жануб томонидан оқиб ўтган тўғон бошиси «Андижон руди» — Оқбўрада эди. Кейинги даврларда ушбу дарё суви, юқорида айтилганидек, Андижонга етмай қолганидан сўнг ариқнинг боши пастроқقا — янги чиқарилган Андижонсойга кўчирилган. Шаҳарнинг бошқа яна саккизта ариғи ҳақида маҳсус ўтказган текширишлар натижасида қўйидаги маълумотлар тўпланди.

Бурҳоншайх ариғи (халқ тилида — «Буранша») Бобур замонида ҳам деҳқончиликда шаҳар хўжалиги учун муҳим ариқлардан бўлган, ҳозир эса у ўз фаолиятини йўқотган (кичиккина ташлама ариқ бўлиб оқади). Унинг тўғон бошиси Андижонсойнинг илгариги «Комсомол» кўлига<sup>1</sup> етмасдан, темир йўл кўпригидан 150 метрча юқорида бўлган. Ариқ кўпrik остидан ўтиб Андижон давлат университетининг ҳозирги ётоқхонаси олдидан оқиб ўтган ва «Шиговсин ота» қабристонини айланиб «Кирпичная» кўчасини кесиб оқсан. Хонадонлар оралаб яна текис йўлга чиқади. Темир йўл остидан ўтиб, сўнг Наримонов кўчаси бўйлаб фарбга йўналади. Ариқ илгариги Октябр кўчасини<sup>2</sup> кесиб ўтиб пастроқда яна темир йўл остидан ўнгга — Саноат маҳалласи-

<sup>1</sup> Ушибу кўл номи ҳозирда ўзгарган ва Нодирабегим номли истироҳат боги таркибиға киради.

<sup>2</sup> Қўча ҳозир Фитрат номида.

га ўтган ва ғарбга томон давом этган. Бурҳоншайх арифининг бошидан Наримонов кўчасигача қисми бутунлай йўқ бўлиб кетган (баъзи жойларда фақат излари сақланган). Ҳозир шу кўча бўйлаб Навоий шоҳ кўчасигача ариқда ташлама сув оқади ва сув шаҳар шифохонаси олдидан шимолга бурилиб «Ҳўтан» ариғига қуилмоқда. Чунки ариқнинг шу ердан ғарб томони ҳам бутунлай йўқ бўлиб, кўмилиб кетган.

«Бобурнома»да зикр этилган 9 тарнов сувнинг яна бири ҳозирги Ҳўтан ариғидир. Ўрта асрларда бу ариқ нисбатан кичикроқ бўлган ва номи ҳам бошқа эди.

Тарихий манбалар шуни қўрсаталики, Ҳитойдаги қудратли Цин империяси XVIII асрдан ғарбга — Жўнғория ва Шарқий Туркистон хонликлариға қарши ҳарбий хужумни кучайтириб, қонли урушлардан сўнг Жунғорияни босиб олган. Маҳаллий аҳолининг ярмидан кўпи қирилиб, тирик қолган 30—40 мингтаси Ўрта Осиё томонга кўчиб ўтган ва улардан бир қисми Фарғона водийсига, жумладан, Андижонга ҳам кўчириб келтирилган.

Цин империяси кейинроқ Шарқий Туркистонни ҳам босиб олади. Натижада Фарғонага уйғур муҳожирлари кўплаб кўчиб ўtdи. Кўкон хони Мадалихон эса 70 минг уйғур оиласини кўчириб келтириб Шаҳрихон ва Андижонга жойлаштирди. Янги уйғур қишлоқларини оқин сув билан таъминлаш мақсадида Бобур замонасидаги кичик ариқ қайта қазилиб, кенгайтирилди ва узайтирилди, бош тўғони юқорига — «Бурҳоншайх» ариғи олдига жилдирилди, этаги эса шаҳар ғарбига чиқарилиб ҳозирги аэропорт томонгача етказилди. Ҳашар йўли билан ариқ қазишда асосан уйғур муҳожирлари ишлагани сабабли унинг номи ҳам Ҳўтан ариқ» бўлиб кетди. Ушбу ариқ ўтган аср охири ва XX аср бошларида ҳам шаҳар маҳаллаларини, шарқ ва ғарблаги катта-катта дехқончилик ерларини сув билан таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Шўро ҳокимияти йиллари, айниқса қишлоқ хўжалигини жамоатлаштириш (коллективлаштириш) даврида шаҳар ғарбига ташкил топган ўnlаб янги хўжалик жамоалари — колхоз ерларини суғорди. Ариқ ҳажми ҳозиргача деярли

сақланган. Фақат янги қурилган «Оби ҳаёт» канали қурилиб, ариқ фаолиятида ўзгариш юз берди: этакдаги ерлар «Оби ҳаёт»дан сугорилиб, унинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти пасайди. Шунинг учун кейинги йиллари ариқ чопилмай ва таъмир қилинмай қаровсиз қолди. Суви эса деярли камайгани йўқ.

Навбатдаги ариқ «Жўйибозор» бўлиб, ўтган асрдан «Узум бозори ариғи» деб ҳам юритилади. Ушбу ариқ ўрта асрларда Андижоннинг арк деворини жануб томондан ўраб оқиб, этаги фарбда Далварзин ариғи билан туашар эди. Ҳозирги Ташкилот кўчасининг ўнг бетидаги хонадонлар оралаб, унинг қадимий излари ҳозир ҳам сақланган. Ўлкада шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилганидан сўнг шаҳар анча шикастланиб, айтилганидек арк қисми бутунлай вайрон бўлди, ариқ ҳам ишдан чиқди, кейинчалик унинг асосий суви ҳозир оқиб турган изига, яъни Ташкилот кўчасининг 23-хонадони олдидан жанубга бурилиб, шаҳарнинг «Шарифбекгузар» мавзеси томонга йўналтирилди ва атрофдаги янги маҳаллаларни сув билан таъминлайдиган бўлди.

«Буғра» ариғи эса, «Жўйибозор» ариғидан бош олиб (собиқ 8-ўрта мактаб ёнидан) Шмидт кўчаси бўйлаб оққан ва хонадонлар ичи билан Жоме мадрасаси орқасидан катта кўчага чиққан. Сўнгра ҳозирги Олтинкўл кўчасининг ўнг қирғоги бўйлаб фарб томонга оқиб, «Умарбек» гузарida Далварзин ариғига қўшилган. Ҳозир эса ушбу ариқ йўқ бўлиб кетган. Унинг излари қисман Шмидт кўчасида яа собиқ обласи архиви биноси орқасидаги ҳовлиларда сақланган.

Шаҳардаги катта ариқлардан бири машҳур «Далварзин» ариғи эди. Ушбу ариқ ўрта асрларда шаҳар қалъа деворини шимол томондан (ҳозирги Келдиев номли кўча бўйлаб) ўраб оққан энг катта ариқ эди. Фарбда — «Қорабура» маҳалласида шаҳар девори билан бирга жанубга бурилиб, этаги яна фарбга томон кетган. Ҳокан ариғи каби ҳам чуқур, ҳам энли бўлган. Ҳозир унинг сувига эҳтиёж йўқлиги сабаб ариқ ўз мавқенини йўқотган ва жуда кичрайиб қолган.

Шунингдек, «Оқработ» ва «Тўқмоқ» ариқлари ҳам ўз даврида анча муҳим ариқлар эди. Иккови

ҳам бир-бирига параллел равишда ғарбга томон оқдан ва ҳозир ҳам деярли сақланиб қолган.

Шаҳарнинг сўнгги, 9 ариғи «Боботаваккал» номли ариқдир. У ҳам қачонлардир катта ариқ бўлиб, «Бобурнома»да тилга олинган шу номли Қаландархона (лангар) ва унинг вақф ерларини сув билан таъминлаган. Аммо ҳозир кичкина ариқча ҳолида сақланган. У ҳозирги Машинасозлик заводининг истироҳат боғи<sup>1</sup> ичидан оқиб катта кўчадан қувур орқали ўтади ва «Яхши» маҳалласи хонадонлари оралаб оқиб, ҳозирги «Яхши» кўчасига чиқади-да, шу кўча бўйлаб ғарбга кетади. Жданов проспекти (ҳозирги Бобур шоҳ кўчаси)га чиққач, этаги тамоман йўқ бўлиб кетган.

Андижоннинг «Бобурнома»да зикр қилинган «Тўққиз тарнов» суви шу тўққизта ариқдан иборат бўлган. Бобур даврида ва ундан кейин ҳам оқиб турган бу ариқлар сувидан амалдорлар ва ҳарбий бошлиқлар, йирик феодаллар ва хонзодаларнинг ер-мулкларини суғориш учун фойдаланилган.

Андижон шаҳрининг ўша даврдаги сув таъминоти ҳақида сўз юритар эканмиз, шаҳар маҳаллалари ва хонадонларида майда ариқ шахобчаларининг кенг тарқалганини алоҳида таъкидламоқ керак. Шаҳарда сув катта ариқлардан майда ариқларга, ундан ариқчаларга тақсимланиб, улар хонадонлар оралаб оқдан. Ҳар бир маҳалланинг масжиди олдидаги катта ҳовузларга сув тўлғазилиб улардан қиши-у ёзда кундалик майший эҳтиёж учун фойдаланилган. Шунингдек, хонадонлarda ҳам майда ҳовузчалар бўлган. Ҳовуз ва ҳовузчаларнинг сувлари, биринчидан, хўжалик эҳтиёжи учун сарфланса, иккинчи томондан, иссиқ ёз ойларида ҳавони намлатишга, ҳар бир хонадонда ўзига хос микроиқлим яратишга ёрдам берарди.

Асрлар, йиллар ўтиши билан шаҳар атрофи кенгайди, янги қишлоқлар, янги маҳаллалар пайдо бўлди. Бу ҳол ўз навбатида собиқ ариқлар вазифасини ҳам ўзгартириб юборди. Шу тарзда «Бобурнома»да эслатилган Андижондаги собиқ тўққизта

<sup>1</sup> Ушбу парк асосида ҳозир Абдулҳамид Чўлпон номида боғ барпо қилинган.

арикдан ҳозир шаҳар ичидаги фақат учтаси — Жўйибозор, Оқработ ва Тўқмоқ ариқларида сув оқиб туриди, холос.

Бизнинг давримизда аҳоли тозаланган қувур (водопровод) суви билан таъминланади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб янги турар жой даҳалари, янги маҳаллалар пайдо бўлди. Шаҳар ҳудуди кенгайиб, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ҳам анча яхшиланди. Бу, албатта умумжаҳон тараққиётида рўй берган ижобий ўзгаришлар натижасидандир. Шу билан бирга, таъкидламоқ лозимки, Шўро ҳокимияти йиллари сув таъминотида ариқлар тизимига эътибор мутлақо камайиб кетди.

Дунёда инсон тараққиёт сари қадам ташлабдики, Шарқقا оид барча ўлкалар, ҳалқлар ҳаётидаги оқин сув қадри, унинг ҳаётий аҳамияти ўлчаб бўлмас дарражада қимматли, моддий ҳаётнинг энг зарур шарти ҳисобланган ва ҳозир ҳам шундай. Шунинг учун ҳам кўхна тарихдан бошлаб бу иссиқ ўлкаларда одамлар азалдан каналлар, ариқлар қазиб катта дарёларга тўғон солиб сув келтиришга ўрганганлар. Гўзал Фарфона водийси ва Андижонда ҳам худди шундай бўлган. Бобур давридаги биз тилга олган тўқиз ариқ ҳам ўз даврида ана шундай ҳаётий аҳамиятга эга бўлган.

Бобурнинг ёзишича, бу ариқларният бирортасидан шаҳар ташқарисига сув оқиб чиқмас эди. Бу ҳол ариқлардаги бор сув бутунлай шаҳар ичидаги истифода қилиниб тамом бўлишини кўрсатади. Сув катта ариқлардан майда «шоҳ ариқ»ларга, ундан яна майдароқ ариқларга, ундан яна ҳам майдар ариқчаларга тақсимланган ва ҳар бир ҳовли-хонадондан оқиб ўтган. Бу ариқ ва ариқчалар гўё инсон танасидаги қон томирлари каби бутун шаҳарни қоплаб олган ва аҳолини, бое-у экинзорларни «қон» ўрнида, яъни оби-ҳаёт билан таъминлаган.

Андижоннинг рельефи, яъни уст тузулиши шундайки, ерининг шарқдан гарбга томон нишоби бор. Шунинг учун барча ариқлар йўналиши гарбга томон, майда ариқ-аріқчалар эса жойларнинг микрорельефига мослашиб оқсан. Маҳаллалардаги катта ҳовузлар сувларга тўлғазилиб, ёзи билан ундан фойдаланилган. Сувни ифлос қилмасдан тоза сақлаш

одати муқаддас қонун ҳисобланган. Ҳар бир хона-  
донда ҳам ҳовузчаларга сув тўлғазилиб улар ёз ой-  
ларида юмшоқ микроқлим пайдо қилишда ҳам  
катта аҳамиятга эга бўлган. Бу — халқимиз  
шарқона ҳаёт тарзининг ажралмас бўлаги эди ва  
шундай бўлиб келган.

Бизнинг давримизда аҳоли тозаланган қувур (во-  
допровод) сувларидан фойдаланишга ўтиб ариқларга  
эътибор камайиб кетди ва ариқлар деярли қўмилиб  
йўқ бўлиб кетди. Илгари шаҳардаги катта Жўйибо-  
зор (Узум бозор) ариғининг икки жойига чиғир —  
«чархпалак» ўрнатилиб, улардан катта кўчанинг ик-  
ки томонидаги ариқчаларга доимий равишда сув  
қўйилиб турилган, кўча юзидаги дарахтлар шундан  
сугорилар эди. Шўро ҳокимияти йиллари тарихан  
машхур бўлган бу чархпалаклар бузиб юборилди.  
Оқибатда, катта кўчаларнинг икки бетидаги ариқча-  
лар сувсиз қолди, дарахтлар эса...

---

---

## БОБУР ВАТАНИ

Заҳириддиннинг ёшлиги Фарғона мулкининг пойтахти Андижонда ҳамда ёзги қароргоҳ — Аҳсида ўтди.

Бобур яшаган даврда Андижон шаҳрининг қиёфаси қандай бўлган? Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари орасида Фарғона водий-сининг шаҳарлари тарихи кам ўрганилган. Бу шаҳарларга тегишли маълумотларнинг нисбатан камлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, археологик текширишларнинг ҳам изчил олиб борилмаганлиги туфайли Андижон шаҳрининг тарихи, хусусан, унинг пайдо бўлиши масаласи, ўрта асрлардаги тараққиёти масалалари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива каби муazzзам шаҳарларга нисбатан яхши ёритилмаган.

Мавжуд тарихий маълумотлар ва айрим археологик кузатишлар шуни кўрсатадики, аллақачонлар маълум-у машҳур бўлган Андижон XIV асрнинг 2-ярмида мўғул хонлари Тува ва Ҳайдулар даврида Фарғона мулкининг пойтахти деб эълон қилинган ва шу муносабат билан шаҳарнинг арқ ва қалъа деворлари тикланган. XVI аср тарихчиси Ҳамдуллоҳ Қазвиний ўзининг «Нузҳат ул-кулуб» («Қалблар роҳати») асарида ёзишича, шаҳарга «Куббат ул-салом» деган ном берилиб, Фарғона мулкига подшоҳ бўлганларнинг исмлари шаҳардаги Тувахон (халқ талаффузида Дувахон) курдирган катта масжидда хутбага қўшиб ўқилган. (Тувахон масжидининг ўрни яқингача сақланган).

1938 йили Андижонга этнографик экспедиция уюштирган этнограф олима А.Писарчик томонидан андижонлик таниқли меъмор уста Юсуфали Мусаев оғиздан ёзib олинган маълумотлар ва ушбу сатрлар муаллифи олиб борган тарихий-ўлкашунослик кузатишлар шуни тасдиқладики, Бобур яшаган даврдаги Андижон шаҳри жануби-шарқда — ҳозирги Навоий номли маданият ва истироҳат бофининг дарвозасидан бошлаб, шимоли-шарқда — «Свобода» (ҳозирги Навоий) проспектининг «Куйбишев» кўчаси билан кесиши-

ган жойигача, шимолда — Куйбишев кўчаси бўйлаб, шимоли-ғарбда — ушбу кўчанинг «Қизил Шарқ» кўчаси билан кесишган жойигача, ғарбда эса шу кўча бўйлаб, жануби-ғарбда — унинг «Ташкилот» кўчаси билан кесишган жойигача ва ниҳоят жанубда — «Ташкилот» кўчаси бўйлаб яна Навоий боғи дарвозасигача бўлган чегара ичидаги жойлашган. Агар шу чегаралар бир-бирига туташтирилса, томонлари ўртача бир километрча келадиган тўртбурчак майдон ҳосил бўлади. Андижоннинг «Эски шаҳар» деб аталган қисми ҳам асосан шу чегара ичидаги жойлашган.

Свобода (Навоий) проспектининг «Куйбишев» кўчаси билан кесишган жойида 1930 йиллар бошида ҳам ҳайбатли бурж, яъни қалъа деворини бир-бирига туташтирадиган ҳосиши ва тупроқдан тикланган минора қолдиғи сақланган эди. Кўп ўтмай, «Янги Чувама» кўчаси очилиши муносабати билан бурж бузиб ташланган. Аммо «Куйбишев» кўчасидаги айрим хона-донларда шаҳарнинг шимолий девори қолдиқлари қисман сақланган. Шимолий девор ҳозирги «Дарваза оғзи» маҳалласидан ўтганидан сўнг «Қора бура» маҳалласига келиб, «Қизил Шарқ» кўчаси бўйлаб жанубга бурилади, кейин кўча «Ташкилот» кўчаси билан туташган жойдан девор шарқ томонга бурилади. «Ташкилот» кўчаси ёқасидаги эски «Пойдевор» масжиди ва «Чуқур масжид» хотираларда айтилишича, кейинчалик бузилиб кетган қалъа девор ўрнида курилган.

Вилоят мўғул хонларидан озод қилингач, Андижон шаҳри жанубга томон аста-секин кенгая борган. Собиқ Тувахон (Дувахон) масжиди зилзилада бузилиб кетгач, ўрнига шаҳар жанубида «Бобурнома»да тилга олинган янги «Намозгоҳ» масжиди курилган. Машхур Ҳокан ариғидан шоҳобча тортилиб сув келтирилган, янги боғ ва маҳаллалар барпо қилинган. Шаҳар жанубида Ҳокан ариғи бўйлаб янги девор олдирилган.

Тарихий кузатишлар ва ҳалқ хотирасида сақланиб қолган воқеалар тафсилоти шуни кўрсатадики, вилоят Шайбонийлар қўлига ўтиши пайтида содир бўлган шиддатли урушлар натижасида шаҳар анча шикастланган, кўпгина қурилишлар, жумладан, унинг арк қисми бутунлай вайрон қилинган. Водийда Шайбонийлар ҳокимияти қарор топганидан сўнг шаҳар шарқ томонга ҳам анча кенгайиб, ҳозирги «Бобо Саъдиддин» қаб-

ристони атрофидан янги девор олдирилган. XIX аср 80 йиллари рус шаҳарсозлари тузган шаҳар план-схемасида шу девор қолдиги ҳам белгиланган. Шайбоний ҳукмронлари эски шаҳарнинг шарқ томонида ўзларига янги қароргоҳ барпо қилишган (ҳозирги «Ўрда маҳалла» ўша қароргоҳ ўрнида пайдо бўлган). Кейинчалик Кўқон хонлиги даврида шу ўрда Андижон ҳокими учун ҳам хизмат қилган.

Бобурнинг ёзишича, «Андижоннинг уч дарвозаси бор». Бобур урушлар муносабати билан иккита дарвазани тилга олади: жанубда асосий «Ҳокан» дарвозаси ва шимолда «Мирзо» дарвозаси. Учинчи дарвазани аниқлаш учун шаҳар атрофида хонадонма-хонадон юриб сўраб-суриштирилди. Аммо ҳозирча учинчи дарвазадан нишона топилмади. Фикримизча, учинчи дарваза шаҳарнинг гарб томонида бўлиши керак. Зоро, «Бобурнома»да қайд этилишича, Андижон шарқ томондан «Ўшнинг маҳаллотининг ичи била» ўтадиган Андижон руди, яъни Оқ бура дарёси билан ўралган эди, у даврда ҳали шарқдан — Кампирравот томонидан ҳозирги Андижон сойи чиқарилмаган бўлиб, Оқбўра дарёси шаҳарнинг шарқ томонидан айланиб, ҳозирги Оқёр қишлоғи орқали Қорадарёга қўшилар эди. Бир ирмоғи эса, ҳозирги Шаҳрихонсойга оқаётган эски ўзанга бурилиб, Асака ерларигача етган.

Шаҳарнинг шимолий «Мирзо» дарвозаси ҳозирги «Дарваза оғзи» маҳалласи ўрнида бўлгани аниқланди. Тарих фанлари доктори Сабоҳат Азимжонованинг ёзишича, «Мирзо» дарваза Умаршайх Мирзо шаънига шундай деб аталган. Бобурнинг отаси Аҳсидан келганида пойтахтга кўпинча мана шу шимолий дарвазадан киради. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги уста Юсуфали Мусаев асримиз бошларида «Дарваза оғзи» маҳалласида андижонлик Аҳмадбек Темирбековнинг пахта заводи учун бино қураётганида «Эни 5 газ келадиган» эски пойдевор чиққанини эслайди. Бу, албатта, «Мирзо» дарвазасининг қолдиги бўлиши керак. Дарваза ташқарисида — шаҳар қаласига кираверишда катта майдон бўлган: Шайбонийлар даврида қабристонга айлантирилган бу ерни ҳозиргача халқ «Майдон», «Майдони азиз» деб юритади. Бундан шундай хулоса чиқадики, «Мирзо» дарвозаси олдидағи катта майдон халқ оғзида шундай деб аталиб кетган.

Шундай қилиб, Андижоннинг ўрта асрдаги қалъа девори қолдиқларини излаб қилган меҳнат беҳуда кетмади. Шаҳарни, тахминан, 400 йилча ўраб турган девор йўналишлари, узунлиги ва туташ нуқталари аниқланди. «Бобурнома»да ёзишича, «Қалъанинг гирдо-тирди хандақ», хандақ ёқаси эса, майда шағалли катта йўл бўлган. Қадимда шаҳар қалъаларининг атрофи оқар сувли хандақлар билан ўралган бўларди. Бобурнинг ёзишича: «қалъанинг гирдо-тирди тамом маҳаллоттур. Бу маҳалла била қалъага фосила ушбу хандақ ёқасидоғи шоҳроҳтур» («Бобурнома», янги нашри, 2002, 34-бет). Мутахассислар олдида турган галдаги вазифа — шаҳар ичida ва қалъа девори айланаси бўйлаб маҳсус археологик текширишлар ўтказиш, баён қилинган тарихий ва этнографик маълумотларни археологик топилмалар билан исботлаш ва бойитишдан иборат. Шундай қилинганда Андижоннинг ўрта асрлар тарихи анчагина ойдинлашган бўлади. Бобур номли халқаро жамғарма ташаббуси ва молиявий ҳомийлигига 2001 йилдан эътиборан археологик текширишлар бошлаб юборилди.

Андижон шаҳри тарихининг Бобур давридаги муҳим масалаларидан яна бири Андижоннинг қадимий аркини ўрганишdir. Тарихдан маълумки, Шарқнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан ҳар бирининг ичida арк қисми бўлиб, у шаҳар бошлиқлари жойлашган ўрда ҳисобланарди. Манбаларда улар «кўҳандиз», «коҳ», «қаср» атамалари билан ҳам тилга олинади. Арк одатда, баландроқ жойга қурилиб, атрофи мустаҳкам девор билан ўралган бўлади. Арк ичida шаҳар ҳокими ҳамда амалдорларининг сарой ва уйлари, шунингдек, девон, пул зарбхонаси ва зиндан жойлашган бўларди. Айрим шаҳарларнинг арклари қолдиқларини археологлар излаб топган ва ўрганган.

Ўрта асрларда Андижон Фарғона мулкининг Ахсидан кейинги пойтахти бўлганлигидан, унинг арки ҳам хийлагина катта эди. Бироқ у ўзаро урушлар, айниқса, Шайбонийларнинг шаҳарни эгаллаш вақтидаги жанглари оқибатида вайрон қилинган (1504). «Бобурнома» муаллифи Андижон ҳақида маълумот берар экан, «Арки жануб тарафда воқеа бўлибтур», деб ёзади.

Текширишлар чоғида биз шаҳарнинг баъзан ҳозир

ҳам «Арк ичи» (янги номи «Бобур») деб аталадиган маҳалласини қайта-қайта айланиб ва кўздан кечириб, арк девори қолдиқларини уйма-уй юриб изладик ва, ниҳоят, арк майдонини аниқлашга мусассар бўлдик. Дарҳақиқат, «Арк ичи» маҳалласи қадимий Андижон қалъасининг жануб томонида жойлашган. Унинг жанубий девори шаҳар қалъа деворининг жанубий қисми билан бирдир. 1976 йили ЎзФА Археология институти ташкил қилган маҳсус Андижон археологик отряди ушбу маҳаллада бўлиб (камина илмий маслаҳатчи эди), иккита хонадонда арк девори қолдигининг ости қисми ковлаб кўрилган эди. Ўшандада бир метрча ковланганда бошқа бир қадимий девор остонасига дуч келинганди. Топилган сопол парчалари ва девор ости милодий IV асрга оидлиги аниқланган. Шу ўринда шаҳар арки Ҳамдуллоҳ Қазвиний ёзганидек, XIII аср охирида қайта тикланган бўлса, демак қадимий девор устига қурилганмикан? — деган савол туғилиши табиий. Бу саволга келгуси археологик текширишлардан жавоб топилса ажаб эмас.

Бир неча йиллик кузатишларимиз ва текширишларимиз натижаси ўлароқ, шаҳар арк девори шимолий қисмининг ярмидан кўпроғи ҳозирги Ҳақиқат кўчасининг 1-тор кўчаси бўйлаб ўтганлиги ҳамда Трактор кўчаси 1-берк кўчасининг ўнг бетида жойлашган хонадонларда қолдиги ҳамон сақланаётганлиги аниқланди. Трактор кўчасининг мана шу берк кўчаси айни арк девор устидан ўтади, ўнг томондаги ҳовлиларга кўчадан ҳозир ҳам зинапоя орқали тушилади. Чунки кўчанинг чап бети арк томондир.

Аркнинг шимолий девори гарбда Қизил Шарқ кўчасининг 23-хонадонида жануб томонга бурилади. Мана шу ҳовли этагида деворнинг бурилгандаги бурж қисми сақланган. (Уста Жўрабой ака деганинг ҳовлиси).

Бироқ аркнинг гарбий девор қолдиқлари, 17-хонадон этагидаги хароба қисмни ҳисобга олмаганда, деярли сақланмаган. Шу хонадон соҳиби, 84 ёшли Нишонбой отанинг айтишича, унинг ёшлигига (яъни 1920 йиллари) девор анча баланд бўлган.

Девор Қизил Шарқ кўчасининг 5-ҳовлисида Ташкилот кўчаси томонга, яъни шарққа бурилади. Шу кўчанинг 37- ва 39-хонадонлари ҳовлисининг этаклари

ҳам баланд, ҳовлиларнинг орқа томонида 35—40 метр узунликдаги девор қолдиги узунасига дўнглик тарзида ҳозир ҳам билиниб туради. Талқиқотлардан аниқланишича, бу ердаги ҳовлилар ўртасида қолиб кетган эски «Хўжа Қамбар» қабристони шаҳар Шайбонийлар қўлига ўтганидан сўнг вайрон бўлиб кетган арк девори ичкарисида пайдо бўлган. Кейинчалик унинг атрофидаги бузилган арк девори тупроқлари тамоман иморатларга ишлатилган. Арк деворини жанубдан айланиб оққан ариқ эса жуда кичрайиб кетган ҳолда хонадонларда ҳамон сакланади. Ҳозир деворнинг шу қисми ва собиқ қабристоннинг ташландиқ бўлаги хонадонлар ўртасида ўралиб қолиб кетган.

Арк деворининг шарқий қисми ҳозирги «Пойтуғ» кўчаси бўйлаб ўтади ва кўчанинг З-ҳовлисида, шимол томонга, яъни юқорида айтилган Ҳақиқат кўчасининг 1-тор кўчаси томонга бурилади.

Шундай қилиб, сўраб-суриштириб тўпланган хотирадар, этнографик маълумотлар, айрим археологик қазишишлари ва, ниҳоят, шаҳар тарихий топографиясини синчиклаб ўрганиш натижаси ўлароқ шундай хулосага келиндики, Бобур аркининг девори шарқда — «Пойтуғ» кўчасининг 3—21-хонадонлари ўртасида; жанубда — «Қизил Шарқ» бўйлаб унинг 23-ҳовлисигача; шимолда — Трактор кўчасининг 1-берк кўчаси ва «Ҳақиқат»нинг 1-тор кўчаси бўйлаб ўтади. Андижон «Арк»и мана шу чегара ичида жойлашган. Агар бу чегаралар ўзаро туташтирилса, гарбдан шарққа томон чўзилган тўртбурчак ҳосил бўлади. Бу тўртбурчакнинг шарқдан гарбга узунлиги 450—460 метр, шимолдан жанубга эни эса, 215—220 метрга чўзилади. Шу кўчаларда айланиб юрган киши зеҳн солса, ушбу тўртбурчак ичи атрофга нисбатан баландроқ эканини сезади. Ҳозирги Бобур («Арк ичи») маҳалласи ҳам, тахминан, шу ерга тўғри келади. Бироқ асрлар ўтиши билан Аркнинг баландлиги аста-секин билинмай кетган.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, шаҳар арки дарвозаси ҳозирги Трактор кўчаси билан Ҳақиқат кў八大中的哪一部分是错误的？  
A. Ҳозир ҳам билиниб туради.  
B. Ҳозир деворнинг шу қисми ва собиқ қабристоннинг ташландиқ бўлаги хонадонлар ўртасида ўралиб қолиб кетган.  
C. Ҳозир деворнинг 1-тор кўчаси томонга бурилади.  
D. Ҳозир деворнинг 1-тор кўчаси туташтирилса, гарбдан шарққа томон чўзилган тўртбурчак ҳосил бўлади.  
E. Ҳозирги Бобур («Арк ичи») маҳалласи ҳам, тахминан, шу ерга тўғри келади.

бошларида ҳам атрофга нисбатан 2—3 метр чукур бўлган. Хотиralарда у гоҳ «Афросиёб ҳовузи», гоҳ «Однажон ҳовузи» деб тилга олинади. Кейинчалик ҳовуз бутунлай текисланиб, урни ҳозир бўш майдонга айланиб қолган. Ҳовузнинг аркка муносабати шундаки, худди шу ҳовуз ёқалаб арк ичига йўл ўтган.

Шундай қилиб, бир неча йиллар давомида олиб борилган текширишлар натижасида Андижон қалъаси атроф деворларини излаб топишга мусассар бўлинди. Андижон Фарғона мулкига пойтахт бўлиб қолганидан сўнг подшо ҳонадони ҳам ушбу арк саройида истиқомат қилган. Фақат баҳор ва ёз ойларидагина подшо ҳонадони Сирдарё соҳилига — Ахсикентдаги ёзги қароргоҳга келиб турган (Ахсикент шаҳри XVII асрдаги зилзилада тамоман вайрон бўлиб кетган). Кузда эса яна пойтахт аркига қайтишган. Бундан ташқари, Андижоннинг шимолдаги Кўштегирмон мавзеида Бобирнинг катта онаси — Эсон Давлат Бегимнинг ҳам чорбоги бўлиб, Бобур биринчи ўғил невара бўлгани учун кўпинча катта онаси билан бирга шу чорбогда униб ўсан.

Кейинги тафсилотни келтиришдан мақсад Бобур туғилган жойини аниқлаштириб қўйишидир. Маълумки, манбаларда, ҳатто «Бобурнома»да ҳам унинг туғилган жойи тилга олинмайди. Бобур ҳонадони асосан пойтахтда тургани, отаси Умаршайх оиласи билан фақат баҳор ва ёз ойларидагина Ахсида яшаганлигини юқорида айтгандик. Бобур эса 14 февралда, яъни қиш мавсумида туғилган. Қолаверса, у бутун болалик даврини катта онаси Эсон Давлат Бегимнинг юқорида тилга олинган чорбогида ўтказган. Умаршайх Ахсида вафот этганида ҳам Бобур катта онанинг Чорбогида эди — ўлим ҳақидаги хабар шу ерга келган. Мазкур тарихий далилларнинг ўзиёқ Бобурнинг Андижонда туғилганига шубҳа қолдирмайди.

## БОБУР КОБУЛ ВА ҲИНДИСТОНДА

Пойтахт Андижон кўлдан кетганидан сўнг Бобур Фарғона водийси жанубидаги Исфайрам сой ўзани бўйлаб юриб Олой водийсига чиқади ва Тенгизбой довонидан ўтади. Сўнг Олой водийсида шарқдан гарбга оқадиган «Қизил сув» дарёси бўйлаб юради. (Умуман Бобурнинг Фарғонадан чиқиб кетган йўли ҳақила бо-

буришунослар — тарихчи С.Азимжонова ва географ Ҳ.Ҳасановларнинг ҳам ўз мулоҳаза-фикрлари бор. Биз бу масалала мантиқий жиҳатдан тӯғри деб ҳисобланган ўз фикримизни баён қилмоқдамиз).

Ушбу дарё бугунги Тожикистон ҳудудига ўтгач, «Сухоб» деб аталади. Бобур ўз одамлари билан шу дарё бўйлаб юриб, Ҳисор томонга йўл олади, «Бобурнома»да ёзилишича, у билан кетган одамлар «ИККИ ЮЗДАН КЎПРОҚ, УЧ ЮЗДАН ОЗРОҚ ЭДИ». Бобурнинг мақсади — Ҳисорга тезроқ етиб олиш ва унинг ҳокими — асли темурийзода Ҳисрав шоҳдан мадад сўраб, сўнг Кобул томонга кетиш эди. Кобул эса атроф районлари билан темурийлар хонадонининг бошқа авлодлари вакиллари қўлида бўлиб, кўчманчи ўзбеклар оёғи ҳали бу ўлкага етмаган эди. Кобул вилояти 14 та маъмурий тумандан иборат бўлиб, Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиё ўртасида жуда муҳим ва йирик савдо йўлларини ўзида бирлаштирган шаҳар эди. Бобур Кобулни бундай таърифлайди: «Қошғар ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадаҳшондан карвонлар Кобулга келурлар... Бисёр яхши савдохонадур. Ҳар йили етти-саккиз-ўн минг от Кобулга келур. Қўйи Ҳиндистондан ўн-ўн беш-йигирма минг ўйлук карвон Кобулга келур!»

Бобур ўз одамлари билан Термиз шаҳри яқинидаги «Уваж» кечигидан Амударёнинг чап қирғонига ўтади. Афғонистондаги Андхўй шаҳри ҳокими Боқи Чаганиёний, ундан кейинроқ Ҳисор ҳокими Ҳисрав шоҳ ҳам ўз одамларини юбориб Бобурга мадад берадилар. Шайбонийхон Амударёнинг чап соҳилига — Ҳисор, Кундуз, Балх томонга ҳужум бошлиши биланоқ, Бобур ундан узоқлашиш учун жанубга — Кобул томонга юради ва 1504 йил сентябрь ойида Кобул ҳокими Муқим Арғун билан тўқнашиб унинг устидан ғалаба қиласи. Бобур нисбатан ёш бўлишига қарамай (у энди 21 ёшга қадам қўйган эди) тўғри сиёсий тадбирлар тузади ва уни секин-аста амалга ошира боради. Натижада ўз ҳокимиятини анча мустаҳкамлайди. Унинг бирдан-бир мақсади — мунтазам қўшинга эга бўлиш ва Шайбонийларга қарши туриб ўз она юртини қайтариб олиш эди.

Аммо Шайбонийлар хавфи йилдан-йилга жиддийлашиб, Бобурнинг эзгу нияти амалга ошмади: Шайбо-

ний лашкарлари бу томонларга ҳам жиддий хавф сола бошлади. Сўнгги темурийларнинг энг обрўли ва қудратлиси бўлмиси Ҳурсон ҳокими Султон Ҳусайн Бойқаро, ниҳоят, ўз давлатига бўлган жиддий хавфни фаҳмлаб барча ўғиллари ва қариндошларини умумий душманга қарши битта иттифоққа бирлаштириш учун 1505 йил баҳорида барчани ўз пойтахти Ҳиротга таклиф қиласди. Бобур Султон Ҳусайннинг бу таклифини жон дили билан қабул қиласди. «Бобурнома» муаллифи ўз истагини қандай ифода қилганини биз юқорида келтириб ўтдик.

Бироқ Бобур Ҳиротга етмасдан Султон Ҳусайн тўсатдан вафот этгани ҳақида хабар келиб (1506 йил май), унинг бу сўнгги умиди ҳам пучга чиқади. Икки йил ўтгач, 1508 йили Ҳусайн Бойқаро мулки — Хурсонни ҳам Шайбонийхон эгаллади.

Ниҳоят, 1510 йили Эрон шоҳи Исмоил Сафавий қўшинлари тарихий Марв жангига Шайбоний қўшинларини тор-мор келтириб, Шайбонийхонни ўдирилганидан хабар топган Бобурда ота юртига қайтиш умиди яна учқун олади. Бу учқунни аланга олдириш учун Бобур дипломатик воситани ишга солади ва Исмоил Сафавий билан (вақтинчаликка бўлса керак) ҳамкорлик битими тузади. Бобурнинг ушбу дипломатик тактикасига холисона қараганда тўғри ва Мовароуннаҳрни эгаллаш учун қурилган тактик чоралардан бири эди. Аммо битимда Бобур ва Эрон шоҳи, Самарқанд забт қилинган тақдирда, Исмоил Сафавий номига хутба ўқилажаги ва номига пуллар зарб қилинажаги ҳақида келишганлар деган маълумотлар бор. Бобурнинг ўзи эса, бу ҳақда хабар бермайди.

Эрон қўшинлари ёрдамида Бобур 1511 йили август ойида Самарқандни эгаллади, ҳалқ оммаси уни фоятда мамнуният билан кутиб олади. Ҳатто буни эшитган андижонликлар қўзғолон кўтариб, Шайбоний ҳокимиини қатл қилишади ва бу хушхабарни дарҳол Бобурга — Самарқандга етказишади.

Бироқ Бобур Эрон шоҳига берган ваъдасининг устидан чиқиши керак эди. Маълумки, ислом динида икки мазҳаб — сунна ва шия бир-бирига қарши икки диний оқим сифатида тарихда қонли диний курашларга сабаб бўлиб келгани маълум. Эрон шоҳи эса шия мазҳабида бўлгани сабабидан Бобурнинг дипломатик

тадбирини Самарқанддаги сунна уламолари қўллаб-қувватламадилар: ҳалқ оммаси ўртасида унинг бу «ножўя ҳаракати»га қарши диний тарғиботни кучайтириб, Бобур обрўсига доғ туширишга муваффақ бўлишади. 1512 йил 28 апрелдаги Кўли Малик жангидаги Бобур кўшинлари Шайбоний Убайдуллахон томонидан бутунлай тор-мор келтирилади ва Бобур бир амаллаб эсон-омон Кобулга келиб олади.

Кези келганида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Бобурнинг Эрон шоҳи билан ўрнатган ушбу дипломатик алоқаси ва унинг оқибати, шунингдек, унинг 40 мингдан ортиқ кўшинини Убайдуллахоннинг бор-йўғи 5 мингли кўшинидан мағлубиятга учрагани каби масалалар — умуман Бобур фаолиятининг ушбу даври илмий тадқиқотларда ҳалигача етарли даражада ўрганилган эмас. Бу ҳақда энг ишончли гапни — Бобурнинг ўз фикрини билмоқчи бўласан киши. Аммо, минг афсуски, «Бобурнома»нинг 1508—1518 йиларга доир саҳифалари тасодифлар натижасида йўқотилган ва биз бу ҳақда Бобур фикрини билолмасак керак.

Шундай қилиб, Ватанидан абдий жудо бўлган Бобурнинг Афғонистондан нари Ҳиндистон томон йўл олишдан бошқа иложи йўқ эди. Бобур ҳарбий кенгаш чақириб, бекларига, жумладан шундай деб мурожаат қилган: «...Шайбонийдек ёт эл... Темурбекнинг авлодининг илигидағи (қўлидаги) вилоятқа мутасариф бўлди (яъни эга бўлди). Бир мен Кобулда қолдим. Душман бисёр қавий (кучли), биз кўп заиф. Бадахшон жониби, ё Ҳиндистон сори жазм қилмоқ керак... Мен ва ички (менга яқин) беклар Ҳиндистон тарафи боромни таржих қилди (маъкул кўрди)».

XV—XVI аср бошида Ҳиндистонда ягона давлат йўқ, мамлакат майда феодал давлат — рожаликларга парчаланиб кетган, улардан йирикроғи Деҳли сultonлиги эди. Деҳли мулкида 1451 йили Баҳлул томонидан асос солинган Лўдийлар сулоласи ҳам мустаҳкам давлат куролмади. 1526 йилгача ҳукм сурган Лўдийлар даври ўзаро курашлар билан ўтди. Ўшандай нотинч йиллардан бирида Панжоб вилояти ҳокими Давлатхон Иброҳим Лўдийга қарши курашда Кобул ҳукмрони Бобурдан ёрдам сўрайди. Бу Бобур учун қулай фурсат эди. Унинг фикрича, фурсатни бой бермай Ҳиндистонга дарҳол ҳал қилувчи юриш бошлаш керак.

Ўшандай юриш 1526 йили бошланди. 21 апрель куни машхур тарихий Панипар жангиди Бобурнинг 12 мингта яқин қўшини Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг 100 минг пиёда ва бир минг жанговар филдан иборат армияси устидан узил-кесил ғалаба қозонади. Ўша йили 27 апрель куни Бобур Ҳиндистон подшоси деб эълон қилинади.

Эндиғина таҳтга ўлтирган Бобур подшоҳнинг асосий ва бош вазифаси — нотаниш ҳалқ ва ҳинд феодал аристократиясининг ишончи ҳамда ҳурматини қозониш. Иброҳим Лўдий сиёсатидан тамоман фарқ қила-диган ҳалққа маъқул сиёсий йўл тутиши лозим эди. Ҳинд тарихчилари ҳам яқдиллик билан шуни эътироф қиласидарки, Бобур ана шундай маъқул ва доно сиёсат юргиза олди ва маҳаллий ҳокимиёт вакиллари билан дўстона алоқалар ўрнатди, меҳнаткаш ҳалқ ишончини қозона олди.

Ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Афғонистон ва Ҳиндистонда кўрсатган фаолиятига шарҳ берар эканмиз, Ўрта Шарқ тарихида XV—XVI аср бошида юз берган қуидаги объектив ҳолатга ҳам эътибор бермоғимиз зарур. XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошида Шарқ ўлкаларида синфий зиддиятлар ўткирлашиб, авж олиб кетган феодал эксплуатацияси-га қарши деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг кўзғолонлари, диний мазҳабчилик ҳаракатлари кенг қулоч ёзган эди. Бу ҳаракатлар маҳаллий ҳокимларни ва йирик ер-мulk эгаларини авж олаётган ҳалқ кўзғолонларини бостира оладиган, турли солиқлардан келадиган бойликни хавф-хатарсиз ўзлаштира оладиган мустаҳкам марказий давлат ҳокимиёти учун курашга чорлаётган эди. Айни мана шу тарихий шароитда Эронда қудратли Сафавийлар давлати, Ўрта Осиёда Шайбонийлар давлати ва Ҳиндистонда Бобур асос солган «Буюк Бобурийлар империяси» каби марказий давлатлар ташкил топади.

Яна шунга ҳам эътибор бермоқ лозимки, Бобур ўша давр фарзанди, давр ҳукмрон синфининг вакили эди. Шунинг учун Бобур ва авлодларининг Афғонистон ва Ҳиндистондаги давлат фаолияти ўша жамият асосларини мустаҳкамлашини ва ривожланишини тақозо қиласи эди. Унинг Кобулда деярли 20 йил, Ҳиндистонда эса умрининг охиригача (4—5 йил) ўтказган иқти-

содий ва давлат сиёсати, маҳаллий ҳалқ оммаси билан ўрнатган муносабат-алоқалари мана шу асосий мақсадга қаратилган эди. Аммо Бобурдаги гуманизм, бошқа ижобий хусусиятлар (жумладан, исломий эътиқоди) унинг давлат фаолиятига узил-кесил ижобий таъсир кўрсатади.

Бобур фаолиятига принципиал баҳо берилганда, барча тадқиқотчилар қўйидаги объектив ҳақиқатга эътибор қаратадилар: яъни, у буюк давлат арбоби бўлиш билан бирга талантли шоир, санъат ва адабиёт ошиғи, ўта қобилиятли олим, сўнгра ажойиб ҳарбий саркарда ҳам эди. Ҳиндистоннинг XX асрдаги буюк давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф қилиниши» номли асарида ҳам, «Жаҳон тарихига назар» номли рус тилида чоп қилинган З жилдли асарида ҳам (М., 1976) Ҳиндистон ҳалқлари тарихининг асосий даврларига ва буюк шахслар фаолиятига баҳо берар экан, Бобурнинг мана шу улуғ фазилатларини кўп таъкидлайди.

Бобур ўз фаолиятида турли диний қарама-қарышликка мутлақо йўл қўймади ва ноҳақ қон тўкишларнинг олдини олди. Ҳиндистон тадқиқотчилари топган янги бир ҳужжатга кўра, Бобур ўлимидан тўрт ой илгани ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги диний тафовутга барҳам бериш мақсадида янги тартиблар жорий қилган. Бу — ўша давр шароити учун ўта муҳим тадбир эди. (Бу тадбир Ҳумоюн ва Акбар даврида кенг татбиқ қилинди.)

Узоқ тарихдан маълумки, истилочилар қайси шаҳарни забт қилсалар уни албатта вайрон қилишган. Аммо Бобур, Неру айтганидек, бундай қilmади. 1526 йил 21 апрелда тарихий Панипат жангига ғалаба қилганидан сўнг дарҳол бу ерда ғалаба шаънига боғ барпо қилишга буйруқ берди. Бу — ўша давргача кўрилмаган тарихий ҳодисалардан эди. (Бобур номли ҳалқаро илмий экспедиция 1993 йилги сафарида ушбу сатрлар муаллифи ҳам қатнашиб, бу тарихий боғни зиёрат қилиб келган.)

Ҳинд олимининг ёзишича, бобурийларга қадар Ҳиндистонда боғ яратиш санъати умуман бўлмаган. Бобур боғ яратишда ҳам, меъморлик санъатида ҳам янги давр бошлаб берди. Агра, Дехли ва бошқа шаҳарларда у ажойиб боғ-гулзорлар яратди (уларнинг ай-

римлари ҳамон мавжуд). «Бобурнома»да муаллиф Ҳиндистон боғлари, мевали дараҳтлари ва гуллари, қушлари ва ҳайвонларини шунчалик өхтирос билан ва жонли сатрларда тасвирлайдики, бу тасвир ва таърифларда Бобурнинг табиатга, унинг гўзалигига ошиқона муҳаббати шундоқ уфуриб туради.

Аммо Жавоҳарлаъл Неру ҳам таъкидлаб утганидек, у доимо ўз Ватани — Фарғонани, унинг оқин сувлари-ю, ёқимли шабадаси, роҳатбахш боғларини йўларди. Ҳиндистонда қанчалар қадр топмасин, қанча янгиликлар, ўзита қулайликлар яратмасин, Бобурнинг ҳеч қачон кўнгли тўлмади. Эл-юрт соғинчи. Ватан фироқи унга тун-у, кун ором бермас, кундан-кунга вужудини эзар эди. Унинг Ҳиндистондаги кайфияти она юртни ташлаб Ҳиндистонга кетиши Бобур рубоийсида «Юз қаролиғ бўлди» — деб таърифланса, қуйидаги сатрларда ҳижрон азобида қолган Бобур бевафо тақдир-даврондан шикоят қиласди:

*«Даврон мени ўткарди сару сомондин,  
Айирди мени бир йўла хонумондин,  
Гаҳ бошима, гаҳ балои таъна,  
Неларки бошимга келмади даврондин.»*

Бу рубоийлар мазмуни Бобур ҳаёти билан таниш бўлган ҳар қандай шахс кўнглини ҳозир ҳам ларзага солади. Доимо ташвишда, ҳарбий юришларда, сарсонликда ўтган ҳаёт Бобурдан ҳамиша ҳам жисмоний, ҳам маънавий сафарбарлик талаб қиласди. Оқибатда бу ҳолат унинг саломатлигига таъсир қиласди. Умрининг сўнгти йилида унда доимо жисмоний чарчашлиқ, руҳий тушкунлик пайдо бўлади. Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» ёдномасида ёзишича, сўнгти ойларни Аградаги ўзи қурдирган «Зарафшон» Боғидан чиқмай, Жамна дарёси бўйларида қурилаётган боғлар, ковланаётган қудук, ариқларнинг ишга туширилиши ҳақида маълумот олиб ёлғизлике да ўтказади. Подшоҳлик ишларини кўнгли хоҳламай қолади. Унинг устига янги туғилган ўғли Анвар Мирзо тўсатдан вафот қиласди. Тахт вориси бўлмиш катта ўғил Ҳумоюн эса бетоб бўлиб қолади. Бу зарбалар Бобур саломатлигини янада ёмонлаштиради. Ниҳоят, бор саломатлигини астойдил зътиқод билан

ўғли Ҳумоюнга садақа қилиб, 1530 йил 26 декабрда 48 ёшга ҳам тўлмасдан дунёдан кўз юмади.

Биз, мустақилликка эришган баҳтиёр авлод, шундан мамнунмизки, гарчи Бобур Афғонистон ва Ҳиндистон томон ўз ихтиёри ва иродасига қарши ҳолда кетганд бўлса ҳам, тарихий тараққиёт тақозоси билан у Ўрта Осиё—Ҳиндистон на Афғонистон муносабатлари силсиласида, айниқса, Ҳиндистоннинг халқаро алоқалари занжирида муҳим ҳалқани ташкил қилиб кетди. Нерунинг ва Калькутта университети профессори Банержийнинг таъкидлашларича, жаҳон тарихида «Буюк мўғуллар» деб танилган Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон довруғи бутун Европа ва Осиёга тарқалди.

### БОБУР ЮРТИ ВА ЮНЕСКО<sup>1</sup>

«Буюк ипак йўли» экспедицияси аъзолари Фарғона водийсига ташриф буюрар эканлар, уларнинг бу сафардан кутган мақсадлари асосан иккита эди. Биринчиси, режада бегиланганидек, «Буюк ипак йўли» чорраҳаларидаги қадимий шаҳарлар билан яқиндан танишиш. Иккинчиси, Фарғона мулкининг подшоси, улуғ Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ жойлар ва обидаларни кўриб, зиёрат қилиш.

Экспедиция қатнашчилари Бобур номи билан Боғлиқ шаҳарлардан бўлган Марғилон, Қува ва Ўшда бўлиб, сўнгра Андижонга келдилар. (Бу ердан эса Ахсикент вайроналари билан танишиш учун Наманганга ўтилди).

Экспедиция таркибидаги ЮНЕСКО вакили профессор Дудъен Дағга, экспедициянинг илмий раиси, покистонлик профессор Аҳмад Ҳасан Доний ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тил, адабиёт, тарих ва археология бўлими бошлиғи, академик Аҳмадали Асқаровлар экспедициянинг халқаро раҳбарлари эди.

<sup>1</sup>1990 йили ЮНЕСКОнинг қарори билан «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – ХАЛҚАРО ДЎСТЛИК ВА МУЛОКОТ ЙЎЛИДИР» – шиори остида турли мамлакатлар олимларининг иштирокида беш йилга мўлжалланган халқаро илмий экспедиция ташкил қўлинган эди. Унинг 23 та мамлакат вакиллари қатнашган иккичи экспедицияси Ўрта Осиё республикаларига батишиланиб, ушбу сатрлар муаллифи ҳам Ўзбекистондан иштирок қилган. Ушбу мақола экспедициянинг Бобур юрти – Андижонда бўлишига бағишланади.

Андижоннинг Бобур номи билан боғлиқ жойларини кўрсатиш ва улар ҳақида маълумотлар бериш каминанинг зиммасига юқлатилган эди.

Маълумки, «Бобурнома» асарида Марғилон бир неча бор тилга олинган. Лекин Бобур ушбу шаҳарда қисқа муддат бўлса ҳам кўп турмаган. Шунинг учун экспедиция аъзолари ҳозирги Марғилон билан қисқа муддатда танишиб ўтдилар, холос. Шунингдек, Бобур бобомиз таърифлаган Кува (Кубо)нинг ҳам машҳур катта Қорусуви ва унинг «Бобурнома»да тилга олинган, Султон Аҳмад қўшиналарига кулфат келтирган кўприги йиллар ўтиши билан йўқ бўлиб кетган. Демак, Кувада ҳам узоқ туришмади.

Ўшда эса, машҳур Сулаймон тоғи тепасида қурилган тарихий «Бобур ҳужраси»ни зиёрат қилиш ва Сулаймон пайғамбар номи билан аталган тоқقا саёҳат қилиш учун бир кун ажратилди. Экспедиция аъзолари — 23 мамлакатдан келган олим вакиллар Сулаймон тоғига чиқиб обдан танишдилар. Бобур ҳужрасида эса Куръон тиловати қилинди.

Кечта яқин ўшдан Андижонга кирап эканмиз, автобусда кетаётib камина Андижон Бобур давлатининг пойтахти бўлгани, бу ерда арк излари ҳамон сақлангани ҳақида, умуман, шаҳrimiz тарихидан овоз кучайтириш дастгоҳи орқали гапириб борар эдим. Шу орада раҳбаримиз, академик Аҳмадали Асқаров гап орасида шаҳар тарихи ҳақидаги менинг сўзларимга қўшимча қилиб кутилмагандан: «Бобур Аҳсида туғилган бўлиши керак» — деб изоҳ берди. Бу гапдан сўнг кўпчиликда қандайдир тушунмовчилик аломати сезилди. (Гаплар ўша заҳоти инглиз тилига таржима қилинарди). Сўнг мен микрофонни олиб домланинг галини «тузатган» бўлдим, яъни Бобур пойтахт Андижонда туғилганини ўз нуқтаи назарим билан таъкидлаб, зарур мисоллар билан исботлаб бердим, гаплар дарҳол таржима қилинди.

Экспедиция давомида Бобур киндик қони тўкилган, унинг подшоҳлик даврида пойтахт бўлган Андижон шаҳрининг шуҳратини тиклаш, Бобур ҳурмати унинг номини жаҳонга ёйиш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида академик А.Асқаров билан ўзаро сухбатлашиб кетдик. Мен маҳаллий шароитда ўзимизнинг юқорида баён қилинган ишларимиз ҳақида ба-

тафсил гапириб бердим (яъни шаҳарнинг ўрта аср қалъа девори ўтган чегараларини аниқлаб маҳсус карта-схема тузилгани, Арк ичи маҳалласида олиб борилган археологик текширишлар, шаҳарнинг ўрта асрдаги сув таъминоти ва тўққизта ариқ тақдирини ва ҳ.қ.лар). Шунингдек, Бобурнинг 1993 йилда ўtkазиладиган 510 йиллик юбилейи муносабати билан қилаётган ишларимиз, жумладан, Бобур номида боғ яратиш, Бобур майдони, унинг от миниб турган ҳайкалани ўрнатиш, Бобур музейи, Бобур номида маданият комплекси бунёд этиш ва бошқа масалаларда фикрлашиб олдик.

Экспедициямиз Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларининг тарихий жойларида бўлгач, бу борадаги сұхбатимиз ниҳоят экспедиция охирида Олмати шаҳрида ўтган ҳалқаро илмий симпозиум кунлари яқунланди. Мени безовта қилаётган асосий муаммо шунда эдики, Андижонни ЮНЕСКО қарори билан ҳалқаро саёҳат режасига киритиш учун бизлар нималар қилишимиз керак?

Академик А.Асқаровнинг маданий ёдгорликларни асрash бўйича комиссиянинг раиси сифатида билдириган фикрлари шундан иборат бўлдики, Бобурга атаб боғ яратиш, маҳсус майдон қуриш, кўча чиқариш, унинг ҳайкалини ўрнатиш каби ишларнинг барчаси яхши ният билан қилинадиган ва олий-химматли тадбирлардир. Бинобарин, улар ўз йўлига бўлаверади.

Бироқ Андижонни тарихий шаҳар, Бобур юрти сифатида ҳалқаро майдонга олиб чиқиш учун бу ишлар камлик қиласди. Андижонни Бобур туғилган шаҳар деб ҳисоблайдиган жаҳон тарихчиларини, этнографлари ва археологларини бу диёрда ўша даврдан нималар сақланиб қолганлиги кўпроқ қизиқтиради. Ташриф буюрган саёҳатчилар шуларни кўришни истайди.

Биз Бобур хотирасини абадийлаштириш борасидаги тадбирларимиз йўналишини мана шу нуқтаи назардан қараб чиқишимиз лозим кўринади. «Буюк ипак йўли» экспедицияси раҳбариятининг маслаҳатига қараганда, биз биринчи навбатда Андижон шаҳрининг ўрта асрдаги қалъа деворларини тиқлашимиз керак. Бироқ мен бундай қилолмаслигимизни айтдим. Чунки қалъа деворининг ғарб, жануб ва шарқ томонларидан ном-нишон қолмаган. Фақат ҳозирги Куйбишев кўча-

си бўйлаб ўтган шимол деворидан баъзи остки қисмлари сақланган, холос. Улар ҳам вақт ўтиши билан бузилиб кетаётир. Қолаверса, бу ишлар учун маблағ масаласи ҳам муҳимдир.

Олматидаги илмий симпозиум билан халқаро экспедиция тугагач, шу хаёллар оғушида Олмати шаҳридан Андижонга қайтиб келдим. Ўша йили июль ойининг охирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир гурӯҳ вакиллари Андижонга келиши муносабати билан Андижон масаласида кўтарилган муаммони тўлалигича муҳокамага қўйиш учун менинг назаримда имкон яратилди. Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўша йиллардаги ўринбосари Эркин Самандаров бошлиқ бригада таркибида тарихий ёдгорликларни сақлаш республика жамиятининг раиси, ҳурматли оқсоқолимиз Нуриддин Акрамович Муҳиддиновнинг ҳам келиши айни муддао бўлди.

Вилоятимиз зиёлилари ва ижодкорларининг вакиллари тўплланган биринчи йигилишдаёқ камина сўзга чиқиб «Буюк ипак йўли» экспедицияси кунлари норасмий равишда муҳокама қилинган юқоридаги масалаларни ўртага ташлаб ўз фикрларим ва таклифларимни айтдим. Н.А.Муҳиддинов бу таклифларни қувватлаб, юбилейга тайёргарлик ишларини имконият борича кенгайтиришни тавсия этди. Шунингдек, бошқа сўзга чиққанлар ҳам мени қўллаб-қувватладилар.

Эркин Самандаров якуний нутқида қабул қилинадиган қарорга шаҳар арк деворларини тиклаш масаласи ҳам киритилганини таъкидлadi. Республика ҳукумати бошлигининг ўринбосари томонидан маъқулланган бу қарор нафақат андижонликларни, балки бутун Бобур муҳлисларини ҳам хурсанд қилашаги таъкидланди. Мен эса, маърузачи бўлганим сабаб гўё «бир қоп семирдим».

Ўша қабул қилинган қарордан келиб чиққан ҳолда, мустақиллигимиз эълон қилиниши арафасида вилоят Ижроия қўмитаси маҳсус мажлисида шаҳарнинг арк деворларини тиклаш масаласи атрофлича муҳокама қилинди ва қўйидаги ишларни бажариш ҳақида аниқ қарорга келинди: 1 — шаҳарнинг арк ичи маҳалласидаги хонадонларнинг зичлигини ва ҳозир шаҳримизда турар жой ҳамда қурилиш материаллари танқислигини ҳисобга олиб арк девори-

нинг фақат шимол томонидан бир қисминигина юбилей йилига тиклаш; 2 — қайта тикланган девор қаршисида очиқ майдон ташкил қилиб, бу ерда ҳозирги хунармандчилик растасидаги айрим дўкон ва устахоналарни шу майдонга кўчириш, 3 — шу билан темирчилик растаси, яъни «очиқдаги хунармандчилик музейи» деб эълон қилинган майдонни кенгайтириш; 4 — Бобур тилга олган тарихий «Қўштегирмон» мавзеида (ҳозирги Қўшариқ) Эсон Давлат бегим чорбоғини ҳам тиклаш. Менинг таълифларимдан шаҳарнинг тўққизта аригини ишга тушириш ва Андижон тарихини аниқлаш учун археологик текшириш ишлари вақтинчага қолдирилди.

Мана, бу борада амалий ишга ҳам ўтилди: вилоят Ижроия қўмитасининг кўрсатмасига биноан «Арк ичи» маҳалласига ўтдик ва Ҳакиқат кўчасининг биринчи тор кўчаси бўйлаб барча хонадонларда бўлдик. Ушбу хонадонларнинг саҳни этагидан арк девори ўтган. (Биз уларни 1960 йиллари ёқ кузатиб суратга олиб қўйган эдик). Бироқ кейинчалик қурилган бу хонадонларнинг ҳовли саҳнлари ниҳоятда тор бўлгани сабабли сақланиб қолган арк девори қолдиқлари устига ҳамда олд томонларига ҳам кичик-кичик уйлар қуриб юборилган. Натижада арк девори қолдиқлари қурилишлар ортида қолиб кетган Тор кўча бўйлаб жойлашган 9 та хонадонда 20 та оила яшайди. Юқоридаги тадбирни амалга ошириш учун, яъни арк деворлари қолдиқларини очиш учун эса, бу ҳовлиларни бузиш ва эгаларини янги уй-жойлар билан таъминлаш лозим. Ўшандагина тарихий майдон пайдо қилинади. Агарда шундай қилинса деворнинг шимолий қисмидан 100 метрча узунликдагиси қайта тикланган бўлур эди.

Шундай қилиб, «Буюк ипак йўли» бўйлаб қилинган халқаро экспедиция натижасида Бобур юрти — Андижонда бажариладиган бўлажак юбилей тадбирларига яна битта жуда муҳим ва зарур модла қўшилди, яъни шаҳар арк деворидан бир қисмини тиклаш ва унинг олд майдонида ўрта аср хунармандчилигини акс эттирувчи расталар ташкил қилинадиган бўлинди.

## И з о ҳ

Андижонда Бобурнинг 1993 йили декабрь ойида ўтказилган 510 йиллик юбилейи шарафига жуда катта ишлар қилинди. Боян шамол мавзеида Бобур боян яратилди, музей очилди, собиқ Ленин майдони «Бобур майдони»га айлантирилиб, унинг от миниб турган ҳайкали ўрнатилди, ниҳоят Бобурнинг рамзий қабри барпо этилди. Лекин шаҳар ўрта аср арк деворининг шимол қисмидан 100 метрини очиб тиклаш, оддини катта майдонга айлантириш ва Бобурнинг катта онаси Эсон Давлат Бегим чорбоғига атаб ёдгорлик ўрнатиш ишлари келажакка қолди.

---

---

## БОБУРНОМА – БЕБАҲО МЕРОС

1991 йили июнь ойида Андижон шаҳрида машҳур «Бобурнома» ёзилганининг 460 йиллигига бағишиланган ҳалқаро илмий анжуман очилди. Илмий анжумандада Тошкентдан бир гуруҳ таниқли олимлар, шунингдек Афғонистонлик бобуршунос олима Шафиқа Ёрқин, Мюнхенда истиқомат қиласувчи ўзбек журналисти, олим Темур Ҳожа Андижонга ташриф буюрдилар. Қозогистонлик олимлар «Бобурнома»нинг қозоқча таржимасини тантана билан тақдим этдилар.

Ўзоқ тарихга назар ташлайдиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, ўтган кўпчилик подшоҳ-у, сulton-императорлар ҳам ўз замонаси учун зарур бўлган бадиий ёки илмий асарлар яратмаганлар. Ўтган Ҳоқон-у, бошқа ҳукмронлар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур алоҳида сифатлари билан ажралиб туради. «Бобурнома»да баён этилган воқеаларнинг кент қамровлиги ва сермазмунлиги, улар фоятда ҳалоллик ва ҳаққонийлик билан баён этилиши ва тил услуби жаҳон олимлари-ю, шоир-адибларини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Бу ноёб асар жуда кўп жиҳатлари билан бошқа ёзма ёдгорликлардан алоҳида ажралиб туради.

Ўз она Ватани бўлмиш Фарғонани, Ўрта Осиёning бошқа ҳудудларини, шунингдек қўшни Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи-ю, ҳалқлари ҳаётини қамраб олган «Бобурнома», мана, салкам 500 йилдирки, тарих, география, этнография, лингвистика, зоология, ботаника, санъатшунослик ва боғлар яратиш билимлари бўйича энг қимматли маңба ҳисобланиб қелинмоқда. Ушбу мемуар асардан Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон тарихи, ҳалқлари ҳаёти, урф-одатлари, ижтимоий тузуми, диний эътиқодлари ва ҳаётнинг турлиятуман бошқа соҳалари ҳақида фавқулодда қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Тақдир ёзиғи билан Афғонистон, сўнгра Ҳиндистонга бориб қолган Бобур «Буюк мўгуллар» (аслида «Буюк бобурийлар») деб аталмиш империяга асос

солди-ю, аммо дабдабали шоҳона ҳаётга асло кўнгил бермади, бошқа ҳукмдорлар каби сарой тан-танаҳари-ю, киборлар зиёфати, дабдабали қабул ма-росимлари-ю, шоҳона кўнгил очишларга қизиқмади. Ба, аксинча, подшоҳ бўлатуриб сайёҳ тарихчи Геродот каби атроф дунёни, ўлкалар тарихини, халқлар урф-одатларини, мамлакат географияси-ю, табиатини синчиклаб ўрганди. Шунинг учун ҳам, мана, «Бобурнома» энг ноёб манба сифатида ўзининг қимматини йўқотган эмас. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади, зеро Бобур фақат шахсан ўзи иштирок қилган тарихий воқеаларни баён қиласр экан, у ёки бу халқнинг ижтимоий тузуми ва маданияти, диний эътиқоди ва урф-одатларини ёритар экан, муаллиф масаланинг, ҳодисанинг асл моҳиятига ўзига хос синчковлик билан назар солади ва уни асосли ра-вишда тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам, турли мамлакат мутахассислари қайта-қайта таъкидла-ғанларидек, «Бобурнома»да келтирилган хабарлар ва хужжатлар дунёда асло тенги йўқ ва бебаҳодир, улар бошқа биронта манбада учрамайди.

Ҳиндистон ва Афғонистоннинг ижтимоий тузуми ва халқлари ҳақида «Бобурнома»да келтирилган маълумотлар ҳозиргacha ўз қимматини йўқотган эмас ва бизнинг кунларимизда ҳам фавқулодда аҳамият-лидир. Афғонистонда асосан кўчманчи қабилалар яшар эди. Бобур ўз асарида ўттиздан ортиқ қабила номларини келтирадики, бошқа биронта ўрта аср манбаида бунаقا батафсил маълумот учрамайди. Ҳозирги афғоншунос мутахассислар бу кўчманчи қабилалар ҳаёти ва урф-одатларини асосан «Бобурнома»га суюниб ўрганадилар. Ўрта аср манбаларидан фақат «Бобурнома»да Афғонистоннинг 14 та тумани номи келтирилди ва ҳар бирининг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётига шарх берилади.

Худди шундай хужжатли маълумотлар Ҳиндистон ҳақида ҳам келтирилган. Самарқанд ва Фарғонага доир Бобур берган маълумотлар эса, бутун жаҳонга машҳур бўлиб кетган. Умуман, «Бобурнома» Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистон халқларининг, хусусан, ўз Ватани — Фарғонанинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини ўрганишда тенги йўқ манбадир.

«Бобурнома»ни қунт билан ўқиган киши шундай

хулосага келадики, унинг муаллифи ўзи бўлган ўлкаларнинг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тасвирлашдан олдин ёки айрим тарихий воқеалар, тарихий шахслар ҳақида ёзишдан олдин масалани ўта синчковлик билан ўрганган, нимани кўрган ва нима ҳақда эшигтан бўлса, ҳаммасини амалда шахсан текшириб синаб, сўнг қаламга олган.

Бобурнинг вақтни ганимат билиб ҳар бир соатдан мақсадга мувофиқ фойдаланиши, кўплаб тарихий маълумотлар ва бошқа материалларни умумлаштиришдаги ўзига хос услуби ҳамон барчани ҳайратга солади. Бобурда ўзи иштирок қилган ва шахсан ўзи гувоҳ бўлган тарихий воқеаларнинг аҳамиятини олдиндан ҳис қилишдек ноёб қобилияти бор эдики, бу сифат кўп саркардаларда учрамайди, ҳатто тарихчиларда ҳам етишмайди. Масалан қуйидаги мисолга эътибор берайлик.

Қадимги Рим тарихидан маълумки, машҳур Карфаген армиясининг бош кўмондони Ганнибал эрамиздан аввал II аср охирида 90 минг аскари билан Алп тоғларининг абадий қор босган энг баланд чўққиларидан жуда қийинлик билан ошиб ўтиб, Италияга ҳужум қиласди, бироқ 70 минг аскар давон йўлида ўлиб, 20 минги қолади, холос. Аммо тарихда муҳрланиб қолган бу саргузаштни ёзib ёки ёздириб қўйиш Ганнибалнинг хаёлига ҳам келмаган. Зеро, Ганнибал ўзи қатнашган бу машъум тарихий воқеанинг аҳамиятини ҳис қилмаган. Оярупо мамлакатларининг алпинистлари Ганнибал ўтган тоғ йўлини ҳозиргача ҳам излаб тополмайдилар. Ганнибалдан кейин 1700 йил ўтгач Бобур ҳам Ҳиндистон юришида худди шунингдек жасорат кўрсатди. Ҳиндистонга бориш учун Ҳимолай тоғининг абадий қор босиб ётган «Бандилиг» довонидан ошиб ўтиш керак эди. Бобур (албатта оз сонли қўшин билан) довондан ошиб ўtdи ва сангтарош уста Шоҳмуҳаммадга бу тарихий воқеа ҳақида тошга ўиб ёзib қўйишни буюрди. Ушбу ёзув Бобур ва қўшинининг жасоратига абадий гувоҳ тарзида довонда сақланаётган бўлса керак. Кейинча бу тоғ «йўли» машҳур «Хайбар довони» номини олиб Афғонистон—Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ягона савдо йўлига айланиб қолди.

**Шунингдек,** Туркистон тоғларининг ғарбий ёнбағирларидан ўтатганида ҳам озиқ-овқатсиз ва ёрдамсиз қолган қийинчилик кунлари ҳақида ҳам тошларга ўйма ёзувлар қилдирган. (Бу ёзувларни тожик олими Аҳорор Мухторов излаб топган ва улар ҳақида илмий мақолалар эълон қилган.)

Бизнинг фикримизча, кечеётган воқеа ва ҳодисаларнинг бўлғуси тарихий аҳамиятини олдиндан сезмоқ ва фаҳмламоқ — инсоннинг эътиборга лойиқ ноёб қобилиятидир. «Бобурнома» муаллифи айрим воқеаларга таъриф берар экан, бу ҳақда берган ўз буйруқлари ва баъзи топшириқларини кейинча ўзи таҳлил қилади ва холисона, ҳатто ҳақгўйлик билан танқидий баҳолайди. Масалан, 1498—99-йилги воқеалар ҳақида тўхталар экан, Бобур Узун Ҳасаннинг яқин кишиси ўғай укаси Жаҳонгир Мирзо билан ўзаро тил бириктириб қилган сотқинликлари ҳақида тўхталиб, бу мальунга яхшиликлар қилиб адаштанини афсуслик билан ва ўзини койиб ёzáди. Ўзига-ўзи бундай қараш ҳам ҳукмронларда кам учрайдиган сифатдир. Бобур Узун Ҳасанга раҳмдиллик қилиб қўйиб юборганига афсусланади. Бироқ, бу нобакор сотқин ўз хожаси Бобурга кейин ҳам кўп жабр кўрсатган. Шу муносабат билан Бобур ўз фаолиятини таҳлил қилар экан, шундай хуло-сага келади: «Мулкгирликда ва мамлакатдорликда (яъни давлатни идора қилишда — С. Ж.), агар баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ (яъни тўғри — С. Ж.) кўринур, вале ҳар ишнинг заминида юз минг мuloҳаза вожиб ва лозимдур. Ушбу бир бемулоҳаза ҳукм қилғонимиздан не миқдор шўр ва фитналар қўпти» («Бобурнома», янги нашри, 69-бет).

Ўзига қаратилган мuloҳаза ҳам «Бобурнома» муаллифининг одиллиги ва ўзига хос жасурлигидандир. Бу ерда замондошларимизнинг диққати икки ҳолатга тортилиши табиидир: бири — подшоҳ Бобурнинг жасорати, яъни у ўзини ўзи танқид қилишгача борган кучли иродалилиги. Иккинчиси — бу ҳам биз учун муҳим, — Бобур фикрларининг ҳозирги даврда ҳам қимматлилиги: гарчи ўтган воқеалар бизнинг давримиздан бир неча юз йил илгари содир бўлган бўлса-да, ҳозирги воқеликда юз бераётган воқеалар улардан кескин фарқ қиласа-да, айрим қарорларни қабул қилишда Бобур маслаҳат-

ларига қулоқ солмоқ фойдадан холи эмас... «Бобурнома»нинг илмий аҳамиятидан ташқари замонамиз, айни ҳаётимиз учун бўлган аҳамияти ҳам шунда.

«Бобурнома» адабий-бадиий ва тарихий ёзма ёдгорлик жиҳатдан унга тенг келадиган асар ҳозиргача маълум эмасdir. Бобурнинг ўзидан илгари ўтган ва ўзига замондош бўлган барча мемуар ёзган муаллифлардан фарқи шундаки, кўпчилик аллақачон бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ёзди. Бобур эса кўз ўнгида содир бўлган ва аксари ўзи иштирок қилган воқеаларни баён қиласди ва тегиши, амалий холосалар чиқаради. Шунинг учун ҳам «Бобурнома» қимматли ва ноёб асар сифатида Европанинг ва Шарқнинг кўпчилик тилларига таржима қилингандир.

ХХ асрнинг улуғ кишиларидан Жавоҳарлатаъ Неру «Бобурнома» муаллифига шундай деб таъриф беради: «Бобур шу дамгача ўтган подшоҳлар ичиди энг маданий ва дилбар шахсадир. У диний фанатизмдан узоқ, бошқалар каби вайронгарчилик ҳам қilmади. У гуллар ва боғларни севарди. Ҳиндистонда туриб ҳар доим ўз Ватани — Ўрта Осиёни эслар эди».

Ҳа, Бобур шундай бетакрор ва ноёб шахс сифатида номи тарихда мухрланиб қолди. Унинг «Бобурнома»си эса, ўзи билан бирга жаҳонга машҳур энг қимматли илмий-тарихий манба сифатида абадий яшайверади.

## И з о ҳ

1. 1990 йили уюштирилган ўлкашунослик экспедиция-мизда биз Фарғона водийсининг шимолий томонида — қўшни Кирғизистоннинг Олабуқа, Чотқол туманларида бўлиб, Хитойдан келадиган карвон савдо йўллари ҳақида ҳам оғзаки маълумотлар тўплаганмиз.

2. Бу ҳақда қаранг: А.Мухтаров. Таджикские и другие надписи на скалах и камнях в верховьях Зерафшана и их научное значение. (Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в г. Ташкенте 4—11 июня 1957 г. Изд-во АН. Уз ССР. Ташкент, 1958, стр. 668—674.)

## «БОБУРНОМА» – ЎЛКАМИЗ ТАРИХИННИГ ҚИММАТЛИ МАНБАИДИР

Агар узоқ тарихга назар ташланса, юқорида ҳам қайд этилганидек, ҳамма подшоҳлар ҳам мемуар шеърий, адабий ва илмий асарлар ёзмаганлар. Тўғри, айримлари, умрининг охирида бирон нарса ёзиб қолдиришга қўл урган. Масалан, Оврупони титратган Наполеон Бонапарт муқаддас Елена оро-лида умрининг сўнгти йилларида мемуар ёзишга уринган дейишади. Бироқ, мабода у ёзилган бўлса, фақат унинг шахсий ҳаётини ўрганиш учун зарур, холос. Биз тарихдан бунақа мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Шарқда ҳам, Фарбда ҳам таҳт вориси бўлатуриб, сиймосидан олимлик ва шоирлик нафаси уфуриб турган, сафар чогида ҳам бир оз осуда дам пайдо бўлганда, дарҳол отдан эгарни олиб унга ёнбошлаб илҳомга берилган шахслар йўқ даражада ёки аҳён-аҳёнда учрайди.

Ўшандай шахслардан биттаси Рим тарихида ми-лоддан авяялги I асрда ўтган Гай Юлий Цезарь эди. Иккинчиси ундан 1550 йил кейин ўтган бизнинг азиз кортдошимиз Заҳириддин Мұхаммад Бобурдир. Юлий Цезарнинг ўзи иштирок қилган даҳматли урушлар ҳақида ёзиб қолдирган хотира асарлари, шунингдек, ажойиб нутқлари ўша давр Овропосида энг йирик давлат бўлмиш Рим тарихи учун зарур манбадир.

Биз Заҳириддин Мұхаммад Бобурни Юлий Цезарга таққослар эканмиз, фақат уларнинг илмий ва адабий меросини назарда тутамиз, холос. Лекин уларнинг шахси ва ғояси тамоман бир-бирига қарама-қаршидир. Бобурнинг ўлмас асари саналмиш машҳур «Бобурнома» Цезарь асарларидан, гарчи улар ҳар қанча мақталса ҳам, ўз илмий салмоғи билан «Бобурнома»дан ажралиб туради. Цезарь асарлари фақат Рим давлати тарихи учунгина қимматлидир. «Бобурнома» эса, Фарғона водийиси, бутун Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи ва географияси учун ҳам бебаҳо асардир. Агарда Цезарь асарлари, хусусан унинг «Галлия уруши ҳақида хотиралар» китоби фақат қонли жанглар, сипоҳлар ҳаёти, уруш анжомлари ҳақида кўпроқ маълумот

берса, Бобур асари фақаттинга жанг ҳақида эмас, унда жуда кўп тарихий воқеалар, одамлар, одатлар, табиий шароит, мамлакатларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида ўз қимматини абадий сақлайдиган ҳужжатли маълумотлар тўплланган. Бу жиҳатдан «Бобурнома»ни энциклопедик асар дейиш мумкин.

Аммо биз унинг ажойиб тарихий асар, хусусан, она ўлкамиз тарихи учун ҳам қимматли манба эканига диққатни жалб қилмоқчимиз. Аввало таъкидлаш керакки, Бобур ўз замонасининг йирик тарихнавис олими ҳамdir. «Бобурнома»да XV аср охири ва XVI аср бошларида Ўрта Осиё, Кобул улуси ва Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихини ўзида акс эттирган шундай ҳужжатли воқеалар тасвириланадики, улар бирон-бир бошқа манбада учрамайди. Шу маънода қадимий юонон тарихчиси Геродот ёдга тушади. Унинг тўққиз қисмдан иборат «Тарих» китобида Юнонистондан ташқари кўп жойларга саёҳат қилиб бориб, ўтмиш тарихий воқеаларини сўраб-суршириб, ҳужжатлар асосида ва ўзи кўрган-билгандарини аниқлаб, сўнг уларни қаламга олади. Шунинг учун ҳам Геродотнинг бирон кўхна ўлка ҳақида ёзib қолдирган маълумоти, мана, икки ярим минг йилдирки, ўз қимматини йўқотган эмас, шунинг учун ҳам у жаҳонда «тарих отаси» деган ном олган.

«Бобурнома» ҳам шундай. Агар Геродот махсус саёҳат қилиб тарихий маълумотлар тўплаган бўлса, Заҳиридин Муҳаммад Бобур тақдир тақозоси билан ўз Ватанидан ташқари Афғонистону Ҳиндистонга бориб қолди ва давлат бошлиғи бўлишдек тарихий миссияни бажарди. Бироқ, юқорида айтганимиздек, бошқа подшолар каби фақат давлат ишлари-ю, шоҳона кайф-сафо билан банд бўлмади, балки у оламни, одамларни, тарихни ўрганди, ўша юртлар, эл-элатлар ҳақида маълумотлар тўплади, эшитганлари ҳақида аввал тафаккур қилди, сўнгра асар яратди.

Ўлкамиз тарихига оид баъзи бир мисоллар келтирайлик: «Бобурнома»да «Фарғона вилояти бешинчи иқлиминдиндур», — деб ёзади муаллиф. Гарчи бу жумла оддий бир маълумот берса ҳам, аммо муаллифнинг ўз давридаги география илмига муносабатини билдиради. Шарқ географиясида умуман

жаҳон етти иқлимга бўлинишини ҳамма билган, аммо ўз ўлкаси қайси ва нечанчи иқлимга мансуб эканини билиш учун география илмидан маҳсус маълумот олиши лозим. Бобур эса, география илмидан хабардор бўлган ва Ўрта Осиё минтақаси бешинчи иқлимга мансублигини билган.

Яна бир мисол: «Бобурнома»да «Бадахшон шоҳлари ўз насабларини Искандари Файлақусқа етар дерлар» деган жумла бор. Бу жумла замираиди Македонияли Искандар номи билан боғлиқ йирик тарихий воқеа ётади. Тарихдан маълумки, милоддан аввалги 328—327 йиллари, яъни Бобур замонасидан 1885 йилча муқаддам Шарқда Искандар номи билан машҳур бўлиб кетган македониялик Александр Ўрта Осиёдаги Сўёдлар давлатига бостириб келган эди. Унинг отаси подшо Филипп Иккинчи бўлиб, Шарқда Файлақус номи билан машҳурдир. Искандар тарихга маълум Спитамен қўзғолонини бостиргач, ўз қўмондонларидан бу ерда қолдириб сўнг Ҳиндистонга ҳужумни давом эттирган. Кейинчалик Ўрта Осиё жанубида вақтинча шундай давлат ташкил топдики, ҳокимият тамоман Юнонистондан ёки Македониядан кўчириб келтирилган Искандар амалдорлари қўлида бўлган. Кейинчалик бу давлат бузилганидан кейин ҳам ушбу авлоддан баъзилари қолиб кетган ва ерли ҳалқларга аралашиб, асрлар ўтиши билан ислом динининг исмоилия мазҳабини қабул қилганлар. Бобур бадахшонли айрим шоҳлар ўз насабини Файлақус ўғли Искандарга боғлаши ҳақидаги ривоятни келтирас экан, қадимда бўлиб ўтган ушбу тарихий воқеа ҳақида нақадар чукур маълумотга эга бўлганини кўрсатади.

«Бобурнома»да Ўрта Осиё билан қўши Шарқ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ва савдо муносабатларига доир маълумотлар ҳам ниҳоятда муҳимдир. Масалан, ўша даврда Фарғона билан Хитой ўртасидаги савдо алоқалари ҳақида манбалардан бирон маълумот топиш мушкул. «Бобурнома»да эса Умаршайх Мирзо даврида Хитой билан савдо алоқаси борлиги ҳақида қўмматли маълумот бор. Тўғри, Бобур бу маълумотни фақат отаси Умаршайхнинг ҳалоллигини исботлаш учун келтиради. Чунончи, Хитойдан келаётган савдо карвони Тянь-

Шанъ тоғларидан ўтиб, унинг шарқи-жанубий ёнбағрида, Фарғона томон яқинлашганда қор кўчкиси остида қолади. Умаршайх маҳсус қўриқчилар тайинлаб молларни ўз эгаларига етказади. Бу маълумот ҳозирги тадқиқотчилар олдига ўрта асрдаги Фарғона—Хитой карvon йўлини аниқлаш масаласини кўндаланг қўяди. Чунки «Бобурнома»да карvon йўли тасвиirlанмаган.

Биз Бобур қадамжойлари мавзууда бошланган экспедициямизда Фарғона водийси билан Қирғизистонга қарашли Олабуқа ва Чотқол — Тянь-Шанъ тоғ оралиги бўйлаб, Эргаштом довонидан ташқари Иssiқкўлга ўтадиган қадимий ипак савдо йўли билан қизиқдик.

Бизнингча, бу йўл қуйидаги маршрут билан ўтган: Ола Буқа—Чанач—Чотқол—Мингяшар—Қора Бура довони—Талас—Оқ бешик—Навокент—Иssiқкўл. Иssiқкўлдан Хитой томонга, Долун довони — Отбош—Тошработ—Тўғри Фор—Синцзян. Чанач довони билан Олабуқа ўртаси 50 км га teng. Хитойдан келаётган савдо карвони, тахминимизча, шу довонда, Бобур ёзганидек, «қор кўчкиси остида қолган». Галдаги вазифа — бу йўллар харитаси ва схемасини тузиб, маҳсус экспедиция ўюштиришдан иборатдир.

«Бобурнома»ни синчковлик билан ўқир эканмиз, тарихий воқеалар, айрим шахслар, табиат наботлари баёнида тахминий хулосаларни ёки ўзининг пишиб этилмаган хусусий мулоҳазаларини учратмаймиз. Муаллиф тарихий воқеаларни баён қилар экан, фақат ўзи кўргану билган ёки ўз қулоги билан эшишган воқеаларни мисоллар асосида ва масалага танқидий ёндашган ҳолда баён этади.

Бобур тарихий воқеаларни ўзи кўрган, ўзи билган, ёки ўзи эшишган жуда ишончли мисоллар асосида баён этади. Бу ҳақда бундай деб ёzáди: «Чун бу тарихда андоқ интизом қилибтурким, ҳар сўзининг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни, воқеъани таҳrir этилгай. Ложарам ота — оғадин ҳар яхши ва ёмонлиқким шойиъ эди, таҳrir қилдим, ва қариндоши ва бегонадан ҳар айб ва ҳунарким баёни воқеъиъ эди, таҳrir айладим. Ўқиғувчи маъзур тутсин, эшиштувчи таарruz мақомидин ўтсан».

Бобурномада ўлкамиз тарихини чуқурроқ ўрганишга ундейдиган кўплаб тарихий, географик ва этногра-

фия мавзулари борки, уларнинг ҳар бири келажакда алоҳида тадқиқот йўналишларини ташкил қилади. Биргина Андижон атрофида Лоткан, Армиён, Ҳаробук, Нушоб, Қўштегирмон каби ўнлаб қишлоқлар, шунингдек, Работи ўрчин, Работак мавзелари тилга олинади. Бу қишлоқлар тарихи ва тақдиди билан жиддий шуғулланиш — олдимизда турган муҳим вазифалардандир. Шунингдек, Ўш, Ҳўжанд, Косон, Ахси атрофларидаги 20 дан ортиқ қишлоқлар, бошقا мавзелар у ёки бу воқеалар муносабати билан қаламга олинади. Буларни текшириш ва ўрганиш учун маҳсус экспедиция ташкил қилиш лозим бўлади.

Биз ҳозирча Андижондаги Бобур қадамжойлари бўйлаб ўлкашунослик экспедицияси уюстириб, айrim мавзе ва қишлоқларни, карвон йўли тармоқларини аниқлаб чиқдик.

«Бобурнома»да тилга олинган айrim қишлоқлардан «Қўштегирмон» — «Қўш ариқ» номида, «Нўшоб» — «Нўшкан» номида, «Ҳаробук» қишлоғи — «Хирабек» номида ҳамон бор. «Бобурнома»да айтилишича, Андижон вилоятининг Қошғар йўлидаги тоғ оралиғида 5—6 минг уйлик Чакрак номли чорвачи қабила яшайди (улар Бобурга чорва моллардан ёрдам беришган). Афтидан, бу «саҳронишинлар» (Бобур ибораси)дан бир қисми шаҳарга ҳам кўчиб келиб ўрнашган. Андижоннинг эски шаҳар қисмida «Чўқрақ» деган эски маҳalla номи ҳозир ҳам қариялар хотирасида сақланади. (Собиқ «Юбилей» кинотеатри биносининг тахминан орқа томонига тўғри келади.)

Бобурномада тилга олинган шаҳар шимолидаги Эсон Давлат Бегим чорбоғи жойлашган «Қўш тегирмон» қишлоғи, ҳозирги «Қўшариқ» мавзеига тўғри келиб, бу ерда сурункасига икки йўл ушбу чорбоғ ўрнини излаш билан шуғуландик. (Ёзувчи Пиримқул Қодиров ўз романида ушбу чорбоғни тасвирлаган. Қаранг: «Бобур», тарихий роман, Тошкент, 1990 йил, 31-бет.) Қариялар хотиralарини тўплаб, ниҳоят, чорбоғ ўрнини аниқладик. Бизнинг тавсиямиз билан тарихий ёдгорликларни сақлаш Жамияти томонидан бу ерда ёдгорлик сифатида кўшк-айвон қуришга қарор қилинган.

Бобурнинг ёзишича, катта онаси Эсон Давлат Бегим қарамоғидаги 2 мингча мўғул навкари ўз ои-

лалари билан «Икки сув ораси» мавзеида яшашган. (Норин ва Қора дарёning ўртаси). Андижон—Наманган темир йўлининг Ҳақулобод бекатидан ўтгач, «Кўғай» бекати атрофида ҳамон «Катта мўғул» деган қишлоқ бор. Биз экспедициямиз чоғида ушбу қишлоқда бўлиб икки кун қариялар билан сұхбатлашдик ва қишлоқни айландик. Маҳаллий қариялардан ўқимишли Фозилжон Ирисов тўплаган ва ўзи ўрганишга ҳаракат қилган тарихий хабарлар мавзуси баҳсимиз учун диққатга сазовордир.

«Катта мўғул» қишлоғининг аҳолиси чиқиб келиши жиҳатидан асли Отбош ва Норин томонлардандир. Уларнинг авлодлари секин-аста Чотқол тоғлари шимолий ёнбағирларига кўчиб келишган. Мўгулларнинг «Катта мўғул», «Кичик мўғул», «Келегей мўғул», «Бўғанақ мўғул», «Ўғиз мўғул», «Сўғу мўғул» каби ўнга яқин уруғларидан авлод ҳамон ҳисобда борлигини айтадилар. Фозилжон отанинг тўплаган ахборотларида шу авлодларнинг (етти ота ҳисобида) кўчиб келгани 500 йилга боради (етти отанинг исмлари ҳам оиласи шажараларда сақланган).

Шундай қилиб, «Бобурнома»да тилга олинган 2000 мўғул навкарининг кўчиб келиб қолиши тарихини бир оз аниқлашга муваффақ бўлдик. Келгусида қадимий «Икки сув ораси»даги ҳозирги «Катта мўғул» қишлоғи тарихини, ҳамон мавжуд бўлган уруғлар ҳисобини этнографик жиҳатдан маҳсус ўрганиш алоҳида илмий текшириши мавзусини ташкил қиласди.

«Бобурнома»даги хабарлар асосида Фарғона пойтахти бўлмиш Андижондан атрофга кетган йўллар ва унинг магистрал қисми қадимий Буюк Ипак йўлига кўшилгани масаласи ҳам экспедициямиз резасида бор эди. (Бу иш яна давом этади.) Ана шундай мақсадлардан бири ҳалқ тилида ҳамон «Хон йўли» деб аталмиш қадимий йўлни аниқлашдир.

Юртимиз тарихида араблар келмасдан илгари, яъни Турк ҳоқонлиги даврида (VI аср) Фарғона воийисида айрим деҳқончилик воҳаларининг марказлари сифатида асосан олтита шаҳар мұҳим ўрин тутгани маълум. Улар шарқда Ўзган, Ўш ва Андижон, жануби Кубро (Кува), гарбда Кенди Бодом (Конибодом) ва шимолда Ахси. Кейинги археологик тек-

ширишларда Боб (Поп) ҳам атрофдаги кичикроқ воҳанинг маркази эканлиги аниқланди.

Ушбу шаҳарларни Ўзгандан бошлаб бир-бирлари билан туташтирилса, Фарғона водийсининг қадимда энг ривожланган шарқий ва гарбий депараларининг алоқа йўли ҳосил бўладики, бу қадимий карвон савдо йўли ҳам ҳалигача маҳсус ўрганилган эмас. Милоддан илгариёқ шарқий Осиёдан бошланган машхур «Ипак йўли» Хитойнинг гарбий чегарасидан ўтиб, бири Ўрта Осиё ҳудудига кирган. Тянь-Шань тоғлари оралаб давом этган ушбу йўл яна иккига бўлиниб, Иssiқкўл бўйлаб жанубий Сибири томонга ва яна бири эса Эргаштом довони орқали Фарғона водийсига ўтган. Водийнинг шарқий томонидаги биринчи шаҳар Ўзганга, ундан Ўшга ва тоғ олди водийси бўйлаб Кубо, Конибодом. Хўжанд орқали Усрушона (ҳозирги Ўратепа)га ўтиб Афғон йўлига қўшилган. Йўлнинг Ўш—Кубро оралиғидан қадимий Аравонсой ёқалаб Андижон тармоғига ўтиб шимолга, Бобурномада тилга олинган «Бандисолор» йўли билан Ахсига, сўнгра Боб (Поп) томонга йўналган ва Чотқол тоғи (машхур Кендирилик довони) орқали Чирчиқ водийсига тушган. Умуман «Ипак йўли» тармоқлари Ўртаер денгизининг шарқий қирғоқлари томон йўналган ва дунёда янги денгиз йўллари очилгунга қадар (XVII асргача) асосий халқаро карвон савдоси йўли бўлиб, Шарқ ва Фарбнинг савдо ва маданий алоқаларида деярли икки минг йил давомида жуда муҳим роль ўйнаган. (Дарвоқе, Япон киночилари Шарқдан, инглиз киночилари эса, Фарбдан «Ипак йўли» бўйлаб юриб маҳсус кинофильм яратдилар, улар Андижонга келганида, биз ҳамроҳлик қилган эдик.)

Халқаро денгиз савдо йўллари кашф қилингач, қадимий карвон йўллари фақат маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб қолди ва ўзаро ички алоқаларда Кўқон халқимиз хотирасида «Хон йўли» номи билан ташландик ҳолда ҳозиргача сақланади. Биз экспедиция чоғида ўша «Хон йўли»нинг Аравонсой ёқалаб, ва сўнгра Ўшгача олиб борадиган қисми бўйлаб маҳсус юриш қилдик.

«Хон йўли» Аравонсойга параллел ҳолда сойнинг қадимий қирғоғидан 500—700 метргача йироқда — пахтазорлар орасида қолиб кетган. Сой ичидан кетган

ҳозирги йўл бўйлаб 6 километрча юрилгач, чапга — Ширмонбулоқ томонга бурилади. Бурилиб бир километрдан сўнг сойга параллел йўналган тутзорлар орасида қолган қадимий йўл ҳозирги йўлга кўшилади. Аравонсой томондан Ширмонбулоқса кетган ҳозирги катта ўша қадимиий «Хон йўли» изидан ўтган. Йўл Ширмонбулоқдан ўтгач, Жанубий Фарғона канали бўйлаб кетади. Шуни айтиш керакки, «Қува тармоги» номи билан 1936 йилдан қурила бошланган ушбу канал трассаси атрофдаги ерларнинг қадимиий қиёфасини бузиб ташлаган. Шунинг учун ҳам тарихий «Хон йўли» Ширмонбулоқдан ўтгач, кўзга ташланмайди. Бироқ канал кўппригидан чапга бурилган йўлдан юрилганда яна «Хон йўли» пайдо бўлади ва ҳозирги «Манак—Ордай» қишлоғи томон кетади. Қариялардан сўрасангиз «кўчамиз Хон йўли устидан ўтган» деб жавоб беради.

Сўнгра йўл «Чилдухтарон» тоғига ёндашиб, шарқ томонга йўналади ва тоғнинг экин ерларга ёриб кирган «Така тумшуқ» номли кичик бир қояси ёнгинасидан ўтади. Ҳозирги «Усмонобод» қишлоғига етгач, эски йўл жануби-шарқ томонга бурилиб «И мом ота» қишлоғига ва ушбу қишлоқни оралаб «Ордай» қишлоғига келади. Қишлоқса кираверишдан бошлаб йўлнинг давоми «тупик» (берк кўча) бўлиб қолган: сабаби — йўл давоми экин ерларга кўшилиб кетган. Биз эса чапга — ҳозирги қишлоқ йўлига бурилиб, 2 км чамаси юргач, яна ўнгга, пахтазорнинг нариги қирғоғига чиққан эдик, яна эски йўлнинг изига тушиб қолдик.

Йўлнинг кўринишидан унинг қадимийлиги шундоққина билиниб турибди. У ёғига йўл ҳозирги Дилкушод қишлоғи томон йўналади. Тоғ ёнбағри бўйлаб давом этган бу йўл Дилкушод қишлоғининг унинг тепаси — жануб томонидан айланиб шарқ томон, яъни Ўш томонга йўналади.

Куз пайти ёмғир ёғиб ерлар лой бўлиб қолганига қарамай, қадимиий йўл машинамиз қийналмай юрадиган даражада. Ўш худудининг Тўлайкен қишлоғи томон борар эканмиз, тоғ ёнбағри бўлмиш бу ерларнинг рельефи-ю, сақланган қадимиий ландшафти дикқатимизни тортади — шундоққина қадимиий кўринишини сақлаган.

Ниҳоят йўл бизни Тўлейкен қишлоғига олиб кирди. Ушбу тоғли қишлоқнинг табиий кўриниши ҳам кишини мафтун қиласи: қадимий ўрмон-бутазорларни эслатадиган манзаралар ҳамон сақланган. Тўлейкенни оралаб Ўшга кириб бордик ва ҳозирги Андижон йўли билан қайтиб Хўжаободга келдик.


«Хон йўли» Аравонсой ёқасидан чапга — шарқ томонга бурилгач, Ўшга кириб боргунча Чилдухтарон тоғ қоялари ёқалаб кетган. Тоғ билан йўл ўртаси гоҳо 100 метр, гоҳида эса 20 метрни ташкил қиласи. Ёз ойлари бу ерларнинг об-ҳавоси гўзал, сокин, шабада, бутазор, дараҳтзорларга ҳамон бой. Шуларга қараб бу жойларнинг Бобур замонасидаги кўринишини фақат тасаввур қилиш мумкин. («Хон йўли» сафаримизда бизга ҳамроҳлик қилган Дилкушодлик тарих ўқитувчиси Т. Эҳсоновга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.)

Ҳозирги Андижон—Ўш йўли, Россия босиб олгач, Ўш ва Андижон уездлари ташкил қилиниб, Андижон гарнizonидан янги чақирилган почта йўли экани ўлкамиз тарихидан маълумдир. Бироқ, қадимий шаҳарлар, жумладан Андижон, Ўш трассасидаги азалий йўл ҳозирда кўпчиликка номаълум. «Бобурнома»да ёзилишича, Андижон қалъасининг бош дарвозаси жанубий Хокан дарвозасидир. Фарғона мулкининг пойтахти Андижонга Жанубдан ўтган асосий савдо йўли қалъанинг Хокан дарвозаси орқали кирган. (Аҳси йўлига эса шимолдаги «Мирзо» дарвозасидан чиқиб кетиларди.) Биз шунга аминмизки, Хўжанд—Конибодом, Кубо—Ўш—Ўзганни бирлаштирувчи жуда қадимий карвон йўли жанубда бўлгани учун ҳам пойтахт Андижоннинг бош дарвозаси жанубга — ҳозирги Хокан томонга қурилган. Дарвозадан чиқилгач, катта йўлга, яъни юқорида санаб ўтилган шаҳарларга олиб борувчи магистрал «Хон йўли»га чиқилган.

Бобур Самарқанддан Усрушона ва Хўжанд орқали Андижонга келар экан, ўша йўлдан юрган, шунингдек, Андижондан Ўшига борар экан, ўша йўлнинг биз ўргангандан тарафидан — «Хон йўли»дан юриб борган. Текширишимиз шуни кўрсатдики, «Хон йўли» орқали Андижон—Ўш масофаси ҳозирги йўлдан З километрга яқин экан. Қадимда пиёда юрилгандан бу назарга олинадиган масофадир.



Тожмаңал. Бобурийлар сулоласидан қолган  
ажойиб ёдгорлик.



Андижондаги Бобур ҳаёти билан  
боғлиқ ҳар бир гүшата ана шундай ёд-  
горликлар ўрнатилган



Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлаш комиссиясининг йигилиши.



Профессор Сайфиддин Жалилов  
шогирдлари билан.



Андижонда Бобур кунлари: (чапдан ўнгга) Хайриддин Султонов, Сайфиддин Жалилов, Эркин Аъзамов, Бегали Қосимов, Исмоил Тўлак, Наим Каримов, Назирхон Саидов, Пиримқул Қодиров, Қамчибек Кенж ва бошқалар.



Экспедиция аъзолари Афғонистонда.



Лоткон тепага чиқиш йўли.

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)



Арк девори қолдиқлари.

Бизнинг текширишларимиздан амалий таклиф келиб чиқади: ҳозир мамлакатимизда фақатгина маданият ва тарихий ёдгорликларгина эмас, балки тарихий худудлар, табиатнинг инсон тарихи билан боғлиқ ноёб кўринишларини ҳам ихотага олиб сақлаш масаласи кўтарилади.

Таклифимиз — қадимий «Хон йўли»нинг икки томонга маҳсус кўрсаткичлар ўрнатиб, унинг узоқ тарихимиздан гувоҳлик берувчи табиий ёдгорлик эканини таъкидлайдиган маҳсус лавҳа — ёзувлар ўрнатилиши лозим, токи ўлкамиз тарихининг тилсиз гувоҳлари бўлмиш бундай табиий жойлар ҳам ёдгорлик сифатида авлодлар ёдида сақлансин.

## ЛОТКАН – ДИЛКУШОД ҚИШЛОГИ ҲАҚИДА

*«Ул охшом Дотканд кентга тушулди»*  
*(«Бобурнома», 70-бет)*

Хўжаобод туманидаги ҳозирги Дўстлик номли жамоа хўжалиги жойлашган Дилкушод қишлогининг тоғ томонида «Лоткан тепа» номли археологик ёдгорлик бор. У XV асрда маълум бўлган гавжум қишлоқ-кўрғонларидан бирининг вайронасидир. Қишлоқ номининг Бобурномада тилга олинганига сабаб нима эди?

1499 йили баҳорида Бобур сиёсий алғов-далғовлардан энди тинчигандек бўлганида ўзининг яқин қишиларидан бўлмиш йирик амалдор Аҳмад Танбал Андижон таҳтини Бобурнинг ўтай укаси Жаҳонгир Мирзога олиб бериб, ўзи ҳукумат бошлиғи бўлиш мақсадида Бобурга қарши иссан кўтаради, Ўзганни талаб Ўшга томон юриш қиласи. Унингсиз ҳам сиёсий тифиз вақтдаги бу ички балодан ғоятда хафа бўлган Бобур уларни таъқиб қилиб, катта қўшин билан Танбал кетидан Ўшга юриш қиласи. Бобурнинг ёзишича, қўшин Ўшга «яқинлашгандан ғанимлар Ўш атрофидан жилиб «Работи сарҳанг» урчинига чекинишган. Ўша куни Бобур ўз қўшини билан «Лотканд» қишлоғида чодир қурган. Ҳозир ҳам агар «Лоткан» тепалигига чиқиб қарасангиз, атрофи ҳарбий лагер учун жуда ҳам қулай бўлган ёнбағир — яйлов қўзга ташланади: тепалик рўпараси — жануб

томон кенг майдон, майдон этаги Чилдухтарон төф чўққиларига туташган, майдоннинг чап томони төғнинг «Хон супа» (ёки «Султон супа») номли баланд чўққиси билан ўралиб туради. Майдон шунчалик кенгки, бу ерда ҳар қанча қўшин турли машқ ўтказиши мумкин. Дарҳақиқат, Бобурномада ёзилишича, Бобур бу ерда ўз қўшинининг ўнг ва чап қанотларини (буронғор ва жувонғор), марказ ва авангардини (гул ва хировул), отлиқ ва пиёдаларни жанговор тартибга келтирган.

Бу атрофларни яхши маҳаллий ўлкашунос Т.Эҳсонов тўплаган Дилкушодли қариялар хотирасига қараганда Бобур ва унинг қўмондонлари баланд чўққига чиққанлар ва атрофни кузатганилар. Шунинг учун ҳам у чўққи «Хон супа» номида аталиб кетган. Анча қийинчилик билан биз ҳам чўққига чиқиб атрофни кузатдик.

«Хон супа»нинг устидаги 4x2 м майдон чиндан ҳам супадек теп-текис тош. Қишлоқ эса, шундоққина биз ўрганган «Хон йўли»нинг устида жойлашган.

Бобур «Кент» деб тилга олган Доткан қишлоғи XVII аср ўрталарида юз берган зилзилада вайрон бўлган (ушбу зилзила Ҳакимхон Тўранинг «Мунтаҳаб ат-таворих» асарида баён қилинган). Келгусида бу ерда археологик текширишлар ўтказиш талаб қилинади.

Кейинча пастроқда ҳозирги Дилкушод қишлоғи пайдо бўлиб ҳаёт сўнгтан «Лоткан» ўрнида янги қишлоқ ободонлашиб борган.

Бу ерда ҳамон авлоддан-авлодга ўтиб бизгача етиб келган ҳалқ хотираси Дилкушод қишлоғи тарихини ҳам Бобур даврига боғлайди. Айтишларича, Бобур қўшинлари «Лоткан»да эканида бу ернинг төф об-ҳавоси ва кўклам баҳори-ю, ёзи унга ва аёнларига маъкул бўлиб қолган ва бу ерда боғ яратиш орзуси билан махсус киши тайинлаб кетган. Тарихдан маълумки, машҳур Амир Темур Самарқанд атрофида қатор боғлар яратиб, улардан бири «боғи дилкушо» (кўнгил очадиган боғ) деб аталган. Шунингдек, Бобур ҳам бобоси каби Афғонистонда ва Ҳиндистонда кўплаб боғлар яратгани маълум.

Албатта Дилкушод қишлоғининг тарихини (умуман тарихни) манбасиз, фақат ҳалқ хотирасига суюниб ўрганиб бўлмайди. Лекин шуниси қизиқки, Дилкушод

аҳолиси ўзларини эски атамалардан «хўжалар» деб юритади. Шажара тарихини Бобур устози Хўжақози (П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида Хўжа Абдулла) номи билан боғлашади. Ўлкашуносликдаги вазифалардан яна бири — Бобурнома асосида Андижон атроф қишлоқлар, жумладан «Лоткан» тарихини ҳам ёритишдан иборат.

Шу нарса шубҳасизки, агар Бобурга бу ерда узокроқ туриш насиб этганида, Ўш ҳавосига таъриф бергандек, бу ернинг табиити ҳақида ҳам «Бобурнома»да алоҳида саҳифа бўлиши шубҳасиз эди. Зоро, бу ерларнинг табиий шароити ва салқин ҳавоси ҳозир ҳам мақтовга сазовордир.

Бизгача сақланиб қолган «Лоткан» тепалигининг айланаси 160 метр, баландлиги 49 метрга тенг бўлиб, шарқдан гарбга томон чўзилгандир, умумий майдони ўртacha 600—650 квадрат метрни ташкил қиласди. Тепалик ёнида ёзлик болалар оромгоҳи очилган. 1972 йил ўрталарида ҳозирги «Лоткан» номли бетонли тарнов ариғи ўтказиш вақтида кўплаб сопол идишлар чиққан, бир идишда эса, минглаб эски тангалар топилган (тангалар музейга топширилган). Хўжаобод туман раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши билан Бобурнинг 510 йиллик юбилейига бағишлиб Бобур қадамжойи сифатида бу ерда мармар тошдан ёдгорлик лавҳа ўрнатилган.

Шундай қилиб, «Бобурнома» ўлкамиз, юртимиз тарихининг тилга олинмаган саҳифаларини ўрганиш борасида ҳам биз учун ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган ноёб манбадир. Биз бу ерда ҳозирча фақат Андижон ва унинг атроф мавзелари тарихини ўрганиш учун қилинган айрим ишлардан баҳс юритдик, холос.

Галдаги вазифа — бутун Фарғона водийси бўйлаб «Бобурнома»да тилга олинган қишлоқ ва мавзеларни аниқлаб, уларнинг ҳозирги номларини тарихий номлар билан топонимик тадқиқотлар ҳам олиб боришдан иборатдир. Бу — тарихий ўлкашунослик бўйича қилинадиган айни муҳим ишлардандир.

## ЎРТА АСР ШАРҚИНИНГ ҲЕРОДОТИ

Асримизнинг буюк кишиларидан атоқли давлат арбоби, Ҳиндистон Бош вазири, марҳум Жавоҳарлаъл Неру ватандошимиз Заҳириддин Мұхаммад Бобур ҳақида яна шундай деб ёзганди: «Бобур дилбар шахс, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни сенар эди...»

Кейинги йилларда диёримизда ҳамда жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида Бобурнинг мураккаб шахси ва ижодий мероси устида олиб борилган илмий тадқиқотлар кўлами кенгайиб, натижада шу нарса равшанлашдики, андижонлик Бобур ўрта аср Шарқида энг атоқли маданий ва сиёсий арбоблардан бири, шунингдек у ажойиб тарихчи, забардаст шоир, синчков табиатшунос олим, сайёҳ-географ, истеъодли саркарда, машшиоқ ва тилшунос, миришкор боғбон ва ҳатто соҳибкор, ирригатор ҳамдир.

Бобур шахси ва фаолиятининг ҳар бир қирраси чуқур илмий тадқиқот учун муҳим мавзу бўлади. Бобур мамлакатларимиз, ҳалқларимиз ўртасидаги буюк дўстликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган шахс сифатида тарихда ўчмас ном қолдирди. Чунончи, Калькутта дорилфунунининг профессорлари Синча ва Банерхийлар ўз асарида Бобур Ҳиндистон билан Ўрта Осиёнинг бир-бирига боғловчи шахс эди, деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, ватандошимиз икки мамлакат ўртасида Мустақилликка қадам қўйган давримизда ривожланиб бораётган дўстона муносабатларнинг илк куртак отишида катта улуш қўшган, десак хато бўлмаса керак. Жаҳонгашта сайёҳ олим, марҳум профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг айтишича, Ҳиндистоннинг Жайпур вилоятида деярли беш юз йилдан буён «Жалолхон» номли оғзаки достон ҳалқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юаркан. Унинг мазмунига кўра, Жалолхон исмли бир ўзбек йигити ёшлигига Ҳиндистонга келиб қолиб, шу ерда ўсиб улғайган ва Бубна номли ҳинд қизини севиб қолган. Уларнинг бокира муҳаббати қиссасини тўйларда, хонадонларда қўшиқ қилиб куйлашар экан. Ўзбек йигити ва ҳинд қизи ҳақидаги бу достон икки ҳалқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг ёрқин тимсоли эмасми?!

«Бобурнома»ни синчковлик билан ўқиган ҳар бир киши Бобурнинг ўз юрти, элига нақадар муҳаббати ортиқ эканини сезади. Масалан, Бобурномани қайтакайта ўқиб, гоҳида ўйлаб қоламан: замонамизнинг биронта раҳбар кишиси ёки зиёлиси ишдан қайтгач кўлига қалам-дафтар олиб масалан: «Тошкент шаҳри ўртаси «Ўрда» — деб аталади, катта анҳор оқиб ўтади» — деб, ёки «шаҳарнинг эски қисми «Чорсу» деб аталади» — деганга ўхшаган гапларни ёзив қўйяптими? Ўйлаб қаралганда булар оддий гапдек туюлади. Лекин 500 йилдан кейинни, аминманки, ҳеч ким ўйламайди. Бобур эса ўйлаган. Акс ҳолда «Андижон руди Ўшдин оқиб келур, ҳар икки жониби боғот тушибтур» деб ва шунга ўхашаш, ўз даврида қаламга олишга арзимас кўринган оддий гапларни ёзмаган бўлар эди. Қарабисизки, Бобур ёзганлари энг қимматбаҳо манба бўлиб турибди.

Бобур чекка-жанубдаги темурийлар мулкидан бўлмиш Кобул вилоятини эгаллайди. Аммо четдан турриб бўлса ҳам Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳаракатини диққат билан кузатиб туради. Унинг подшолик мақсади — қулай фурсат бўлиши биланоқ Ватанга қайтиб келиш ва ота мерос Фарғонанинг мустақиллигини тиклаш эди. Аммо Бобурномани ўқиган киши уни подшоҳ ёзганига ҳайрон қолади. Кобулнинг туманлари, халқи, урф-одатлари, ҳайвоноти-ю, ўсимлик дунёси ҳақида Бобурномадан бошқа бирон манбада бунчалик ишончли маълумотни тадқиқотчилар топмайди. У «Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас» ёки «...қурғовули беҳад семиз бўлур», деб ёзмаса Андижоннинг 500 йил илгариги табиатини тасаввур қилолмаймиз. Аммо, шу билан бирга ўз руҳий кайфиятини ҳам изҳор қилишни унутмайди:

*Толеъ йўқки жонимға балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники, айладим — ҳатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди, —*

деганини ўқиб, Бобурнинг ўз тақдиридан рози бўлмаган подшолитини ҳам эсга оламиз.

Бобурни тарихчи Ҳеродотга таққослашни давом эттирамиз. Ҳеродотда шундай бир ҳикоят бор: эмишки, Миср фирмъавнининг кўзи ожиз бўлиб қолганида табиблар эркак билан никоҳсиз алоқа қилмаган аёлнинг пешоби билан кўзини ювишни тавсия қилганлар. Фиръавн буйруғига биноан мамлакат аёллари сўроқ қилинганида, кўпчилик аёлларнинг никоҳсиз оила қургани маълум бўлган. Фиръавн буйруғи билан бундай нопок аёлларни шаҳар ташқарисига тўплаб ўт қўйиб юборгандар. Бу ҳикоянинг, албатта, таълимий аҳамияти бор. «Бобурнома»да шундай сатрлар, таълимий ҳикоялар борки, муаллифнинг тарихга, айрим халқлар одатларига бўлган меҳр-муҳаббатига ўқувчидаги нисбатан ғоятда чуқур ихлос ва ҳурмат ҳисларини уйғотади.

Бобур Ҳиндистондаги барча майдага ҳоким-рожаларни ягона давлатга бирлаштиради. Жавоҳарларъи Неру «Жаҳон тарихига назар» («Взгляд на всемирную историю») номли машхур асарида Ҳиндистон тарихининг XVI асрда кечган воқеаларини сарҳисоб қиласар экан, Бобур ва бобурийларга алоҳида баҳо беради. Нерунинг ёзишича, бу давр Буюк мўгуллар империясининг довруғи бутун Оврупода тарқалган қудрат ва шон-шуҳрат даври эди. Бобур ўзигача ўтган ҳокимларнинг энг маърифатпарвари ва энг дилбаридир. «Италияда ва умуман Оврупода Уйғониш даврида адабиётни ва санъатни севган «авантюрист подшолар» кўп ўтган — деб ёзади Ж.Неру. — Аммо улар принципсиз, иғвога майли бор ҳукмронлар эди, душманларига қарши курашда заҳар солинган қадақ ва ханжар ишлатувчи мустабидлар эди. Рицар табиатли Бобурни бу ҳокимчалар султонлар қаторига қўшиш ҳақиқатга зид бўлур эди». («Взгляд на всемирную историю», М., 1976, 36-бет.) Нерунинг бу гапларида Бобур тарихчи сифатида ҳинд халқи тарихига, унинг бой урф-одатига ўта ҳурмат билан қарагани назарда тутилган.

Нерунинг юқоридаги фикрини тасдиқловчи қўйидаги далил дикқатга сазовордир: 1973 йили Андижонни зиёрат қилиш учун келган ҳинд меҳмонининг бизга айтишича, Гужарат штатидаги дорилфу-

нун тарихчилари Бобурнинг ҳиндистонликларнинг ирқи ва диний мазҳабидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқда эгалигини тасдиқловчи фармонини топишган. Ушбу фармонга кўра, Бобур подшоҳ мусулмон бўлмаган ҳалқлардан ундирадиган анъанавий жузъя солиғини бекор қилдирган.

«Бобур, — деб давом этади Неру, — гулни, боғларни жуда севарди, жазирама Ҳиндистонда тез-тез ўз Ватанини ўйларди.»

Мана, бизнинг қўлимизда жуда кенг маълумотли ҳинд олими М. Рандҳаванинг инглизчадан таржима қилинган Жаҳон боғлари ҳақидаги ажойиб асари (Сады через века, М., 1982). Китобда Ҳиндистонда барпо этилган Бобур боғларининг тафсири берилган. Агар бу йилларнинг Бобур ҳаётидаги сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан нақадар танг йиллар эканлигини назарга олсанк, унинг ота табиатга муҳаббатидан ҳайратга тушибай иложимиз йўқ. Худди шундай мисолларни Ҳеродотда ҳам учратиш мумкин.

Тарихда ўтган истилочилар бирон вилоят, мамлакатни эгалласалар, қаршилик кўрсаттан аҳолини қириб, жойларини вайрон қилганликлари деярли барча тарихий манбаларда баён этилган. Масалан, римликлар буюк Карфаген шаҳрини эгаллаб, омоч билан ҳайдаб, аҳолини қул қилиб сотганлар. Бундай воқеалардан ҳам Ҳеродот кўп мисоллар келтиради. Бобур эса, бундай йўлдан бормади — вайронгарчилик қилмади ва унга йўл қўймади. Бу ҳақда ҳам «Бобурнома»дан кўплаб мисоллар топиш мумкин. У 1526 йил апрелидаги машҳур Панипат жангиде Деҳли Султони Иброҳим Лўдий устидан ғалаба қилгач, ўтган буюк жаҳонгирлар одатидан воз кечиб, шаҳарда бу тарихий ғалаба шаънига катта боғ қуришни буюрди. Буни қарангки, боғ битгунча ўзи ҳам Панипатдан кетмади ва янги биринчилардан бўлиб ўзи истироҳат қилиб, сўнг пойтахт томон жўнади. Биз Бобур номли ҳалқаро жамғарма ўюштирган илмий экспедициямиз чоғида Ҳиндистонда бўлиб Панипат шаҳридаги ушбу боғни зиёрат қилдик. Боқقا кириш дарвозаси ёнига: «Панипат жангига Ҳиндистон тарихида буюк бурилиш ясади».

деган мазмунда ҳинд ва инглиз тилларида ёзув — панно ўрнатилган.

Бобурнинг ғалаба шаънига боғ яратиш одати кечган воқеаларнинг тарихий моҳиятини тушунгтанидан эди. Бу ҳақда «Бобурнома»да ёрқин саҳифалар бор. Бу боғларнинг барчаси Бобурдан тарихий ёдгорлик бўлиб, ҳамон сақланади ва унинг улуғ тарихнавис шахс эканига ишора қиласди. Биз сафар чоғида бу боғларнинг баъзиларини зиёрат қиласар эканмиз, Бобурнинг узоқни мўлжаллаб иш тутган ва Ҳеродот каби вақеанавис бўлганига яна бир марта шоҳид бўлдик.

Заҳиридин Муҳаммад Бобур қолдирган тарихий ва адабий мерос мавзуи жиҳатидан фавқулодда сермазмун ва илмий аҳамияти жиҳатидан жуда қимматли ёдгорликлардир. Ундан ўнга яқин йирик асарлар қолди. Улар ичida, шубҳасиз, биринчи ўринда машҳур «Бобурнома» туради. Муаллифи ушбу асарида давлат арбоби ва тарихчи, ажойиб шоир ва ҳарбий саркарда, географик олим ва овчи сифатида гавдаланади. Эски ўзбек тилида ёзилган ушбу асар моҳияти ва мундарижаси жиҳатидан Ҳеродот асари каби ўзига хос бир инсоний ҳужжатдир. Бундан ташқари, «Бобурнома», таъкидланганидек, муаллифининг ўзи иштирок қилган, ёки эшитган тарихий воқеаларни ўта ҳалоллик билан акс эттирувчи бебаҳо йилнома ҳамдир. Бобурни эса худди мана шу сифати жиҳатидан жаҳонда «тарих отаси» ҳисобланмиш Ҳеродотга қиёслагимиз келади.

Бобур ўз бошидан кечирган воқеаларнинг тарихийлигини ҳис қилиши унинг асарида алоҳида сезилиб туради. У Фарғонадан чиқиб кетаётib, Ўратепа, Ҳисор, Қундуз томонларда тоғ оралаб юрган йўлларида тошларга Шайх Саъдийдан ўз ҳис-туйғуларини ифода қилувчи шеърий лавҳалар ёзив қолдирди. Булар ёдгорлик сифатида ўрганилмоқда.

Ундан ташқари, тарихнавис Бобурдан ёдгорлик тарзида шеърлар тўплами ҳам қолган. Тўпламда 121 тағазал, 200 дан ортиқ рубоий ва маснавийлар бор. Бобур ғазаллари шундан далолат берадики, тарих ёзишда Ҳеродот қаторида турса, ғазалнависликда ўз даврининг

**Навоийси қаторида туралиган атоқли лирик шоир бўлган.**

Унинг «Мубаййин» номли бошқа бир асари ҳам шеърий шаклда ёзилган ва иқтисодий-ижтимоий тартиб қоидаларга багишиланган бўлиб, у ҳам ўзига хос қимматли тарихий асардир.

Бобурнинг «Мухтасар» номли яна бир асари ўзбек ва бошқа туркий халқларнинг шеърият назарияси ҳамда тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласади.

Булардан ташқари, унинг давлатни идора қилишга, ҳарбий санъатга, мусиқа илмига багишиланган асарлари ҳам борки, уларнинг айримларини излаб топиш ва илмий ўрганиш бобуршуносликнинг келажакдаги вазифаларидандир.

Иншооллоҳ, Бобур Мирзо меросини ўрганиш ва унинг табаррук хотираси олдида чинакамига таъзим бажо келтириш ҳали олдинда.

---

---

## ТУШДАГИ БАШОРАТЛАР

«Бобурнома»ни бу сафар ўқиганимда, айрим тарихий воқеалар муносабати билан Бобурнинг кўрган тушлари менинг диққатимни ўзига тортди.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур қалби ўта пок, яратган Аллоҳ таолога ва унинг Расулига зътиқоди ба-ланд, шу билан бирга ўз нияти йўлида сабр-тоқатли уламолар, фозил кишиларга нисбатан ҳурмати ўта самимий ва шу билан бирга олий ҳимматли сахий шахс эди. Бундай қалби пок инсонларнинг бошлаган хайрли ишларига йўл-йўриқлар ва уларнинг оқибати аксар ҳолларда тушларидага аён бўлгани ҳақида ўтмишда мисоллар кўп учрайди. «Бобурнома»да муаллиф аламли ўтган айрим ҳаёти тафсилотларини баён қилас экан, икки ҳолатда кўрган кароматли иккита ажойиб тушини ҳам қаламга олиб ўтади.

Бу воқеа рўй берган кунлар Бобур Шаҳрисабз томонда сафарда эди. У Ҳисор томонга йўл олар экан, хаёли Самарқандда эди. Қандай қилиб бўлмасин катта бобоси пойтахтини эгаллаш, бу илм-фан ва маданият масканини нопоклар қўлида қолдирмаслик фикри унинг хаёлини чулғаб олган эди.

1500 йилнинг кеч кузи эди. Кунлардан бирида Бобур ўз беклари билан машварат ўтказиб, ўртага ушбу саволни ташлайди: «Тангри рост келтирса, Самарқандни қачон олтайбиз?» Саволга бирор: «Баҳорда олгайсиз», — деб, яна бирор 30—40 кунда, деб жавоб беради. Бекларидан Нўён Кўкалдош эса: «Ўн тўрт кунда олурмиз», — деб жавоб беради. Самарқанд хаёлида юрган Бобурга бу бекнинг таваккал айтган гапи маъқул келади. Шу куни хуфтон намозидан сўнг уйқуга кетган Бобур тунда ажойиб бир туш кўрганини ёзадики, бу сирли туш тафсилоти қуйидагича: Тушига отасининг пири устози Ҳожа Убайдулло Аҳорни кўради. Ҳожа Убайдулло Бобур томон келаётганмиш, Бобур дарҳол истиқболига чиқиб, ҳазратни ҳурмат билан кутиб олади. Меҳмон-

хонада бирга ўлтиришгач, юзга фотиха тортилади. Аммо ўртага дастурхон ёзилганда, Бобурга дастурхоннинг шоҳона-арзигулик эмаслиги маълум бўлиб, у ижирғанади. Буни фаҳмлаган Хожа Аҳрор ҳам Бобурга бир оз норози бўлгандек қарайди. Бекларидан Мулло Бобо дегани бу нокулай ҳолатни сезиб, Бобурга қарайди. Бобур ҳам: «Дастурхон солган одам бепарволик қилибди», деган маънода унга қараб хижолат чекали. Хожа Аҳрор унинг ҳолатини дарҳол тушуниб, нимагадир ишора қиласиди ва ўрнидан туриб кетаётганида, пирини кузатиш учун уйдан даҳлизга чиққан Бобурнинг қўлидан ушлаб шундай кўтарадики, унинг бу оёғи ердан кўтарилади. Сўнг Хожа Аҳрор туркий тилда: «Шайх маслаҳат берди», — дейди. Бобур уйғониб, бу ажойиб тушдан ҳайрон бўлади. Ахир, Хожа Аҳрордек улуғ Шайх уни қўлидан кўтарса-я! Ўша кундан бошлаб Бобур Самарқандга ҳужумга тайёрланади. Буни қарангки, ролла-роса 14 кун деганда шаҳарни эгаллайди.

Ушбу тушдан кейин Бобур кучган зафарни ўйлаб хаёлга чўмаман. Бу нима, башоратми, мўъжизами ёки тасодифми? Ахир Бобур қўшинлари Самарқанд қалъасида турган ганим кучларидан деярли уч баробар оз эди-ку! Йўқ, бу тасодиф эмас. Менимча, бу — хожадек инсон улуғ руҳининг Бобурдек ҳаққоният учун курашаётган қалби пок кишига кўрсатган меҳрибончилиги, маънавий мадади эди. Бу — Бобур эътиқодининг мустаҳкамлигига ҳам ишора эди. Ҳа, Аллоҳнинг марҳамати билан улуғлар мадад қилса, подшоҳларнинг кўп мушкуллари осон бўлганига тарихда мисоллар кўп.

Бобурнинг иккинчи кўрган туши ундан ҳам ажойибдир. Туши олдидан кечган воқеалар тафсилоти билан танишиб, унга «Бечора Бобур» деб раҳмингиз келади.

Бу воқеа биринчисидан икки йил ўтгач юз беради. Бобур иккинчи марта Самарқандни ташлаб чиққанда, она шаҳри, пойтахт Андижон сотқин ва нопок Султон Аҳмад Танбал қўлида эди. Бобур ёрдам сўраб Тошкентга — катта тоғаси Султон Маҳмудхон олдига боради. Тоға-жиян ўзаро иттифоқ тузиб, Сирдарёнинг жануб томонини Андижон билан бирга Бобурга беришга аҳд қилишади ва биргалашиб

Фарғонага юриш бошлишади. Оҳангарон томондан довон ошиб Фарғона водийсига ўтгач, Бобурга аввал Аҳсини эгаллашни, сўнгра Андижонга юришни маслаҳат берадилар. Аҳсида эса, Аҳмад Танбалнинг укаси Шайх Боязид ҳоким эди. Бобур қўшинлари оз бўлишига қарамай (200 тача киши) ўн баробар кўп ғаним аскарларига қарши Аҳси кўчаларида шиддатли жант олиб боришади. Кучлар тент бўлмаган бу жангда, афсуски, Бобур енгилади ва 30 тача содик одами билан шимол ва гарб томонга чекинади. Орқадан келаётган душман одамлари жангдан чарчаган Бобур одамларини таъқиб қилиб қувади ва етиб бориб битта-битта кўлга туширади. Охирида Бобур 8 та одами билан, сўнгра эса ўзи якка қолади. Орқадан келаётган ғанимнинг қичқириб: «Аҳмад Танбалга таслим бўлинг, у сизга Андижонни беради», деган таплари эшитилар эди. Аммо бу гаплар билан уни алдамоқчи ва шу билан кўлга олмоқчи эканларини Бобур биларди. «Бобурнома»да бу воқеалар ниҳоятда афсус ва алам билан ёэилган: «Менга ғарип ҳолати бўлди, — деб ёзди Бобур, — мен ёлғиз қолдим, ... бир хаёл қилдимким, от хорибтун ва тоғ ҳам йироқ, қаён борай... Яна хотирга еттиким, шояд тоққа етиша олгайман». Кўринадики, Бобур таслим бўлмасдан бир амаллаб тоққа етиб яширинишга аҳд қиласди. Чарчаб ҳориган, отсиз, ялангоёқ пиёда юради: «...Зарби пойимга хейли зътимодим бор эди. Бу хаёл била юрий бердим».

Бобурни таъқиб қилиб келаётган икки киши ёлғондан қасам ичиб, унга «содиклиги»ни билдириб қичқиришади. Буларнинг бири бобо Сайрамий, иккинчиси Банда Али деганлари бўлиб, ниятлари бузук кишилар эди. Зукко Бобур буни фаҳмлайди. Аммо билинтирмай, асосий мақсад — катта йўлга чиқиб олиб, сўнг тоғ томонга юриш учун тун қоронғисида уларни олдинга ўтказиб юборади ва кетидан юради. Ҳалиги нияти бузук икки киши Бобурни ушлаб олиб, Карнон деган қишлоқ четидаги ёлғиз бир боққа олиб киришиб яширишади. Қиши кунлари эди, ҳаво ўта совуқ. Бобурга қаердандир бир коса тариқ шавла ва бир эски пўстин келтириб беришади. Эртасига чоштоҳда Юсуф доруга деган шахс Аҳсидан келиб, Аҳси ҳокими Шайх Боязидбек Бобурни олиб

келишни буюрганини, ундан кечирим сўрагандек бир ҳолда тиз чўкиб айтади. Бу ҳам унга қўйилган тузоқ эди. Демак, масала ҳал: Бобур тузоқда. У тақдирга тан бериб ёзали: «Дедимким, киши агар юз, агар минг (йил) яшаса ҳам охир ўлмак керак. Ўзимни ўлимга қарор бердим» (ўша жойда). Боғдаги ариқчага бориб таҳорат қиласи ва икки ракат намоз ўқиди. Сўнг бошини аста ёстиқча қўйиб, ўлим олдидан дуолар ўқийди-да, ҳаётининг сўнгги дамларини кута бошлияди.

Бобур асабларининг мустаҳкамлигиданми, тақдир ўйинини хотиржамлик билан қабул қилиб, шу ҳолда қўзи бир неча дақиқа уйқуга кетади. Ана ўшанда қуйидаги иккинчи кароматли тушни кўради: Тушида ҳазрати Ҳожа Аҳоронинг набираси Ҳожа Яъқуб бир навкар отда Бобурнинг олдига келади. Үнинг орқасида ўшандай навкар от минган кўпгина одамлар турган эмиш. Шунда Ҳожа Яъқуб Бобурга қараб лейди: «Фам емангиз, Ҳожа Аҳорон мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларга истиснот тегуруб (унга Яратгандан ёрдам сўраб — С.Ж.) подшоҳлик маснадига ўлтургузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни на зарига келтириб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳолу ушбу соат фатҳ ва нусрат (яъни ғалаба ва ютуқ — С.Ж.) сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг». (Бобурнома, 100-бет.)

Ажабо! Бу қандай каромат! Бобур хурсандчилигидан хушёр тортиб кўзини очса, не қулоқ билан эшитсинки, ўзларини «дўст» деб таништирган ва уни таъқиб қилиб юрган Банда Али ва Бобо Сайрамий Юсуф доруға иштирокида «бир баҳона билан Бобурни ушлаб, боғлаб олиш» маслаҳатини қилаётган эканлар. Бобур уларнинг сўзини эшитиб: «Ҳали сизлар шундай маслаҳатдамисиз. Аммо кўрайниким, қайсингиз менинг қошимга кела олурсиз?» деб ҳамлага тайёrlанади. Шу заҳоти боғ девори ортидан от туёқларининг дупурлаган овози эшитилади. Юсуф доруға Аҳмад Танбал одамлари келди, деб хурсанд бўлади. Бироқ боғ деворини бузиб Бобурнинг энг содик навкарларидан Кутлӯғ Муҳаммад Барлос, Бобои Парғарий ва яна 15—20 та отлиқ боқقا боғтириб кирадилар ва отдан тушиб Бобур оёғига йиқиладилар. Бобурнинг ёзишича, гўё Аллоҳ унга янгидан ҳаёт ато

қилди. Дарҳол Юсуф доруға ва яна бу икки сотқин одамни (Бобур уларни «мардак» деб ёзади) тутиб боғлашни буоради. Ағсуски, иккитаси қочиб қолган эди. Ана, кароматли тушнинг таъбири.

Барчалари хотиржам бўлишгач, Бобур уларга курган тушини айтиб беради. Унинг бу ерда эканини қаёқдан билишганини сўраганда, Қутлуғ Муҳаммад Барлос ҳам Андижонда кароматли туш кўрганини айтади. Унинг туши ҳам қизиқ: (Бобур йигитлари Аҳсида енгилиб ундан ажралишиб қолган ва Андижонга келишган эди.) Қутлуғ Муҳаммад Барлос бир кеча тушида ҳазрат Ҳожа Аҳрорни кўрган. Ҳазрат: «Бобур подшоҳ Карнон деган кентдадур, бориб ани олиб келинг» деган. Эрталаб Қутлуғ Муҳаммад Барлос хурсанд бўлиб тушини Бобурнинг тоғаси Улуғ хонга айтган ва ундан Карнонга бориб Бобурни излаб топишга рухсат сўраган. Рухсат олиб, йигитлари билан бу томонга юришган ва, мана, бугун — уч кун деганда Бобурни топишган. Бу тушга нима дейсиз! Буларни ўйлар эканман, пок ниятли, аммо noctor қолган Бобурни эслаб кўзларимга беихтиёр ёш кела-ди.<sup>6</sup> Бобур уч кун овқат емаган эди. Қаердандир бир кўзичноқ келтиришиб уни овқатлантирадилар.

Сўнг ҳаммалари хурсанд бўлишиб, бирга Андижонга жўнайдилар. Андижонга келишгач, Бобур ўзининг кароматли тушларини, бўлиб ўтган воқеаларни тоғаларига куйиб-ёниб айтиб беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошдан кечирган муҳим воқеалар билан бир қаторда кўрган кароматли тушлари баёнини ҳам қаламта олиб ўтганининг сабаби ҳақида ўйлаганимизда икки жиҳатни таъкидлаб ўтмоқ лозим:

Биринчидан, Бобурнинг шахси масаласи. У амирзода, шоир, олим ва подшоҳ бўлиш билан бирга, эътиқоди мустаҳкам, комил мусулмон эди. У Ҳожа Аҳрор Валий ва унинг авлодларини улуғ пир деб билган ва улар руҳини ҳамиша ёдда тутиб, ҳадялар бериб юрган. Агар Шарқ тарихини ўзидан илгари ўтган бирон улуғ зотни ва унинг зурриётларини ўзла-

<sup>6</sup> Бобур юрган йўллар бўйлаб 1994 йили уюштирган экспедициямиз чоғида тарихий Карнон қишлоғида ҳам бўлдик. Қишлоқ ҳозирги Чуст шаҳридан 4 км ча шимолдада жойлашган. Қариялар билан сұхбатлашиб хотиралар ёзиб олдик.

рига «пир» деб билгани маълум бўлади. Қарияларимизнинг дуо-фотиҳаларида ҳалигача ҳам: «Пири устозлар мадал қилисин», деб қўл очишлари бежиз эмас.

Бу ерда масаланинг тарбиявий томони шундаки, ҳозирги ёшлиаримизни, борингки, барча муштарилаrimiz зътиборини ҳаётда пири устозли бўлишга қаратишдир. Тирик инсонки, яшар экан, кимдандир ниманидир ўрганиши, Оллоҳга етишган инсонларга зътиқод қилиши керак! Даҳрийлик замонини бошдан кечирган ҳамюртларимизга мен буни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Иккинчидан, Бобур ўз бошидан ўтган таҳликали воқеалар тафсилотига тўхталаар экан, менимча, унинг таълимий аҳамиятини тушунтиргиси келади. «Бобурнома» қайта-қайта ўқилганда, ундаги воқеалар юртимиз тарихи учун нақадар муҳимлиги таъкидланишидан ташқари, уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам ўқувчи дикқатини ўзига тортади. «Бобурнома» қанча кўп ўқилса шунча кўп лаззат беради.

## БОБУР – БИДЪАТ ДУШМАНИ

«Бобурнома» бадиий асарлар каби бир карра ўқиб чиқилгач, сўнг китоб жавонига тахлаб қўйиладиган асарлардан эмас. Ҳаёт зарурати, истиқдолимиз пойлеворини мустаҳкамлаш учун ҳаракат кетаётган ҳозирги онларда ҳам уни қунт билан мутолаа қилсангиз, худди хазинага тушгандек янги ғоя, замонавий мақсадларимизга ҳамоҳанг фикрлар топаверасиз, ҳар сафар ўқиганимизда бу ноёб асардан янги-янги маълумотлар билан бирга ўзгача завқу шавқ оламиз. Шунинг учун ҳам «Бобурнома» жаҳон ҳалқларининг турли тилларига таржима қилинди. ЮНЕСКО қарорига биноан француз ва рус тилларида қайтадан чоп этилди.

Мен «Бобурнома»ни неча марта ўқиб чиққанимни ҳисоблаган эмасман. Иқтидорли ёзувчимиз Хайриддин Султоновнинг «Нуқта» номли ҳикоясини ўқигач, яна «Бобурнома»ни кўлга олдим. Гарчи Бобурнинг ўзи дарбадарликда юрса ҳам ўз асарида сиёсий воқеалар орасида шаҳарлар таърифи, табиат гўзаллиги, ўлкаларнинг иқлими-ю, ҳайвонот дунёси, одамлар феъл-характери, айрим ҳалқларнинг урф-одатла-

рига ҳам таъриф берганига, улар ҳақида қизиқарли маълумотлар тўплашга подшоҳ ва саркарда бўлатуриб вақт топганига ҳайратда қоласан киши.

У табиат ҳақида завқланниб ёзар экан, бутун борлиқни ўз эътиқодига биноан Оллоҳ гўзаллиги зоҳирий кўриниши деб тушунарди. Хоҳ иқлим шароити, хоҳ ҳайвонот дунёси, ёки табиат манзараларини қаламга олар экан, уларни «руҳий дунёнинг инъикоси» деб билган. Бобур табиат манзараларидан ниҳоятда завқланади ва ҳодисаларга ўз муносабатини ҳам билдиради. Бобур ёшлигиданоқ шаҳзода сифатида номдор пир-устозлар тарбиясида ўстган. Қуръони Каримни ёд олган, беш вақт намоз-у рўза ва бошқа бандалик вазифаларини асло канда қилмаган. У диний таълимдан маҳсус дарслар олган, ёш бўлса ҳам ўз мавқеига биноан кўп олимлар суҳбатини олган. Шунинг учун диний қоида одатларнинг моҳиятини, суннату, фарз билан бидъатнинг фарқига борган ва уларни чуқур англаган.

Бобур бирон ҳалқ, элат ҳақида ёзар экан, уларнинг баъзи диққатга сазовор одатлари ҳақида ҳам эринмай тўхталади. Бобур қолдирган бу ёзувлар бизнинг давримизда этнографик маълумотлар сифатида фавқулодда аҳамиятта эгадир. Масалан, у Кобулга келганидан сўнг унинг вилоятлари, туманлари билан танишиб, уларнинг табиий шароити ва иқлими, уруғқабилалари ва одатлари тўғрисида ёзар экан, Кобул шарқидаги Ламғон вилоятининг Бажўр, Кунар ва Нургил номли тумани ҳақида алоҳида тўхталади ва аҳолисининг кишида таажжуб уйғотадиган бир одати тўғрисида маълумот беради. Бобурнинг ёзишича, унибу туманинг қишлоқларида аёл киши ўлса, уни ювиб-тараб тобутга соладилар-да, тўрт томонидан кўтариб қабристонга кетаётгандарни гўё қуйидаги ҳодиса рўй берармиш: агарда марҳума тириклигига гуноҳ ишлар қилган бўлса, тобут қимирлаб, кўтариб келаётгандарни ҳатто довдиратиб юборармиш. Бобур бу ҳангомани жуда кўп одамлардан эшишиб, таажжубга тушганини ёзади. Ҳатто Бажўр туманинг бошлиғи Ҳайдар Алининг онаси ўлганида: «Ҳозирча ҳеч ким йигламасин», — деган ва аза тутмасликни буюрган. У ҳалойиққа шундай деган: «Агар онам ётган тобут қимирлаб, кўтариб кетаётгандарни довди-

ратиб юборса, мен онам жасадини ҳиндлардек куйдириб юбораман». Бироқ йўлда тобут қимирламаган ва дафндан сўнг Ҳайдар Али йиғлаш ва аза очишни буюрган.

«Бобурнома» муаллифи халқларнинг бундай эътиқоди ва одатига таажжуб билдиради ва бунга «бидъат» деб қараб, бунинг бемаъни эканлигидан кулади ва истеҳзо билан ёзади.

Бобур Фазнага борганида яна бир ғаройиб ҳодиса ҳақида эшитади. Атрофдаги қишлоқлардан бирида бир улуғ зотнинг қабри борлиги, ёнига бориб салавот айтилаётганида қабр устидаги катта тошнинг гўё тебраниши ҳақида гапириб берадилар. Синчков Бобур ҳафсала қилиб, атайлаб ўша қишлоққа боради ва ушбу қабрни кўрсатишларини сўрайди. Қараса оддий қабр, устига катта яхлит тош ўрнатилган. Дарҳақиқат, мужовир (яъни шайх) қабр устига келиб салавот айтган чоғда қабр устидаги тош «тебранган». Бобур бу ҳолни ақлга сиғмайдиган ҳодиса деб билади ва қабрга яқинроқ қелиб, атрофни синчиклаб текширади.

Маълум бўладики, қабр устидаги катта тош юмалоқ ходачалар устига ўрнатилиб, тошда ҳалқа ҳам бор экан (юмалоқ ходачалар кўзга кўринмайди). Шайх қабр тошига яқин келиб салавот ўқиётган чоғида билинтирмай ҳалқани тортар экан, ўшандада ходачалар устига ўрнатилган қабр тоши қимирлайди. Атрофда тўпланган ихлосмандлар қабр тошининг «қимирлаши»дан ҳайрон қолади ва ихлос билан шайхга эҳсонлар беради. Бобур буни ўқувчига аниқ тушунтириш учун умрида биринчи марта кемага тушган одам сузаёттандада назарида кема эмас, балки қирғоқ ҳаракатга келаётгандек туюлишини мисол қилиб кўрсатади.

Бобур шайхга қабрдан узокроқда туриб салавот айтишни буюради. Подшо буйруғини бажармаслик оқибатидан кўрқсан шайх нарироқда туриб ҳар қанча салавот-дуо ўқимасин, қабр тоши қимирламайди. Маълум бўладики, бу — шайхларнинг соддадил, лекин ихлосманд одамларни алдаш учун қилган ҳийласи экан. Бобур қабр тошини олдириб устига сағана-гумбаз қуришни буюради ва ғаламис шайхларга алдаш билан шуғулланмасликлари, акс ҳолда жазоланишлари ҳақида фармон беради. Бу — подшо

**Бобурнинг эътиқоди нақадар мустаҳкамлигидан, ҳар қандай бидъатга қарши эканидан далолат эмасми?!**

Бобур ўта зийрак олим ва мулоҳазали шахс сифатида бундай ҳаётий масалага ўз муносабатини билдирган халқчил подшоҳ сифатида ном қолдириди. Аммо ундан кейин ўтган хонлар, амирлар юртимизда халқнинг яхши-ёмон одати билан қизиқмади. Натижала айрим, ҳатто заарарли урф-одатлар ҳам танқидсиз, ўзгармаган ҳолда ҳаётга томир отиб бизнинг кунларгача етиб келди.

Халқ анъаналарини, урф-одатларини ўрганиш, уни сарак-пучакка ажратиш ва миллий, халқона замонавий одатларни сақлаб қолиб турмушга татбиқ қилиш, заарлисидан воз кечиш каби хайрли ишларга мустақиллигимиз туфайли кенг йўл очилди. Яхши ва эзгу одатларни сақлаб, ўзидан яхши ном қолдиришни инсоннинг иккинчи умри деб таъкидлайди Бобур Мирзо. Аммо, шу билан бирга, у ҳар қандай бидъатнинг душмани, фарзу, суннат амалларининг эса тарғиботчиси эди.

## **ҲИНДИСТОНДАГИ ХАЗИНА**

**Заҳириддин Мұхаммад Бобур Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солди-ю, дастлабки амалга оширган ишлари исломий илм-мәърифат ривожига жиддий эътибор беришдан иборат бўлди. Бобур ва бобурийлар бир томондан кенг миқёслаги қурилиш ишларига эътибор берган бўлсалар, иккинчи томондан олим, шоир, мусаввир ва хаттотларни тўплаб ўз ҳомийлигига олди ва уларнинг ижодий фаолият кўрсатишлари учун қулай мухит ва моддий шароитлар яратиб бердилар. Бу ишлар сирасида кутубхоначилик ишлари ҳам муҳим ўрин эгаллар эди.**

Шуни алоҳида таъкид этмоқ лозимки, Бобур Андижонда — Фарғонада эканидаёқ маҳсус кутубхона ташкил қилишни орзу қилган. Буни энг ишончли инглиз тадқиқотчиси Вильям Эрскин ҳам таъкидлайди. Лекин унинг жанг жадаллар билан тўла ҳаёт ташвишлари бу эзгу орзунинг рӯёбга чиқишига ўз даврида имкон бермади. У бутун сафарлари давомида, жанг жадаллар вақтида ҳам кўплаб китобларни ўзи билан олиб юрган. Ниҳоят, Бобур Ҳиндистоннинг Амристар шаҳрига ке-

лиши биланоқ, вақтингча бўлса ҳам ҳаёт ташвишларидан бир оз нафасни рост slab, дастлабки кутубхона яратиш ишига киришди ва аҳолидан турли китоблар сотиб олишни ташкил қилди.

Хиндистон шаҳарлари бўйлаб маҳсус жарчилар орқали китоблар сотиб олиш ҳақида эълон қилди. Бобур амрига биноан, Амристарда кутубхона учун биринчи марта маҳсус бино қурилди. Шарқ тарихида ўша дамгача кутубхона учун бино қурилгани маълум эмас эди. Бобургача ўтган подшоҳлар ўз саройларида маълум хонани кутубхона учун мослаштирганлар, холос. Кейинча, Амристардан Дехлига кўчилгач, ушбу пойтахт шаҳарда ҳам кутубхона учун Бобур маҳсус иморат қурдирли. Бу янги бинода кутубхона ташкил қилиш ишларига кўплаб миқдорда олтин сарфланган ва бу ишларни ташкил қилишни севимли аҳлияларидан Навбаҳор бегимга топширган. Эрскин таъбирича, ушбу фозила аёлни жаҳондаги аёллардан чиққан дастлабки кутубхона мудири деб ҳисобламоқ керак. Зоро, ўша давргача гарчи кутубхоналар ташкил қилинган бўлса ҳам уларда биронта маҳсус мудирилик лавозими бўлмаган.

Бобурнинг Дехли ва Амристарда ташкил қилдирган кутубхонасида барча тўпланган китоблар илмий йўналиши ва тили жиҳатидан маҳсус жавонларга жойлаштирилган. Ҳар бир тилдаги китоблар ўз навбатида фанлар бўйича ажратилиб, маҳсус жойларга терилган. Вильям Эрскиннинг хабар беришича, кутубхонада катта бир рўйхат — дафтар бўлиб, жами китоблар унга алифбо тартибида қайд этилган. Ушбу рўйхат шундай тузилганки, маълум тилдаги ва фаннинг бирор соҳасига доир китобни тезлик билан толиш имконияти яратилган. Бундай тартиб Шарқнинг ўрта аср кутубхоначилиги тажрибасида янгилик эди.

Яна бир янгилик шундан иборат бўлдики, китоблар тили ва фан соҳаси бўйича жойлаштирилишидан ташқари яна энциклопедик жиҳатдан ҳам алоҳида рўйхат тузилган эди. Масалан, Искандар, ёки Буқрот (Гиппократ) номлари зикр қилинган китобларни излаган киши уни тезлик билан топа оладиган бўлган. Маълумотларга қараганда, бундай услуб баъзи марказий кутубхоналарда ҳанузгача ҳам қўлланилган эмас.

Деҳли кутубхонасида Бобур яратган янгиликлардан яна бири — маҳсус таржима бўлимининг ташкил қилингани эди. Хумоюн Мирзо давридан бошлаб илмий китоблар таржимасига катта эътибор берилди. Айниқса, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеблар даврида Бобур яратган кутубхонанинг таржима бўлими шундай кенгайдики, кўзга кўринган турли соҳа олимларидан мингга яқин киши маҳсус давлат топшириги бўйича илмий асарлар таржимаси билан шугулланган. Уларга муттасил равишда давлатдан маош тўлаб турилган. Кейинча, Деҳлида Бобур асос солған кутубхона «Ҳиндистон салтанати кутубхонаси» деб аталиб, дунёдаги энг йирик кутубхоналардан бири деб ҳисобланган.

Минг афсуски, бобурийлар сулоласининг ҳукмронлиги тугатилиб, Ҳиндистон Буюк Британия мустамлакасига айлангач, «Ҳиндистон салтанати кутубхонаси» талон-тарож қилинди, энг кўп қисми Лондонга ташиб кетилди.

Илгари Бобур кутубхонасида сақланган бир неча юз жилд китоб ҳозир Ҳиндистоннинг Патна шахридаги «Худобаҳш» номли хусусий кутубхонада сақланади. Бу ердаги ноёб китоблардан бири Ҳиндистонда ўтган машҳур ҳаттот Мир Али томонидан кўчирилган «Юсуф ва Зулайҳо» китоби бўлиб, унинг буғунги баҳоси 100 минг Англия фунт стерлингига тенгdir. Яна бир ноёб асар Шайх Муслиҳиддин Сайдийнинг машҳур «Гулистон»и бўлиб, бу — муаллиф дастхати бор нусхадир, шунинг учун ҳам жаҳонда энг қимматбаҳо китоблардан саналади.

Бобур зурриётларидан бўлган сultonлар ва ҳукмдорларнинг барчаси илм-фан, адабиёт, шеърият ва мусиқа шайдолари бўлишган. Шунинг учун бобоси асос солған кутубхонани ўз навбатида турли фанларга ажратиб, шарқ фалсафаси ва таълимига, шунингдек, шеъриятга бағишлиланган китоблар билан бойитишган. Бобурийлар сулоласи даврида илм-фаннинг ривожига бунчалик катта эътибор берилиши бизнинг замонамиз нуқтаи назаридан гёё афсонага ўхшаб кетади. Бобурийлар империясининг бутун жаҳон миқёсида машҳур бўлганига сабаблардан бири ҳам кутубхоначилик ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидир.

Маълумки, ўтган асрларда умуман Шарқда ҳозирги тушунчадаги китоб чоп этиш урф эмас эди. Барча китоблар қўлёзмалардан иборат бўлиб, кўп нусхада санъаткорона кўчирилар, ораларига турли тасвиirlар чизиш, рангли безаклар бериш кенг тарқалган эди. Бу ишларнинг барчаси қўлда бажариларди. Шунинг учун бу ишларга кўп вақт ва меҳнат сарфланар, бундай қўлёзма китобларнинг нархлари ҳам қиммат бўлар эди. Бобур қаерда ўшандай тасвиirlи ва безакли илмий қўлёзма китоб кўрса ва бу ҳақда эшитса, ҳар қанча қиммат бўлса ҳам уни сотиб олган ва шутарзда ўз кутубхонасини муттасил равишда бойитган. Масалан, Бобур ҳаётлик чоғида Фирдавсийнинг тасвиirlи ишланган машҳур «Шоҳнома» асаридан ўн иккита нусхасини олtingа сотиб олган ва кутубхонасига келтирган. Кейинги бобурийлар даврида ҳам «Шоҳнома»нинг ноёб нусхалари тўпланиб, улар адали 70 тага етган. Фирдавсий асарининг энг кўп нусхаси жаҳон бўйича Бобур кутубхонасида сақланар эди.

Бобурдан сўнг тахтга ўлтирган Ҳумоюн Мирзо отаснинг кутубхонасини анча бойитган. У Шарққа машҳур миниатюрачи ва наққош Камолиддин Беҳзоддан «Тарихи Темурий» ва «Риёз ул адвия» китобларига сурат ишлаб беришини сўраб китобларни Хуросонга юборган. Ҳумоюн Мирзо, хусусан, география ва илми нужум (астрономия) фанларига қизиқарди. Шунинг учун ўша соҳага оид китобларни, ҳар қанча қиммат бўлса ҳам албатта сотиб оларди.

Бобур кутубхонаси айниқса, Акбаршоҳ даврида янада бойиди. Хусусан унинг таржима бўлими анча кенгайди. Акбаршоҳ даврида кутубхонада ишлаш учун ўзга юртлардан кўплаб олимлар таклиф қилинди. Акбаршоҳ кутубхона ёнига мусофири донишмандлар истиқомат қилиши учун маҳсус меҳмонхона солдирган. Кутубхона довруғи унинг даврида атрофга шунчалик ёйилдики, ҳатто Мисрдан ҳам олимлар илмий сафарга келишган. Ваҳоланки, Миср у даврда жаҳондаги илмий марказлардан ҳисобланар эди. Акбаршоҳ даврида давлатнинг марказий кутубхонасига Иноятило Шерозий деган шахс мудир этиб тайинланади. Кутубхонада ишлаш учун келган барча

мехмонларни бошқариш ҳам унинг вазифасига кирарди. Шунинг учун Иноятилло Шерозий ихтиёрига кўплаб хизматчилар, мулозимлар, котиблар бириткирилган эди.

Акбаршоҳ қўл урган иккинчи янги иш — Бобур асос солган салтанат кутубхонасидаги китоблардан кўплаб нусхалар кўчиритириш, яъни қўлёзма китоблар ададини кўпайтириш бўлди. Инглиз тадқиқотчилари нинг текширишларига қараганда, Бобур асос солган давлат кутубхонасида Акбаршоҳ даврида 52 минг номда китоб тўпланган бўлиб, уларнинг умумий адаи 400 минг жилдан ортиқ бўлган. Бу — ўша давр учун ҳазилакам бойлик эмас эди.

Акбардан сўнг Жаҳонгир даврида кутубхона яна ҳам кенгаяди. Жаҳонгир Бобурийлар орасида биринчи бўлиб Оврупо тилларини ўрганди. Шу сабабли у давлат кутубхонасини Фарбий Оврупо тилларида битилган китоблар ҳисобига ҳам бойитади. Оврупоча китоблар учун алоҳида бўлим очилади. Шунингдек, у машҳур олим Шамахшарийнинг Қуръони карим тафсирини икки минг тиллога сотиб олади. (У ҳозир Худобахш кутубхонасида сақланади.) Жаҳонгир биринчи марта кутубхонада суратлар галереясини ташкил қилдирди ва бунинг учун кутубхона ёнига янги бино Курдирди.

Афсуски, XVII асрдан Бобурийлар салтанатида бўхрон (кризис) аломатлари бошланиб, бу ҳолат маънавиятда ҳам ўз аксини топди. Мамлакат инглизлар қўлига ўтгач эса, салтанат кутубхонасидан ҳам барака кетди — илмий асарлар ҳар томонга, энг аввало Англияга олиб кетилди. Бугунги кунда ўша даврдаги ноёб қўлёзма асарларни Калькутта, Ҳайдаробод, Дехли кутубхоналарида, шунингдек, «Саларжанг» музейида ҳамда айрим овруполиларнинг шахсий кутубхоналарида учратиш мумкин.

## И з о х

Ушбу мақоланинг матни Қўқон адабиёт музейининг собиқ директори марҳум Султонхон Сотоволдиев томонидан В. Эрскиннинг «Эрон ва Бобур» асарининг форсча нашри асосида тайёрланган эди. Ушбу сатрлар муаллифи марҳум хотирасини эслаб мақолани ўзидаги маълумотлар билан бойитган ҳолда китобга киритди.

## БОБУРНИНГ КУРАШЧИ ПОЛВОНЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, аслини олганда, полвон келбатли кишилар авлодидан деса бўлади. Унинг катта боболари улуғ Соҳибқирон Амир Темур ва угли Мироншоҳ ҳам, Бобурнинг катта оталари султон Муҳаммад Мирзо ҳам, султон Абу Сайд Мирзо ҳам жисмоний бақувват, отни мушт билан урганда каловлатадиган даражада кучли ва полвон кишилар бўлгани маълум. Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо-чи: Паҳлавон келбатли, жисмоний бақувват йигит бўлган. Бобур таърифича, унинг муштига биронта баҳодир йигит чидаш беролмасди. Умаршайх Мирзога белбоғ боғлатишётганда қорни ни ичига олиб турарди. Белбоғни боғлаб бўлганларидан сўнг ўзини қўйиб юборса, боғланган белбоғ узилиб кетарди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўша полвон келбатли авлодлар зотидан бўлгани учун болалиги даноқ ниҳоятда соғлом, бинобарин шўх табиатли, чапдаст бўлиб ўсди. Бобур кичикилигиданоқ югуришга, отда чопишига, човган ўйнашга ўрганди («отда туриб тўп суриш»), тенгқурлари билан курашга тушарди. Бахтга қарши у болалик ва ўсмирлик гаштини узоқ суролмади. Отанинг бевақт ўлими уни таҳтга чорлади.

Лекин Бобурнинг жисмоний бақувватлиги, ҳавас қиладиган даражадаги соғлифи бутун умри давомида унинг подшоҳлик фаолиятида, шахсий ҳаётида, осудалик дамларида доимо намоён бўлиб турганини кўрамиз. У давлат ишлари билан банд бўлган чоғлари таҳтда ва девонда доно подшоҳ, кундалик ҳаётда хушчақчақ улфат, яқин дўстлар орасида кўзга ташланиб турадиган жисмоний бақувват йигит, кўшин орасида эса қўрқмас ва баҳодир саркарда сифатида тарихда қолган. Бироқ бобуршунослар ўз тадқиқотларида унинг шахсий ҳаётига, жисмоний кучлилигига, шунингдек, феъли-ю эътиқодига шу дамгача етарли эътибор бермай келмоқдалар. Бобур ҳақидаги кўп серияли фильм муаллифлари бизни маъзур тутсинлар — яратилган Бобур образи (қиёфасида) унинг йигитлик баҳодирлиги, кучга тўлган шахсий сифатлари ва феъллари тўла акс

этмаган. Таассуфки, «Бобур» романида ҳам унинг мана шу сифатлари очилмаган.

Бобурнинг 16—17 ёшида қаҳратон қиши кунлари Хўжандда Сирдарёнинг музини тешиб бир неча марта сувга шўнғиганини кўп одам билмаса керак. Қизи Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асарида қуйидаги мълумотни келтиради: Бобур Ҳиндистонда Агра шаҳрини эгаллагач, хурсандчиликдан бўлса керак, қалъа деворига чиқиб иккита йигитни икки қўлтиғида даст кўтариб девор устида юргурган. Йигитлар агарда ўртача 75 килограммдан бўлса, демак, 150 килограмм юкни кўтариб устидан югуриш унча-мунча полвоннинг қўлидан келмаса керак.

Бобурнинг ўзи жисмоний бақувват бўлгани учун доимо баҳодир йигитларни хуш кўрарди. Сафарларда ўзи билан полвон йигитларни олиб юрган. Бобурга бағишлиланган миниатюра расмларда бир полвоннинг Бобур ҳузурида бир қўли билан одамни тепага кўтариб, жисмоний кучини намойиш қилаётгани акс этирилган. Тўй-томушаларда, сайлларда Бобур турли ўйинлар уюштирас ва полвонларнинг курашларини ташкил қиласди. Ана шундай полвонлар кураши Бобурнинг тўнғич ўғли Ҳумоюн Мирзо туғилганига бағишлиб берилган шоҳона тўй-томушала (1508 йил) уюштирилган. Бундай маросимлар Кобулда ҳам, Ҳиндистонда ҳам одат тусига кирган эди.

Бобур Ҳиндистонга боргач, 1527—1528 йиллари мамлакат бўйлаб саёҳат-сафарлар қилган. Кечки пайтларда дарё бўйларида кўнгил очиш маросимларини ташкил қиласди. (Ичкиликни ман этиш ҳақида маҳсус фармон эълон қиласди.)

Ҳиндистон қўлга киргач, 1527 йил (аниги — 10 январь, шанба куни) Зафар тантанаси учун катта зиёфат-тўй маросими уюштирилади. Унга Кобулдан, Самарқанддан, ҳатто собиқ рақиб — шайбонийлар вакилларидан ҳам меҳмонлар таклиф қилинган эди. Шоҳона маросимда турли кўнгил очар ўйинлар (чунончи фил, тuya ва қўчқор уриштиришлар) билан бирга полвонлар кураши ҳам уюштирилади ва голибларга мукофотлар берилади. Курашдан сўнг эса навбат ҳиндистонлик кўзбўямачи найрангбозларга берилиб, улар ҳам турли ҳунарлар кўрсатадилар.

Бобурномада Содик полвон ва Кулол пол-

вон деган курашчилари тилга олинади. Қаерда кураш мусобақаси уюштирилса, Бобур уларни таклиф қиласди. Бир куни (1527 йил март) — наврӯз байрами бўлса керак, — Ганг дарёсига қуйиладиган Жуун дарёси бўйлаб саёҳат чоғида Бобур одамлари тушган кемалар Аданапур деган хушҳаво қишлоқда тұхтайди. Қишлоқнинг дарё томонига — пастликка Бобур чодирлар тикдириб, шу ерда бир кеча қолишади. Шоҳона суҳбатлар уюштирилиб маъжун ейилгач, полвонлар кураши бошланади. Содиқ полвон ва Кулол полвонлар ўзаро дўст бўлиб, ҳеч қачон бир-бирлари билан курашмас эдилар. Ўша куни Бобур, ҳазил-мутойиба қилибми ёки бошқа полвонлар йўқлигиданми — икковларини бир-бири билан кураштиради. Кулол полвон илгари Бобурдан 20 кунгача курашмасликка рухсат сўраган эди (Йўлдан чарчаб келгани учун). Мана, ўшандан бүён бир ой ўтибди. Шундай бўлса ҳам, Кулол полвон Бобурнинг таклифини хушламайроқ қабул қиласди. Негаки, Содиқ полвон дўсти-да. Подиоҳнинг амри вожиб.

Мана, кураш бошланди, томошабинлар фақат Бобурнинг беклари-ю навкарлари ва хизматчилиаридан иборат. Кураш Фарғона усулида: чопон кийилган ва белбоғ боғланган, аммо белбоғлар узилиб кетмаслиги учун — икки қават. Содиқ полвон астойдил олишади. Кулол полвон эса фақат унинг ҳаракатига қаршилик кўрсатмоқда, холос. Одамлар эса ундан ҳам «хужум» кутиб, «ҳа-ҳа» деб қичқирмоқдалар. Олишув анчагина давом этди. Ниҳоят, Содиқ полвон рақибини даст кўтариб ташлади. Атрофда қийқириқ овозлари. Бобур ўлтирган жойида тиззасига уриб, Содиқни олқишли-мокда эди. Завқланганидан уни олдига чақириб, ўнг минг танга пул, бир от ва бош-оёқ сарпо мукофот беради. Бобур доимо ишни одилона ҳал қиласди — бунга унинг фаолиятидан мисоллар кўплаб топилади. Бу сафар ҳам одиллик кўрсатди: нима бўлганда ҳам Кулол полвон Бобур таклифини ерда кўймай курашга тушдида, ва, мана, «иккинчи ўрин»ни олди. Шунинг учун Бобур уни ҳам сийлайди: уч минг танга пул ва бир чопон ҳадя қиласди ва елкасига қоқиб қўяди.

Бундай маросимларнинг диққатга молик жойи шундаки, бунақа вақтларда хушчақчақ Бобур жуда завқланиб кетарди. Ўзи полвон сифат бўлгани учун

полвонларни қадрлади ва уларга доимо эътибор билан қаарди.

Яна бир кураш маросими 1529 йил январь ойи охирларида (ҳижрий 935 йил жумодил-охир ойида) ўюштирилади. Бобур Шарқий Ҳиндистон бўйлаб иккинчи марта ғалаба сафари чоғида кечки пайт Кармунас номли дарёчанинг Гангга қўйилиши жойида — кушҳаво бир текисликда тўхташни ва чодир тикишни буюради. Ҳаво нам-иссиқ, аммо иссиқни бир оз кесадиган ёқимли шабада ҳам эсиб турибди. Бобурнинг барча йигитлари овқатдан сўнг ҳордиқ чиқариб, кўнгил очиш маросимларини бошлаб, бирдан ўзлари-ча курашга тушиб кетдилар. Бобур эса бунга ташкилий тус беради, бироқ номдор полвонлар Йўлда, бошқа юмушлар билан банд бўлиб етиб келишмаган эди. Бирдан Мұҳсин соқи деган барваста йигит Бобурнинг ҳузурига келади ва курашга тушиб камида тўрт кишини йиқитажагини айтиб мақтанади. Бобур унинг гапидан завқланиб, бир полвон йигитни чақиради ва уларни ўртага чорлаб кураштиради. Мұҳсин соқи рақибини осонгина йиқитгач, Бобур Шодмон деган бошқа бир йигитни чақириб унга солади. Бир томондан Мұҳсиннинг мақтанчоқлиги, иккинчи томондан Шодмоннинг кутилмаганда курашга тушгани ҳаммадан мусобақага ўзгача қизиқиш уйғотади. Икковининг олишуви унча кўп давом этмади — Шодмон полвон Мұҳсин соқини кўтариб бир айлантириди-да, тагига босди. Атрофда қийқириқ кўтарилиди. Мұҳсин «Ҳижил ва Мунфаил бўлди (яъни у обрўлиги учун анча уялди)» — деб ёзади Бобур. Сўнг бошқа полвонлар ҳам курашга тушиб кутилмаганда ҳақиқий мусобақа бошланиб кетади. Кураш анча давом этади. Ниҳоят, Бобур ғолибларга соврин тарқатиб, маросим тугагач, дам олиш учун ўзининг «Осойиш» номли кемасига кириб кетади.

Бу дам олиш — жума куни эди. Дарё бўйлаб йўлда давом этиб, икки кундан сўнг ўтган йили тўхтаб дам олган жойдан чиқиб қоладилар ва душанба куни шу ерда тўхташга бўйруқ берилади. Ўша куни кечқурун паҳлавонлар таклиф қилиниб, яна кураш мусобақалари ўюштирилади. Афтидан, Бобур ўзи билан бирга доимо кузатиб борадиган соқчи навкар йигитларнинг жисмоний ҳолатларини синаб туриш

учун ҳам курашлар ташкил қилиб турган. Бу сафарги кураш хуфтон намозигача давом этди. Курашни Бобур диққат билан кузатди. Ва курашда синаалган икки юзга яқин йигитни Бобур эртасига Бенгалия томонга разведкага юборади.

Ҳижрий 935 йилнинг рамазон ойи — 1529 йилнинг май ойига тўғри келиб, 9 май куни ҳайит намози ўқилди. Бобур ўша куни пешиндан сўнг ва эртасига — ҳайитнинг иккинчи куни ҳам кураш мусобақалари ташкил қилишни буюради. Бу сафар ҳинд полвонларидан ҳам таклиф қилиниб, кўп киши қатнашади, томошабин ҳам кўп эди. Бобур Авад шахридан келган ҳинд полвонини бошқа бир ҳинд полвони билан кураштиради. Улар ҳиндчасига — яланғочтанага белбоғ боғлаган ҳолда курашадилар. Авадли полвон ўз рақибини кўп олиб юради ва ниҳоят, пайт пойлаб кўтариб ташлади. Бобур икковини ҳам табриклаб уларга тегишли совғалар улашади. Энди ғолибни Содик полвонга солмоқчи эди, аммо вақт кеч бўлиб қолгани учун буни эртасига қолдиради. Бироқ нимадир бўлиб эртасига сайл ман этилади.

1529 йили июль ойида Кобулдан меҳмонлар — Бобурнинг қариндошлари келган эди. Улар Бобур подшоҳ юборган 150 та баҳодир йигитлар назоратида подшоҳга қовун ва узум олиб келишган эдилар. Бобур қовун ва узумни кўриб ниҳоятда хурсанд бўлади. Битта қовунни ўз қўли билан сўйиб бир тилим олади ва ея бошлар экан, тўлқинланганидан йиғлаб юборади. Бу йиги — Ватан соғинчи аломати эди. Анжуманда анча ноқулайлик пайдо бўлади, подшоҳ қовунни соғинган эди.

Эртасига меҳмонлар шарофатига катта зиёфат берилиб, бундан бир ойча муқаддам қолдирилган кураш лавом эттирилади. Бобур ўтган сафарги режаси бўйича Авадли ҳинд паҳлавонини чақиртириб келади ва уни Содик полвон билан курашишга таклиф қиласди. Табиийки, иккала полвон ҳам бир-бирини танимасди, шунинг учун ўргада ноқулайлик. Бобурнинг ёзишича, Авадли полвон ўз юртида анчагина машҳур эди. Бу албатта Содик полвонга икки томонлама ташвиш келтирарди (яъни бир томондан, нотанишлик ва иккинчи томондан, унинг машҳурлиги). Лекин кураш подшоҳ буйруғи билан уюштирил-

гани сабаб, бўйин товлаш мумкин эмас — полвонлик одобга ҳам сиғмайди.

Шундай қилиб, ниҳоят, навбат икки машхур полвонга келади. Ҳинд полвони яланғоч, белига икки ўрам белбоғ боғлаган. Содиқ полвон эса ўзбекчатуркийчасига узун кўйлак кийган ва устидан белбоғ боғлаган. Мана, кураш бошланади. Ҳамманинг кўзи бу икки машхур полвонларга тикилган. Улар майдонда узоқ олишади, чунки, ҳали айтилганидек, бир-бирларига синашта эмас. Содиқ полвон жуда қийналади, унинг юзидан тер оқмоқда эди.

Ниҳоят, Содиқ полвон ўзидан бир ўнғайлик — шижаот сезиб ҳинд полвонини даст кўтаради ва икки бор айлантириб сўнг остига ташлайди. Атрофни қийқириқ овозлари босиб кетади. Бобур ниҳоятда хурсанд. Икковини ҳам олдига чақиради. Авадли полвон бир Содиққа, бир подшоҳга қарапди ва нима дейишини билмасди — афтидан у курашда биринчи марта кураги ерга теккан эди. Бобур Содиқ полвонга ғолиб сифатида тегишли мукофотни (пул ва сарпо) беради. Лекин ўз одамийлик ва одиллик феълига биноан ҳинд полвонига ҳам мукофот беради. Чунки, ҳозирги кураш қоидаси билан айтганда, у «иккинчи ўрин»ни олган эди-да.

«Бобурнома»ни алоҳида синчковлик билан ўқилганда, биз шу давргача билган ва ўрганган тарихий воқеалар, ажойиб ҳодисалар ва инсонлар ҳақидаги хабар-маълумотлардан ташқари, унинг муаллифи — Бобурнинг ҳамон биз эътибор бермаган фазилатлари, инсоний феъллари, шахсий эътиқоди ва бошқа янги янги муҳим маълумотлар олиш мумкин. Ўшандек маълумотлардан бири спортнинг бир тури бўлган курашга эътибори ва унга қизиққанидир. («Бобурнома»да кураши «куштигир» деб тилга олинади.)

Биз ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг ўзбек миллий кураши ҳақидаги замонийлиги ва уни жаҳонга машхур қилиш учун «Кураш менинг ифтихорим» шиори остида ҳалқаро мусобақалар ўтказишга қарор қилгани муносабати билан улуғ бобомизнинг бу қадимий спорт турига бўлган қизиқши-ю, ўзининг жисмоний камолоти ҳақидаги баъзи лавҳаларни азиз ўқувчиларимиз диққатига ҳавола қилдик.

## **БОБУР МИРЗО ЙОРГАН ЙЎЛЛАР**

*(Халқаро муборак сафар таассуротлари)*

Мустақиллигимиз туфайли кўп нарсаларга эришидик. Улардан бири улуғ алломаларимиз, жумладан Соҳибқирон Амир Темур ва тарихга машҳур темурийлар сиймоларидан машъум Шўро тузуми қолдирган губорларнинг олиб ташланганидир. Ана шундай губор Бобур Мирзо устидан ҳам олиб ташланди. Шукр, Бобуримиз бутунича ўзимизга қайтди.

Шукроналик келтирган бундай ишларимиздан бири — Бобур киндик қони тўкилган Андижонда бу улуғ зот номида Халқаро хайрия Жамғармасининг ташкил топганидир. Унинг ташкил топишсида Андижон фарзанди, жўшқин қалб эгаси, тиниб-тинчимас инсон, геология-минерология фанлари номзоди Зоқиржон Машрабовнинг саъй-ҳаракатлари бекиёсдир. Жамғарма фақат ва фақат у кишининг ташабуси ва, албатта, вилоят ҳокимлигининг қўллаб-куватлаши билан ташкил қилинди.

Бобур номидаги хайрия жамғармаси ҳузурида ҳалқаро илмий экспедиция тузилиб, 1992 йили ўзининг ilk сафарини бошлади. Ўшанда 14 кишидан иборат экспедиция Эрондан бошлаб Туркия ва Яқин Шарқдаги айрим араб мамлакатларида бўлган эди. Тақдирни қарангки, экспедиция жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в) Ватани — Саудия Арабистонига етиб келганида муборак ҳаж мавсуми бошланган эди. Экспедициянинг барча аъзоларига ҳожи бўлиш насиб этди. Сўнгра экспедиция Покистон ва Афғонистонда ҳам бўлиб, Кобулдаги Бобур қабридан, яъни унинг муборак ҳокидан намуна олиб қайтди. (Кейинча у Андижоннинг Богошамол даҳасида барпо этилаётган маҳсус зиёратгоҳга дафн этилиб, бобомизнинг рамзий қабри барпо этилди. 1992 йили кузида иккинчи экспедиция ташкил қилиниб, унда камина ҳам қатнашиб, Афғонистонда бўлдиг-у, бироқ бизга боғлиқ

бўлмаган сабабларга кўра Ҳиндистонга боролмай, 12 кунлик сафардан сўнг юртга қайтиб келдик.)

1993 йили Ҳиндистонга ва Покистонга махсус сафар уюштирилди. Экспедиция аъзолари 7 кишидан иборат бўлиб, 22 июлда Андижондан жўнаб, 14 сентябрь куни 54 кун деганда эсон-омон Ватангга қайтиб келдик. Жўнаш олдидан хайрия оши тарқатилди, Қуръон тиловати қилинди, маросимда вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари Машариф Юсупов қатнашиб, экспедицияга оқ йўл тилаб қолди.

Ушбу сафар таассуротлари ниҳоятда чуқур ва сермазмун бўлиб, шунга яраша тўплантган маълумотлар ҳам кўпdir. Зоро, сафар Бобур изидан бўлгач, экспедициянинг бу галги маршрут-йўналиши айнан мақсадга мувофиқ келди. Ундан ташқари, сафар илмий мақсадда бўлгани сабабли бу гал масаланинг айнан ушбу томонига алоҳида эътибор берилди. Мен бу ерда йўл-йўлакай бўлган кундалик саргузаштлар, Бобурийлар номи билан боғлиқ ёдгорликлар ва улардан олган таассуротларимиз ҳақида камроқ ёзаман. Чунки улар вақти билан ўз навбатида қатор мақолаларга, махсус китобларга мавзу бўлади. Ўзим Бобур ва унинг даври билан узоқ муддатдан бўён шуғулланиб келаётганим сабабли, ҳозирча экспедициянинг илмий ва тарихий мазмунига кўпроқ эътибор бермоқчиман.

Биз Ҳиротда афғон олими, Ҳуросон тарихининг яхши билимдони Мавлавий Анбарий жаноблари билан иккى кун бирга бўлиб, шаҳарнинг Шоҳруҳ Мирзо ва Султон Ҳусайн Бойқаролар даврида гавжум бўлган қисмини хўп айландик. Улуғ боболаримиз ҳазрат Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, шунингдек машҳур тасаввуф олимларидан Саъдиддин Қошғарий, Хожа Абдулло Ансорий қабрларини, Улуғбек Мирzonинг оналари Гавҳаршодбегим мадрасасини зиёрат қилиб, уларнинг покиза руҳларига дуюйи фотиҳалар ўқидик. Афсуски, кўпчилик қабрлар мақсадсиз афғон уруши касофати туфай-

<sup>1</sup> Улар қўйилагилар: Зокиржон Мағировов — экспедиция раҳбари; Сайфиддин Жалилов — илмий маслаҳатчи; Қамчибек Кенжа — ёзувчи; Собиржон Шокаримов — журналист; Тўлқин Рўзиев — кинооператор; Фарруҳ Ра-сулов — тележурналист; Аҳмаджон Қосимов — таржимон.

ли бузилган ва айримлари, ҳатто, вайронага айланниб кетган. Баъзилари эса, енгил-елли ҳолда қайта таъмирланган.<sup>1</sup>

Бизнинг Мавлавий Анбарий билан қилган сұхбатимиз асосан Хуросон давлатининг Шоҳруҳ Мирзо ва Султон Ҳусайн даврлари ҳақида бўлиб, бу борада қилинган илмий ишлар ва уларнинг муаллифлари бизни кўпроқ қизиқтиради. Сұхбатлардан мени айниқса, суюнтирган нарса — Ҳиротнинг Навоий даврига, шахсан улуғ бобомизга ҳамда Султон Ҳусайн Бойқарога маҳаллий халқнинг илиқ муносабати эди. Маълум бўлдики, улар шахсига бу ердаги маҳаллий олимлар ғоят ҳурмат билан қарапканлар. Уларнинг Ҳирот шаҳри ва Хуросон ўлкаси ободончилиги учун кўшган улкан ҳиссаларини самимият билан хотирлардилар. Бироқ, афсусланадиган жойи — Ҳирот зиёлилари ўзбекистонлик ҳамкасларининг ушбу даврга оид тарихий асарларидан хабардор эмаслар (фақатгина тарих фанлари доктори А.Ўринбоев ва унинг Навоий хатларига доир асари бундан мустасно). Нега ён кўшни — жон кўшни Афғонистон билан, бу диёрда истиқомат қилувчи, биз билан тили бир, дили бир ўзбек халқи билан алоқаларимиз узилиб қолган? Бунинг сабаби нима? — Улуғлар қабристонини, машхур Иҳтиёриддин қалъасини айланар эканман, шулар ҳақида ўйлаб кетдим.

Ҳиротда табиатимизни хира қилган нарса — Навоий бобомиз қабри гумбазидан тандир оғзича жойи замбарак ўқидан ўпирилиб кетгани бўлса, иккинчи ноҳушлик — Ҳусайн Бойқародек улуғ темурийзоданинг қора мармарли қимматбаҳо қабр тоши тўртга бўлинниб ётгани бўлди. Буни кўриб беихтиёр ҳўнграб инглаб юборганим ҳамон ёдимда.

Мана, Эроннинг машхур Машҳад шаҳрига келдик. Машҳад деганда улуғ соҳибқирон Амир Темур фарзандларининг номлари ёдга тушади. Шаҳар Эроннинг шимоли-шарқидаги Кашафруд дарё водийсида, Хуросон Остони, яъни вилоятнинг маркази.

Нақи қилишларича, шиа мазҳабидаги 12 имомнинг бири — Али ар-Ризо шу ерда шаҳид бўлган.

<sup>1</sup> Машҳур Мусалло майдонига XIX аср охириги чорагидаги ўзаро урушларда ҳам жиддий шикаст етказилган эди.

Шу муносабат билан шаҳарга Машҳад номи берилган (яъни шаҳид кетган жой). Шаҳар темурийлар, сўнгра Сафавийлар ҳукмронлиги даврида равнақ топган. Шаҳарда зиёратгоҳ имом Ризо ва Гавҳаршодбеким мақбаралари бор. Машҳад четидаги Тус шаҳар-часида 1934 йили машҳур Фирдавсий қабрига маҳобатли мақбара қурилган (биз уни ҳам зиёрат қилдик). Машҳад орқали Туркманистон, Афғонистон ва Покистонга автомобил йўллари ўтади. Бу ерда 1955 йили биринчи университет очилган, шаҳар мамлакатда йирик саноат марказидир.

Машҳад шаҳрида таниқли инглиз бобуршунос олими Вильям Эрскиннинг «Эрон ва Бобур» номли форс тилида чоп этилган катта асарини ғоят мамнуният билан сотиб олдик. Бизга майлум бўлмаган бу асарни кўриб мен бир оз ўйга ҳам толдим: қарангки, Бобур Эронда жуда оз муддат турган бўлса-да, инглиз тарихчиси унга бағишлаб бир неча ўн босма тобоқдан иборат катта асар битган.

Хўш, бизлар нега Бобур киндиқ қони тўкилган Андижоннинг бу улуғ зот ҳаёти билан боғлиқ тарихи ҳақида каттароқ асар яратмадик? Бобур Эронда бор йўғи 3—4 ой бўлгани ҳолда, нега биз Бобурнинг Андижонда туғилиб ўсгани-ю, Фарғона мулкида подшоҳ бўлиб ўтган ўн йиллик ҳаёти ҳақида бирон бир катта асар яратолмадик? Нега, Нега?! — мана шу савонни ўзимга ўзим бериб, алам азобида қолдим... Машҳаддан Тус шаҳрига ўтдик ва жаҳонга машҳур Фирдавсий бобо мақбарамасини зиёрат қилгач, Покистон чегараси томони йўл олдик.

Покистонга ўттач, қадимий Лахўр шаҳрида сафаримизнинг илмий мазмуни бир оз бойиди. Бу ердаги муҳим вазифаларимиздан бири — Лахўр миллий музейида бўлиб, унинг директори — профессор Сайфур Раҳмон жаноблари билан учрашиш эди. Профессор Сайфур Раҳмон ҳақида шуни айтиш керакки, бу олим билан биз 1991 йили ёзида ЮНЕСКО томонидан уюштирилган «Буюк ипак йўли» — халқаро экспедициясида бир ой бирга саёҳат қилиб, танишган эдик. Бу олим гарчи бобуршунос бўлмаса ҳам, Покистонда машҳур, ўз соҳаси — археология бўйича мутахассислар орасида Шарққа маълум кишидир. Сайфур Раҳмон Панжоб археология давлат департа-

ментининг мудири, Покистон бўйича археология ва музейлар кенгашининг бош котиби, Панжоб университетининг профессори ҳамдир.

Ниҳоят, музейни топиб, у киши билан учрашдик ва бизлар билан мулоқот қилиш учун ишхонасига таклиф қилингандай яхши музей илмий ходимлари иштирокида давра сұхбати ўтказилди. Сұхбат мавзуси — умуман Покистон тарихчиларининг Бобур ва бобурийлар ҳамда мамлакат тарихининг ўша сулола ҳукмронлик қылган даври ҳақида илмий асарлари устида бўлди. Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, Покистон олимларининг ҳам (ҳинд олимлари каби) Бобур ва Бобурийлар даври тарихига меҳр-муҳаббати жуда баланд. Биз уни сұхбатдошларимизнинг бизга бўлган муносабатларидан, орзу-умидимизга бўлган қизиқишидан сезиб турдик.

Дўстимиз Сайфур Раҳмоннинг афсуслик билдиригандан жойи шу бўлдики, биз билан учрашув унинг учун тасодифан, куттимаган ҳолда юз берди. Акс ҳолда мақсадларимиз йўлида бизга фойдали ишлар қилиши мумкин эди. Шунга қарамай, у киши ўзини Бобур авлодидан деб ҳисоблаб юрган Жалолиддин Акбарий исмли Лахўрда яшайдиган бир олимни излаб топиб, учрашишни маслаҳат берди ва унга ўзи қўнғироқ қилди. Афсуски, ўша кунлари бу олим Лахўрда эмас эканлар.

Биз Жалолиддин Акбарий ҳақида маълумот олиб, уни Ўзбекистоннинг Покистондаги расмий вакиллари орқали толтиришни режалаштиридик. Сайфур Раҳмон эса, сафаримиз ва Бобур ҳақида илиқ сўзлар айтиб, биз билан хайрлашди ва биз Лахўрда бобурийлар даврига оид ёдгорликларни зиёрат қилиб, 4 кундан сўнг Ҳиндистон томон йўл олдик.

Тарихдан маълумки, Бобур 1526 йили машхур Панипат жангига Дехли султони Иброҳим Лўдий устидан тарихий ғалаба қозонган. Умуман тарихда «Панипат жангига» леб аталмиш урушдан иккитаси бининг мавзуумизга даҳлдордир.

Биринчи жанг 1526 йил апрель ойида бўлиб, Ҳиндистонда бобурийлар империясига асос солинди. Аммо ўттиз йил ўтгач — 1556 йил ноябрь ойида Акбаршоҳнинг қўмондони Байрамхон қўшинлари Дехли таҳтига даъвогар бўлган Ҳему қўшинлари устидан

Панипатда ғалаба қилиб, бобурийлар империясини мустаҳкамлаганди.

Панипат шаҳрида бўлиш ва машҳур жанг майдонини кўриш режамизнинг асосий бандларидан эди. (Шаҳар Дехлидан юз чақиримча шимолда жойлашган.)

Мана, Панипат шаҳридамиз. Нисбатан кичикроқ шаҳар, тарихий жанг майдонига ошиқамиз. Шу нарса маълум бўлдики, Неру бошлиқ Ҳиндистон ҳукуматининг қарорига биноан, 1958 йили Панипат жанглари шарафига атаб маҳсус боғ яратилган. Боққа кираверишда катта паннога: «Панипат жанглари Ҳиндистон тарихида буюк бурилиш ясади» — деган мазмунда ҳинда ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган. Деворга жанг тасвири туширилган бўртма (барельеф) суратлар ишланган. Ҳиндистон халқи ва давлати бу тарихий воқеани самимият билан ёдида сақлаши бизни, албатта, мағурулантиради. Аммо шууримдан шу нарса ўтдики, ўзимизни ўзимиз менсимай, тарихимизнинг Бобур ва бобурийлар номи билан боғлиқ саҳифаларини атайлаб чала ўқиб, Бобур шахсини қоралаб юрган, уни босқинчига чиқарган даврларни эслаб юзимиз шувит бўлиши керак. Тўгри, бизларни шунга мажбур қилишган. Аммо ўзимизда ҳам айб бор: шижаотсизлигимиздан уялишимиз керак. Панипат панорама-хотира боғини тамоша қилиб, тарихчи сифатида менда пайдо бўлган дастлабки хижолатлик ҳисси мана шу бўлди. Хайриятки, қайсиdir раҳбарларнинг номи билан боғлиқ бўлган бу советлар даври ортда қолди, шукр. Бобуримиз тўлалигича ўзимизга қайтди. Мустақиллигимиз неъмати туфайли, мана, Ҳиндистонда юрибмиз.

Ҳақиқий илмий давра суҳбатлари Дехлидан бошланиб, кундан кунга жиддий тус олди. Дастлабига шаҳардаги машҳур Жомеъ масжидида бўлдик. Масжид доимо сайёҳатчилар билан гавжум. Ҳиндистон олингач, Жума кунги хутбага Бобур номи ушбу Жомеда қўшиб ўқилгани тарихдан маълум. Жомеъ саҳнига оёқ кийимлари ечиб кирилади. Қандай яхши одат бу. Биз ҳам бу муқаддас даргоҳга мана шу қоидага мувофиқ қадам босиб кирдик. Унинг мармар плита-лар ётқизилган жуда кенг майдони орқали ўтиб бориб, нариги томонида жойлашган раҳбарият идора-

сига кириб бордик ва бош мутасадди Мавлоно Фозил Аҳмад ҳамда илмий мудир Абдулҳай Қосим жаноблари билан самимий кўришиб танишдик. Измонларимизни дастлабига икки нарса таажжубга солди: бири — уларга билган тарихда шу кунгача Ҳиндистонда буюк империяга асос соглан Бобур Мирзо изидан биронта илмий экспедиция келмагани бўлса, иккинчиси — бизларнинг Бобур юртидан Ҳиндистонгача маҳсус автомашинада келганимиздир. Бизларни таажжубга соглан (ҳатто хафа қилган) нарса эса, шу бўлдики, улуф Бобур ва бобурийлар номини ардоқлаётган бу мударрис-олимлар мустақил Ўзбекистонимиз ва ўзбек ҳалқи ҳақида деярли тасаввурга эга эмаслар. Аввалига бу ҳолат бизга алам қилди. Бирбирларига қараб «Рашан, Рашан», дейишди, (инглиз-часига «Россия» дегани экан) ва ўзларича ниманидир тушунишди. Лекин Самарқанд, Бухоро, Бобур юрти Андижонни тилга олганимизда юзларида дарҳол табассум пайдо бўла бошлади, истиҳоласиз суҳбатга киришиб кетдик. Тилмочимиз Аҳмаджон Қосимовга иш кўпайиб кетди.

Табиийки, дастлабки суҳбат Ўзбекистон ва қадимий ўзбек ҳалқи хусусида маълумот беришдан бошланди. Раҳбаримиз Зокирхон эҳтирос билан гапирди, ўрнини топиб мен ҳам суҳбатга қўшилдим. Дилдан бўлган суҳбат қизигандан қизиб, уларда аста-секин мамнуният ҳисси пайдо бўла бошлади ва ходимлардан бирига биз учун чой келтиришни буюрдилар. Чой ичиш асносида экспедициямиз, унинг мақсади, Бобур туғилган Андижон шаҳри ва бу улуф инсон номини абадийлаштириш учун Президентимиз бошлаб берган қуттуғ ишларимиз ҳақида қизғин суҳбат ва мунозарали мулоқот бўлиб ўтди. Мавлоно Фозил Аҳмад ўз навбатида Бобур ва бобурийларга нисбатан Ҳиндистон ҳалқининг ҳурмат-эҳтироми ҳақида, улардан қолган ажойиб тарихий ва меъморий обидалар ҳақида, уларга муносабат, эндиликда бу обидалар бутун жаҳон сайёҳларининг мўътабар қадамжоларига айлангани ҳақида жўшиб ахборот берди. Суҳбат чоғида яна шу нарса маълум бўлдики, ушбу мўътабар Жоме масжиди ҳуқумат қарори билан қайта таъмирланадиган экан. Бунинг учун алоҳида маблағ ажратилибди. Жоме саҳнининг узоқ бурчагида таъмир учун

тўплаб қўйилган зарур қурилиш ашёларини ва масжид саҳнидаги пачақланган айрим мармар плиталарни алмаштираётган усталарни кўриб бизлар ҳам мамнун бўлдик ва Ҳиндистон ҳукуматига миннатдорлик билдиридик. Измон дўстларимиз бобурийлардан қолган ёдгорликлар ҳақида чоп этилган айрим адабиётлар ва илмий мақолалар билан бизни таништирдилар.

Галдаги давра илмий сұхбати Дехқидаги Жавоҳарлаъл Неру номидаги университетнинг ижтимоий фанлар бўлимида уюштирилди. Ушбу университет ҳақида шуни айтиш лозимки, у нисбатан ёш — ҳинд халқининг улуғ фарзанди Жавоҳарлаъл Неру хотираси учун 1968 йили ташкил қилинган. Университет шаҳарнинг чеккасида маҳсус барпо қилинган катта боғ ичидаги жойлашган. Университет бир-бирига ёндош қурилган 2—3 қаватли ўнлаб биноларда, ҳар бир бинода турли фан соҳаларининг умумлашган бўлими жойлашган. Масалан, биз бўлган бинода ижтимоий фанлар бўлими бўлиб, у ўз навбатида тарих, сиёсатшунослик, адабиёт ва тилшунослик факультетларидан иборат. Ундан ташқари, ҳар бир бўлим қошида маҳсус лицейлар ҳам бор. Ўқиш жараёни компьютерлашгани биз учун янгилик бўлди.

Бўлимнинг тарих факультети декани доктор Авалиёхон Умду жаноблари бизни жуда илиқ кутиб олди. Тарихчи олимлардан доктор Музаффар Аълам, доктор Ҳайбатулло Мавлон, доктор Муҳаммад Исҳоқхон Амирий ва яна қатор аспирантлар иштирокида қизғин давра сұхбати уюштирилди. Доктор Авалиёхон Умду сафаримиз ҳақида олдиндан хабар бермай келганимиздан ва, бинобарин, баъзи олимларни учраштиришга таклиф қилиш имкони йўқлигидан, шунингдек «дуруустроқ» кутиб ололмаганларидан ўзича хижолат чекиб, узр сўради. (Бўлимда ўқишлар тўхтатан ва имтиҳонлар бошланган вақт экан.)

Бизлар Бобур юртидан маҳсус келганимиз улар учун кутилмаган воқеа эканини сұхбат орасида қайта-қайта таъкидлашди. Маълум бўлди, улар Андижонни эшитгандар. Аммо уни умуман Фарғона билан аралаштириб тушунадилар. Сұхбат чоғида Бобурни дастлаб 12 ёшида Фарғона мулкининг подшоси бўлгани ва ушбу мулк пойтахти бўлмиш Андижон

шахрида таваллуд топгани ҳақида алоҳида маълумот беришимизга тўғри келди. Уларга каминанинг ўша 1993 йили чоп этилган «Бобур ва Андижон» китобимиздан ҳадя қилдик. Суҳбатда яна шу нарса маълум бўлдики, ҳинд тарихчи олимлари Бобур даври эмас, кўпроқ унинг авлодлари ҳукмронлик қилган даврлар устида илмий иш олиб борар эканлар. Бунинг сабаби маълум, албатта: Бобур Ҳиндистонда ўз империясига асос солди-ю, афсуски, узоқ яшамади, янги давлатнинг сиёсий ва иқтисодий тизимлари унча тартибга тушмай туриб унинг асосчиси дунёдан кўз юмди. Империянинг авжи тараққиёт даври асосан набираси Акбаршоҳ давридан бошланди. Илмий тадқиқотлар ҳам, бинобарин, Ҳиндистоннинг равнақ топган кейинги даврларига қаратилган.

Андижон ҳақида бизлар берган маълумот ва Бобур фаолиятининг бошланишидан хабар берувчи каминанинг китоби уларда қизиқиши уйғотди. Бобур ва бобурийлар ҳақида суҳбат ва илмий баҳслар қизигандан қизиб кетди. Доктор Музаффар Аълам бу империянинг сўнгги даврига оид илмий асар чоп қилгани маълум бўлди. У биздан рухсат сўраб чиқиб кетди-да, бир оздан сўнг китобини олиб кирди ва муаллифлик имзоси билан каминага ҳадя қилди. Асар инглиз тилида бўлиб, «Шимолий Ҳиндистонда буюк мўгуллар империясининг иңқизози» деган номда экан (Дехли, 1986 йил).<sup>1</sup> Чой устида давом этаётган суҳбатда бизлар империянинг «мўгуллар» номи билан аталиб кетишига уларнинг дикқатини жалб қилдик ва мавзууни экспедициямиз раҳбари Зокиржон Машрабов давом эттириб, Бобур мўғул эмас, балки туркий халқлардан бўлмиш ўзбек авлоди эканлитини батафсил тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Бинобарин, бутун бир империя номи «мўгуллар» эмас, балки «Бобурийлар империяси» деб аталиши айни ҳақиқатдир, деган тушунча берилди. Камина ҳам ўрнини топиб суҳбатга аралашиб «мўгуллар» деб аталиб кетишига сабабни ўз нуқтаи назаримча талқин қилиб бердим ва Ўзбекистон матбуотида бу масалада илмий баҳслар бўлиб ўтганига, «Бобурийлар империяси» деб аталишини

<sup>1</sup> Muzaffar ALAM. The Crisis of Empire in Mughai norih India. Dehli, 1986.

Оврупо олимларига ҳам таклиф қилиш лозимлигига дикқатни жалб қилдим. (Бу ерда таниқли мунаққид ИброҳимFaфурнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида «Бобурйлар «МОГОЛ» эмаслар» сарлавҳали мақоласи муносабати билан каминанинг, бобуршунос олима Фозила Сулаймонова ва ҳиндшунос Илёс Ҳошимовларнинг эълон қилган мақолалари назарда тутилди.)

Суҳбатда ҳинд олимлари яқдиллик билан шуни тасдиқладиларки, агар Ҳиндистон тарихидан Бобур ва унинг авлодлари даври олиб ташланса, тарих бутунлай кемтик бўлиб қолади ва ҳинд ҳалқининг янги цивилизация сари босган қадами нотўғри талқин қилинган бўлади.

Каминани суҳбат чоригида яна шу нарса қувонтириди, доктор Музаффар Аълам Тошкентда бўлган эканлар ва таниқли бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонова, шарқшунос тарихчилар Илёс Низомиддинов ҳамда Розия Мукминоваларни ҳам шахсан танир эканлар. Мен шарқшунос тарихчи сифатида улар билан яқиндан алоқада эканимни, Сабоҳат опани устоз деб билишимни ва Илёс Низомиддинов эса дўстим эканини айтганимда у киши жуда хурсанд бўлиб кетди. Аммо дўстимиз Илёсконнинг вафотини мендан эшитгач, анча қайгуга тушди ва таъзия изҳор қилди.

Навбатдаги илмий суҳбат Деҳли миллий музейнинг қўлёзма ва илмий китоблар бўлимида бўлиб ўтди. Ҳиндистон ва Покистон музейлари маҳсус мақола учун алоҳида мавзу бўлса ҳам, бу ерда шуни таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Ҳиндистонда ҳам, Покистонда ҳам музейлар давлат зътиборида туради ва унинг ғамхўрлигига ишлайди. Аммо тартиб-интизом, музей экспонатларига муносабат, уларни кўриқлаш (маҳсус қуролли аскарлар назорат қиласи) ва ходимлар таъминоти масаласида бизлар улардан ўргансак арзигулиkdir.

Музейнинг китоблар ва қўлёзмалар бўлими мудири қотмадан келган доктор Насим Ахтар жаноблари бизларни олимларга хос салобат ва самимият билан кутиб олди ва форс тилида битилган кўп ноёб китобларни намойиш қилди. Ўзи форс адабиётидан мутахассис бўлгани ва каминанинг ҳам форс тилидан бир

оз хабардорлиги мuloқотимиз учун анча қўл келди ва у киши билан таржимонсиз суҳбатлашиш мумкин бўлди. Самарқанд, Бухоро ҳақидаги тарихий китоблар, Навоий даврида Ҳиротда битилган айрим асарлар, Куръони Каримнинг XV асрда Самарқандда кўчирилган ажойиб нуҳаси, тошкентлик шоир Бадр Чочийнинг (XV аср) қасидаларини кўриб ҳавасимиз, очиги, рашкимиз келди (Бадр Чочий қасидалари устидаги андижонлик олим марҳум Анисиё (Абдулаҳад Азизов) домла илмий иш олиб борган эди). Музейда қимматли илмий асарлар тўплангани ва бу асарлар посбонининг доктор бўлиши (яна музейда) мен учун таажжуб, шу билан бирга ибратли туюлди. Қани энди, бизларда ҳам музейларимизга ана шундай муносабат бўлса, катта олимлар ишласа, деган ўй ўтди мендан. Мана, мустақилликни қўлга киритдик, тарихимизни бош манбалар асосида қайтадан кўриб чиқишига киришдик. Иншооллоҳ, музейларга ҳам мавжуд эътибор янгитдан кўриб чиқилар.

Келишганимизга кўра, эртасига Насим Ахтар жаноблари тарихчи олимлардан профессорлар Рифоат Алихон, Ҳиндистон парламенти аъзоси Сайфиддин Соод, шунингдек, нафақадаги профессор, бизнинг келганимизни эшлишиб маҳсус излаб келган профессор Саид Амир Ҳасан Обидийларни тўплаб маҳсус давра суҳбати ташкил қилди. Измонимиз Насим Ахтар бизларни уларга таништиргач, суҳбатни профессор Рифоат Алихон бошлаб берди. Гурунг гоҳ инглизча, гоҳ ҳиндча, баъзан форсча давом этди. Таржимонимиз Аҳмаджон хўб иш берди. Рифоат Алихон Мовароуннаҳр билан Ҳиндистон ўртасида азалдан дўстона муносабатлар ўрнатилганини алоҳида таъкидлади. Ҳусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан бошлаб илмий ва маданий алоқалар жонлангани ва Ҳиндистонга Бухоро, Самарқанд, Андижондан кўплаб уламолар, мударрислар, ҳофизи қуръонлар келиб Ҳумоюн, айниқса Акбаршоҳ, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеблар саройларида хизмат қилганлари, Ҳиндистонга ўзлари билан ислом нурини ҳам олиб келганларини мамнуният билан таъкидладилар.

Сўнг профессор Сайфиддин Соод жаноблари сўз олди. (Каминага адаш бўлгани сабаб у киши билан алоҳида мумнунлик билан суҳбатлашдик.) Сайфид-

дин жаноблари ҳам Ҳиндистон тарихини бобурийлар даврисиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Ҳусусан, Бобур авлодлари даврида Ҳиндистонда, гарчи ислом дини ундан илгари кириб келган бўлса ҳам, буюк ислом цивилизацияси томир ота бошлади. Натижада илм-фан, маданият, санъат ва меъморчиликда қадимий ҳинд анъаналари билан ислом Шарқи анъаналари ўртасида шундай бир уйғунлашув рўй бердик, XVI асрдан то Англия мустамлакачилиги бошлангунга қадар Ҳиндистонда жаҳон цивилизацияси учун ноёб ва қимматли бўлган янги маданият вужудга келди. Бу ҳолат ҳинд ҳалқи ҳаётининг барча жабҳаларида — кийим-кечаклари, турмуш маданияти, ҳатто озиқ-овқатларида, шаҳар қурилиши, боғ-роғлар яратилиши ва анъанавий ислом одобида яққол намоён бўлди. «Биз тарихчилар, — сўзини давом эттири профессор Соод, — ушбу прогресс бошида улуғ Бобур ва унинг ворислари турганини сизларнинг келишингиз билан янгидан ҳис қилмоқдамиз».

Профессор Сади Амир Ҳасан Обидий ўз сўзида адабий жараён мавзууда гапириб, Аврангзеб даврида яшаб ўтган алиблар, шоирлар ҳақида ахборот берди ва бу ҳақда ўзи ёзган ва муҳаррирлик қилган айrim илмий ишларидан бизларга тақдим қилди. Бу ҳинд олимлари экспедициямизнинг илмий режаси ва мақсадлари билан танишгач, жуда ҳам ҳайратга тушдилар ва хурсандликларидан беихтиёр арабча «Машо-олло» калимасини бир неча бор айтиб юбордилар (калима ҳайрат маъносидаги таажжубни билдиради). Шу билан бирга таъкидлаганидек, илгарироқ хабаралоқа қилинмаганига яна таассуф билдиришди.

Умуман, бу илмий мuloқот уларда ҳам, бизларда ҳам эсдан чиқмас таассурот қолдириди ва экспедициямизнинг илмий жиҳатидан ижобий таъсир кўрсатди. Ўша куни Насим Ахтар жанобларининг таклифи билан Шарқнинг машҳур шоири ва мутафаккири Мирзо Абулқодир Бедилнинг қабрини зиёрат қилдик.

Экспедициямиз Дехлидан Аграда, ундан Калкуттада, сўнгра Ҳайдарободда бўлиб, Дехлидаги консулимиз Аҳмаджон Луқмонов томонидан бизга хабар қилинган сўнгги бобурийлар авлодидан бўлмиш Зиёиддин Тусий хонадонида бўлганимиз эсдан

чиқмас воқеа бўлди. (Бу ҳақда рафиғимиз Қамчибек Кенж «Ҳинд сориға» кундалик китобида батафсил ёзгани учун мен тўхтамайман.)

Энг сўнгги илмий муроқот Мултон университетининг тарих факультетида ўтказилди. Мултон — Покистондаги энг қадимий шаҳарлардан ҳисобланади. Дастралаб Македонияли Искандар хужумига қарши ҳаракат ҳам шу ердан бошлангани тарихдан маълум. Кушон империяси ташкил топгач, император Ашўка даврида (II аср) ушбу шаҳар ободонлашиб борган. У VIII асрдан бу ерга ислом дини, X—XI асрлардан эса туркий қабилалари кириб келади ва сўнгра ўлка Маҳмуд Фазнавий тасарруфига ўтади. Бу атрофда туркий халқлар маданияти, тили кенг ёйилиб боради. Ниҳоят, XVI асрда шаҳар бобурийлар қўли остига ўтади. Айниқса, Аврангзеб Оламгир давридан Мултон мусулмончиликнинг ва ислом маданиятининг Ҳиндистондаги йирик марказларидан бирига айланади.

Мултон университети Баҳоваддин Закария деган улуғ зот номида экан (XII аср охири — XIII аср бошларида ўтган ислом таълимотининг улуғ устозларида, 1262 йили Мултон шаҳрида вафот қиласан ва шу ерга дағн этилган. Қабрлари ҳозирда ҳам гавжум зиёратгоҳга айланган). Университетнинг тарих департаменти (факультети) раҳбари профессор Ошиқ Муҳаммад Дурроний жаноблари бизни ниҳоятда савмими қабул қилди. Бу олим асли афғонлардан бўлиб, Британияда ўқиган. Шаҳар тарихи ва бобурийлар давридан, шунингдек, Британия мустамлакачилигига оид илмий асарлар ёзгани маълум бўлди. Ошиқ Муҳаммад бобурийлар даврига оид айрим тарихий омилларни фахрланиш ҳисси билан, тўлқинлангиб гапириб берди.

Ҳиндистон бобурийлар тасарруфига ўтгач, бу томонга ҳақиқий ислом Шарқи маданияти кириб келганини, маҷаллий ҳинд халқи ҳаётининг барча жабҳаларида — масалан кийим-кечаги-ю одатларида, овқати-ю, кундалик турмуш шароитларида туркийзабон халқларга хос анъаналар кенг ёйилганини далиллар билан исботлаб, гапириб берди. Йирик олимнинг алоҳида ғурур билан қиласан илмий хуносалари бизларни ҳам тўлқинлантириб юборди ва қалбларимизда ифтихор туйғуларини уйғотди.

Бироқ Ошиқ Мұхаммад афсуслик билан шуни таъқидладыки, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонга инглиз мустамлакачилари кириб келиб, мамлакат улар тасарруфига ўтиб қолди. Бобурийлар авлоди таъқиб қилинди, қўлга тушганлари жазоланди ва узоқларга сургун қилинди. Барчаси ҳар томонга тарқаб кетди. Энг сўнгги авлод — Баҳодиршоҳ II нинг бир уруғдоши билан Мултонга яқин ўрмонда яшириниб яшашга мажбур бўлди. Унинг фарзандлари ва кейинги авлодлари XX аср бошларида ҳам озодлик ҳаракатларида қатнашиб ҳалок бўлдилар.

«Фурбатга, камбағалликка лаънатлар бўлсин, мустамлакачилик дастидан бобурийлар, Баҳодиршоҳ авлодлари тирқираб кетди, афсус» — деди ғамгинлик билан суҳбат сўнгидаги профессор Ошиқ Мұхаммад Дурроний. Улар инглизлар таъқибидан қочиб, ҳатто номларини ҳам ўзгартириб юборганлар ва турли майда касблар билан шуғулланиб кетганлар. Ошиқ Мұхаммад ҳам бизнинг экспедициямизга катта умид боғлади ва келажакда Андижон ва Мултон университетлари билан дўстона алоқалар ўрнатиш истагини билдириди.

Мултондан Белужистон чўллари орқали юриб, тунда Эроннинг Зоҳидон шаҳрига кириб келдик.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳиндистон ва Покистон олимлари билан ўтказилган илмий мулоқотлар натижаси кутгандан ҳам зиёда бўлди. Биз янги-янги олимлар билан танишдик ва дўстлашдик, илмий алоқалар ўрнатиш учун адреслар алмашдик. Улар тавсияси билан Бобур ва бобурийлар даврига оид кўплаб тарихий китоблар, ҳинд миниатюраларидан нашрлар сотиб олдик. Булардан ташқари, мустақил Ўзбекистонимизни ташвиқ қилишда ҳам илмий доиралардаги бу учрашувлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биз қаерда бўлсак, ким билан учрашсак, аввало, собиқ СССРдан ажralиб чиққан Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақида, Президентимиз Ислом Каримовнинг миллий ва маънавий қадриятларимизни англаш ва тиклаш борасида олиб бораётган изчил сиёсати ҳақида сўз юритдик. Бизнинг Бобур номидаги халқаро илмий экспедициямиз ҳам ўша мустақиллик туфайли ва миллий мафкура борасидаги янгича

сиёсат шарофати билан вужудга келганлиги ҳақида Ҳиндистон ва Покистондаги олим сұхбатдошларимизда тасаввур пайдо қилишга интилдик. Иншооллох, истиқолимиз туфайли бошланган хайрли ишларга экспедициямиз ҳам ўз улушини қўшса, эзгу мақсадларимизга эришган бўламиз.<sup>1</sup>

## БОБУР ҚАДАМЖОЛАРИ ВА «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»

Юртимиз тарихида араблар келмасдан илғари, яъни турк хоқонлиги даврида (милодий VI аср) Фарғона водийсида йирик дәхқончилик воҳаларининг марказлари сифатида олтита шаҳар асосий роль йўнай бошлагани археологларимиз томонидан исбот қилинган — бу ҳақда юқорида ёзиб ўтдик (Ўзган, Уш, Андижон, Кубо, Конибодом ва Ахсикент). Ушбу шаҳарлар халқаро карvon савдоси ривожида йўнаган роли бекиёсдир. Шунга қарамай, Фарғона водийси шаҳарларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи археологик жиҳатдан маҳсус ўрганилган эмас. (Бундан фақат Ўш шаҳри мустасно. Қирғизистонли ҳамкарабалар айrim жузъий текширишлар асосида шаҳарнинг 3000 йиллигини тантана қилиб юбордилар. Ваҳоланки, Фарғона шаҳарлари тарихи бир-бirlаридан айрича эмас, балки комплекс тарзда ўрганилмоги лозим эди.)

Юқорида номлари келтирилган шаҳарлар водийни «Буюк ипак йўли»га олиб чиқадиган қадимий карvon савдо йўлидаги шаҳарлардир. Милоддан илгариёқ Шарқий Осиёдан бошланган машҳур «Ипак йўли»нинг бир тармоги Хитойнинг шимоли-ғарби чегарасидан ўтиб, Иссиқкўл бўйларига тушган ва кўл ёқалаб жанубий Сибир томонга кетган. Ундан бир

<sup>1</sup> Экспедициянинг бошқа шаҳарларда бўлиши ва мазмунли ишлари, юқорида айтилганидек, бошқа мақолаларда ёритилади. Ҳайдаробод шаҳрида истиқомат қилаётган сўнгти бобурийлар авлодидан бўлмис Зиёиддин Тусий хонадонида бўлганимиз ҳам алоҳида мақола мавзудидир. (Сўнгти изоҳ: Яқинда «Саёҳатнома» асаримиз нашр қилиниб — Тошкент, «Янги аср авлоди» нашриёти, 2002, — унинг деярли ярми Ҳиндистон ва Покистон сафарига бағишланган.)

тармоқ ҳозирги Қирғизистоннинг Норин ва Отбош ҳудудларини оралаб давом этиб, Фарғона водийси томонга — «Ясси довони» орқали шарқий томондаги биринчи шаҳар бўлмиш Ўзганга тушган. Улуғ соҳибқирон Амир Темур Фарғона мулкини мӯғул хонларидан Қамариддин ҳужумидан ҳалос қилиш учун Фарғона водийси шарқидаги Отбош маъзенига, ундан «Ясси кечик» орқали Ўзганта келгани Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида баён қилинган.

«Буюк ипак йўли»нинг Ясси довонидан ошиб ўтган тармоғи Ўзганга келгач, карвон йўли Фарғона водийсининг шимоли-шарқий ҳудудлари бўйлаб тармоқлашиб кетган. Эргаштом орқали Ўшга келган йўл эса Фарғона водийсининг жануби-ғарбий қисми бўйлаб келиб Хўжандга ва Усрушона (ҳозирги Ўратепа)га келган, давоми эса Афғон йўлига қўшилган. Камина ҳалқаро «Буюк ипак йўли»нинг Фарғона водийси тармоғини Бобур қадамжолари мисолида ўрганиб «Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси» номида тарих факультети талабалари учун маҳсус ўқув қўлланма ишлаб бердик.

Умуман, «Буюк ипак йўли» тармоқлари қатор мамлакатларни босиб ўтиб, ҳалқаро карвон савдоси учун асосий йўл бўлиб хизмат қилгани шарқу ғарбнинг савдо ва маданий алоқаларида жуда муҳим роль ўйнагани тарихдан маълум.

Биз Бобур қадамжолари бўйлаб уюштирган маҳсус экспедициямиз чогида «Ипак йўли»нинг Шарқдан Фарғона водийсига ўтган тармоғини аниқлаш мақсадида Ўзгандан 70 км дан ортиқ шарқий тоғ водийларигача бордик. «Бобурнома»да «Ясси кечит» деган жой номи бор. Бобур Ўзган томонга қочган ғаним кетидан қувиб, унга зарба бериш учун Қосим Қовчинни юборганини ёзади. Қосим Қовчин «Ясси кечит» жангига мағлубиятга учраган.

Экспедициямиз чогида аниқландики, жой номи «Ясси кечит» эмас, «Ясси кечик» экан. Қора дарёнинг бир тармоғи бўлмиш Ясси дарёси Фарғона тизма тоғининг ғарбий ёнбағридан оқиб тушади-да, Қора дарёга қўшилади. Тизма тоғнинг шарқий ёнбағрига оқиб тушган ирмоқлар Норин дарёга

қўшилади. «Буюк ипак йўли»нинг Иссиккўлдан Фарғона водийсига ўтган қисми ўша «Яssi кечик» йўли орқали Ўзганга келган. Бобур бу ерларда бўлган ва атрофни кузатган.

Ўзгандан 70 км шарққа юрилса «Жили сув» номли булоқ бўйига чиқилади. Сув шифобахш бўлгани сабаб одамлар махсус келиб шифо топадилар. Аммо йўл оғирлигидан кам одам боради.

«Жили сув»дан отда яна 35 км ча шарққа томон юрилса жуда кенг майдонга чиқилади. Бу майдон ҳозирча қирғизлар хотирасида «Чит бозори» деб аталади. Хотираларда сақланган ҳикояларда айтилишича, Хитой савдогарлари шу ерга келиб ўз молларини сотиб шу ердан қайтганлар. Бу ерда қадимда кўплаб карвон саройлар бўлган. Қадимий тўрт бурчак шаклидаги пишиқ гишт парчалари ҳозиргача кўплаб учрайди.

Бундан хulosса қилиш мумкинки, тоғ ортидаги Отбош мавзеидан ўтган «Ипак йўли» Бобур «Яssi кечит» (аслида «Яssi кечик») деб ёзган йўл билан Фарғона водийсининг шарқий чегарасига ўтган ва ўша машҳур «Чит бозори»да савдо қилишган.

«Ипак йўли»нинг кейинги йўли бизнинг текширишимизча, Ўзганга келиб иккига ажралган. Унинг бир тармоғи Ўшга кетган. Яна бир тармоғи Ўзгандан адир ёқалаб, «Кулунчуқ» мавзеси орқали ҳозирги Кампирровот ёқалаб кетган ва Бобурномада тилга олинган «Бандисолор» катта йўлига қўшилган. Бобур қадамжоларини ўрганиш шу хulosага олиб келадики, пойтахт Андижон «Ипак йўли»нинг икки тармоғи билан боғланган. Биринчи тармоғи шаҳарнинг шимолидаги «Хокан» дарвозаси орқали Ўшдан келган Куба (Кува) йулига қўшилган ва гарбга кетган. Иккинчи тармоғи Ўзгандан «Кулунчиқ» орқали Кампирровотга келиб Қора сув массиви орқали йўналган-да, юқорида тилга олинган «Банди солор» йўли билан Сирдарёдан ўтиб, шимол томонга — Ахсига кетган ва тоғ довони орқали Оҳангарон водийсига чиқкан.

Албатта бу икки магистрал йўлнинг ўз навбатида водий бўйлаб майда тармоқлари ҳам бўлгани шубҳасиз. Ҳозир бу майда маршрутларни аниқлаш устида иш олиб борилмоқда.

Юқорида биз тилга олиб ўтган ўрта асрдаги «Хон йўли» Аравансой қирғоти бўйлаб — шарқ томонга бурилгач, Ўшга кириб борган. Шубҳасиз унинг ҳам шаҳарлараро савдо алоқаларида ўзига хос аҳамияти бор эди. Акс ҳолда ҳалқ оғзида бу ҳақда маълумот сақланмаган бўлур эди. Лекин бизнингча унинг «хон йўли» дейилишига сабаб, унинг пайдо бўлган даври кейинроққа — асосан Бобур даврига тўғри келса кепар.

Бобур қадамжоларини текширишда ҳали қилинадиган вазифалар кўп. Биз ҳозирча масаланинг фақат «Буюк ипак йўли»га боғлиқ томонига диққатни қаратдик. Келгусида Бобурномада Фарғона водийси бўйича тилга олинган қишлоқлар бўйлаб маҳсус экспедиция ташкил қилиш галдаги вазифаларимиздан-дир.

«Буюк ипак йўли»нинг Фарғона водийсидаги тармоқлари ҳақидаги текшириш натижаларига холоса ясаб, шуни айтиш керакки, Бобур Самарқанддан Усрушона (Ўратепа)га ва Хўжанд орқали Андижонга келар экан, Ўш—Конибодом—Кубо йўлидан юрган, шунингдек, Андижондан Ўшга борар экан, шу йўлнинг биз текширган қисмидан юриб ўтган.

Қиссадан ҳисса деганларидек, бу қадими жойларга бўлган муносабатимиз қуйидаги таклифни келтириб чиқаради:

1. Андижоннинг «Мирзо дарвозаси»дан чиқиб Ахси томон йўналган ва Бобурномада тилга олинган машҳур «Банди солор» йўлини аниқлаш ва уни маҳсус харита-схемасини тузиш.

2. Юқорида таъкидланганидек, Бобурномада тилга олинган Фарғона мулки қишлоқлари ва аҳоли пунктларини аниқлаб, уларнинг рўйхатини тузиш ва харитага олиш.

Албатта, бу ишлар олимлар ва сайёҳларнинг хоҳишлари билангина амалга ошмайди. Бу қутлуғ ишга Бобур номли ҳалқаро хайрия жамғарманинг ҳам иштирокидан фойдаланиш режамиз ҳам бор. Зеро «Бобурнома»да тилга олинган қишлоқлар маҳаллий тарихимиз учун ҳам фавқулодда аҳамиятилидир.

Умуман, Бобур қадами теккан тарихий жойлар ва қишлоқлар ҳам авлодлар учун сақланиши лозим.

Бундай жойларга махсус лавҳалар ўрнатилиши лозим. Замонамиз, маънавиятимиз тобора яхшилик томон ўзгариб боряпти. Тарихий ёдгорликларга, улуғ Бобуримиз тилга олган жойларга бўлган муносабатимиз ҳам ҳаётимида рўй берадиган ижобий ўзгаришларга монанд бўлмоғи зарур.

## И з о ҳ

Бизнинг саъй-ҳаракатимиз ва Ҳўжаобод тумани ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан 1991 йили сентябрь ойида Лоткан тепа ёнига мармар тош ўрнатилиб, ушбу жой Бобур номи билан боғлиқ бўлган тарихий ёдгорлик эканини эслатувчи лавҳа ёзиб қўйилди. Кейинги йиллари тепалик тагидан махсус тош девор билан ўралди ва чиқиш учун зинопоялар қурилиб устига кўшк-айвон бино қилинди.

Камина туман халқ таълими вакили ҳамда қишлоқдаги тарихчи ўқитувчилардан иборат груп тузиб, «Хон супа» чўққисига чиқдик. Чўққида узунлиги тўрт метр, эни бир ярим метрли тош супа ҳеч ўзгармагани ҳолда сақланган. Супа тарихий жой, чиқиш эса қийин бўлгани учун бу ерла ўзимиздан махсус ёзув қолдирдик.

---

---

**Сайфиддин Җалилов**

**БОБУР ҲАҚИДА  
ҮЙЛАР**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2006**

**Мұхаррир Эркін Малик  
Бадий мұхаррир Михаил Самойлов  
Техник мұхаррир Раъно Бобохонова  
Мусаҳид Нодира Охунжонова**

Теришга берилди 05.12.2005. Босишига рухсат этилди 31.01.2006.

Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. Таймс гарнитураси. Оффсет босма.

Шартли босма табоги 5,88+зарварақ. Нашриёт-ҳисоб табоги 5,57.  
Адади 3000 нусха. Буюртма № 2097. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**